

296. 032. 2/07)

Илёс НИЁЗОВ

ОЛИМПИЯ СПОРТ ҮЙИНЛАРИ

(Услубий қўлланма)

2024412

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нациёти
2006

Ушибу қўлланмада Олимпиядада ўйинлари тарихи кенг ёритилган бўлиб, қачон, қайси мамлакатда, спортнинг қандай турлари бўйича мусобақалар ўтказилганлиги, Ўзбекистондан қатнашган спортчилар, уларнинг эришиган ютуқлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган. Спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, гимнастика, кураши ва сузиш турлари бўйича ўқув машгулотлари жисмоний тарбия ўқитувчилари, спортнинг шу турлари билан шугулланувчи спортчилар, Олий ўқув юрти ва коллеж талабалари учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир:

Р. РИСКИЕВ.

Тақризчи:

А. ТОЛИБЖОНОВ,
педагогика фанлари номзоди

ISBN 978—9943—09—015—6

© Ўзбекистон Республикаси ФЛ «Фан» нашриёти, 2006 й.

Хар бир спортчининг орзуси Олимпиада ўйинларида қатнишиши ёки голиб бўлишидир. Шундай баҳт менга насиб этган мен бундан жуда ҳам баҳтиёрман.

Муаллиф ўз қўлланмасида Олимпиада ўйинлари ҳақида батағсил маълумотлар берган, чунки ҳамкашибим ва дўстим Илёсконга ҳам Москва шаҳрида ўтказилган XXII — Олимпиада ўйинларини кўриши насиб этган. Спортчи ёш дўстларимга тиласим спорт билан шугуланинг, доимо олга интилинг, муваффақият албатта сизга ёр бўлади.


Р. РИСҚИЕВ,
бокс бўйича Жаҳон чемпиони,
Монреал Олимпиадаси кумуш медали сохиби,
Хизмат кўрсатган спорт устаси,
«Эл-юрт хурмати» ордени сохиби.

СЎЗ БОШИ

Хурматли китобхон! Сиз кўп марта шундай манзарани томоша қилгансиз: йигит Олимпия ўйинларининг голиблик шоҳсупасида турибди. Унинг гавда тузилиши гўзал, қарашларидан гурур ва баҳт нурлари ёғилмоқда. Унинг шарафига мамлакат маддияси янграмоқда ва давлат байроби кўтарилимоқда. Бундай хурматга факат давлат арбоблари ёки расмий ҳукумат вакиллари сазовор бўлади. Нима сабабдан йигитга бундай хурмат кўрсатилмоқда? У—олимпионик. Олимпия ўйинлари голиблари Қадимги Юнонистонда шундай аталар эди. Хозирги кунда олимпионикнинг ғалаба лаҳзаси, голиблик тантанаси ва тақдирланишини ер шаридаги ҳамма аҳоли куриши мумкин. Олимпионик нафақат голиб сифатида, балки маълум бир давлат, ҳалқ вакили сифатида машҳур бўлади.. Унинг шахси орқали уни ўстириб вояга етказган миллат, давлат, унинг имкониятлари баҳоланади. Шу орқали олимпионик уз ҳалқи рамзи, унинг фахри, қадр-қимматига айланади. Голиблик шоҳсупасида турган инсон уз мамлакати аҳолисининг бир умр хотирасида сақланиб қолади. Собир Рузиев, Руфат Рисқиев, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва бошқа машҳур спортчилар давлатимиз учун ана шундайлар қаторига киради.

Тарихда кўп байрамлар мавжуд. Баъзилари хозирги кунда умумбашарий аҳамиятга эга бўлмоқда. Лекин ўзининг аҳамияти, гўзалиги, турфалиги, инсониятга хайрли таъсирига кура, Олимпия ўйинларига тенг келадиган ҳалқаро байрам йўқ. Бу ер курраси-

НИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИЛАРИ, ЮКСАК МАДАНИЯТ ЙОТУКЛАРИ КҮРИГИ, ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ НАМОЙИШИ, ЙИРИК ОЛИМЛАР ФОРУМИ, ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ БАЙРАМИ, ИНСОННИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИННИГ ЮКСАК ҚАДРИЯТЛАРИ НАМОЙИШИДИР.

Олимпия ҳаракатида ҳар бир инсон қатнашиши мүмкін. Ҳаммаси шахсий истакка боғлиқ. Агар ёшингиз олимпия спортида катта муваффакиятларга эришишга имкон бермаса, спорт ҳаками, меценат, спорт журналисти, спорт иншоотлари архитектори, спорт снарядлари, кийимлари, инвентари яратувчиси сифатида олимпизмга күшилишингиз мүмкін. Ва, ниҳоят, Сиз олимпиячиларимиз ишқибози булишингиз, улар билан фахрланишингиз, бундай ажойиб спортчиларни тарбиялаб етиштирган Ватанингиз билан фахрланишингиз мүмкін.

Айникса, Олимпия йўйинларида давлатимизнинг спорт шарафини химоя қилувчи спортчиларнинг ватанпарварлик ҳисси жуда мухимдир. Олимпиячиларимизни Олимпиядага кузатиш пайтида И. А. Каримов уларга қарата шундай деган эди: «Сизнинг Олимпия йўйинларида иштирок этишингиз—ўз-ўзидан катта воқеадир. Щунинг ўзи ҳар бир ўзбекистонликни фахрлантиради ва тўлқинлантиради. Сиз ёш мустакил мамлакатимиз номидан ушбу мусобақаларда катнашасиз. Сиз энг кучли спортчилар билан кескин олишувларда сиз ўз маҳоратинигиз ҳамда қобилиятларингизни нағойиш қилган пайтда мен шуни хоҳлардимки, сиз қанчалик кўнгли очик халқнинг вакили эканлигинингизни, қандай давлат шарафини химоя қилаётганингизни эсда тутишингиз лозим».

Ўзбекистон спорт шуҳрати, Олимпия йўйинлари тарихи жисмоний, маънавий ва аҳлоқий ривожланиш манбаи—олимпизм, инсоният цивилизациясида ва ҳар бир инсоннинг ҳаётида замонавий олимпия ҳаракатининг аҳамияти—мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида ушбу китоб сизларга маълумот беради.

Минг йиллар давомида Ўрта Осиё ва унда яшаб ўтган халқлар инсоният тарихида ёрқин из қолдирган. Бу ерда энг буюк ақлзаковат эгалари шаклланган. Бир вақтнинг ўзида бу ерда ғайритабиий жисмоний сифатларга эга инсонлар туғилиб вояга етган. Улар ҳозир ҳам дунёга келмоқда. Уларга ҳаётда ўз ўрнини топа олишга, Олимпия йўйинларида ғалабага эришиш йўлини излашга ва Ўзбекистонимизни шарафлашга ёрдам бериш—ушбу олимпия дарслигини яратишдан иборат бўлган бизнинг мақсадимиз эди.

ЗАМОНАВИЙ ОЛИМПИЯ ЎИНЛАРИ

Тарих саҳифалари замонавий тараққиётга олиб келган, тақдирни ҳал этувчи инсоният тарихидаги қашфиётларни очиб беради. Архимед, Ньютон, Эйнштейн ва бошқа олимларнинг буюк назариялари ҳамда қашфиётлари инсониятнинг физика ва техника соҳасидаги изчил ривожланиши түғрисида гувоҳлик беради.

Санъат усталарининг яратган ҳайкаллари, Миср эҳромлари, шоирлар, рассомлар, бастакорлар, меъморларнинг ижодлари замонамизни лол қолдирмоқда.

Асрлар оша дўстлик, ҳалоллик, бегаразлик руҳини сақлаб келаетган Олимпия ўйинларини ўтказиш гояси ҳам инсон тафаккури ижодига мансубдир.

Тарихдан маълумки, Қадимги Юнонистон, аниқроғи, Олимп шаҳри Олимпия ўйинлари ватани ҳисобланади. У Пелопонес ярим оролининг Гарбий қисмидаги жойлашган. Замонавий Олимпия ўйинлари машъали Алфей дарёси водийсидаги Кронос тог ён бағирларида ёқилади. Шу ердан ўйинлар пойтахтигача машъала эстафетаси бошланади.

Шундай афсона мавжудки, худо Кронос ўғилларидан бирининг қўлидан ҳалок бўлишини башорат қилувчи қўрқинчли тушга ишониб, Янги туғилган фарзандларини ютиб юборишни бошланган. Унинг рафиқаси Рея шундай йўл тутадики, навбатдаги Янги туғилган фарзанд ўрнига йўргакка тош ӯраб, уни бемехр отага беради, ўғлини эса чўпонга топширади. Бола ўсиб-улғаяди ва чакмок ҳамда момақалдироқ худоси қурдатли Зевсга айланади. Зевс отаси билан жангда ғалаба қозонади ва шу орқали акасингилларини кутқаради (улар кейинчалик худога айланишади).

Ушбу ғалаба шарафига Зевс спорт ўйинларини ўтказишни буюради ва улар ўтказилган жой номи билан Олимпия ўйинлари деб аталади.

Яна бошқа афсона ҳам мавжуд бўлиб, бунга кўра ўйинларни Геракл, Зевснинг ўғли ташкил килган.

Олимпия ўйинлари Гераклнинг энг шавкатли ғалабаларидан бирига бағишиланган. Геракл ўз оёклари кафти билан югуриш масофасини белгилаган ва у олти юзта оёқ кафтига (192 м 27 см) тўғри келган. Қадимги Юнонистонда бу ўлчов «стадион» деб юритилган, шундан «стадион» сўзи келиб чиқкан. Кўп йиллар давомида югуриш буйича голиб айнан шу масофада аникланар эди.

Олимпия ўйинлари Зевснинг невараси Пелопс томонидан ташкил қилинган деган афсоналар ҳам бор. Пелопс Эномайнинг қизига ўн тўртингчи куёв эди. Олдинги ўн учта куёв от аравада пойга

үйнашда Эномай қўлидан ҳалок бўлган эди. Эномайнинг қизи Гипподамия Пелопс билан бирга Эномай от аравасининг бошқарувчиси Миртиосни фидиракларни ушлаб турувчи бронзали ушлагични мумлисига алмаштириб қўйишга кўндиришади. Пойга пайтида фидираклар чиқиб кетади ва Эномай ҳалок бўлади. Худоларга миннатдорчилик билдириб. Пелопс Олимпия ўйинларини таъсис этади, от аравада пойга асосий мусобақага айланади. Кейинчалик ўйинларда Юнонистоннинг ҳамма шахар, давлатлари катнаша бошлади. Олимпия ўйинлари мобайнида ҳамма ерда тинчлик үрнатилар эди. Қадимги юонлар буюк худолар –чексиз қурдатли ва доно Зевс ҳамда унинг ўғли Гераклни Олимпия ўйинлари бошига қўйиб, бу ўйинларга бўлган муҳаббат ва хурматни ифода этганлар.

Олимпия ўйинлари шиори –«Тезрок, юкорирок, кучлирок». Айнан Олимпия ўйинларида инсон имкониятлари баркамоллигининг чегараси йўклиги исботланади. Олимпия спорт майдонларида спорт натижаларининг «портлаши» юзага келади. Шу сабабли Олимпия ўйинлари қадимдан энг эъзозланган байрамларидан бири ҳисобланган. Қадимги юонларда Олимпия ўйинлари қаҳрамонлари номларини Алфей дарёси яқинида урнатилган мармар устунга қўйиб ёзиш анъанага айланган. Биринчи Олимпия ўйинларининг ўтказилган санаси (м.а 776 й) ва Элидатик ошпаз Короибос тўғрисида инсоният ана шу мармар устундаги ёзувдан маълумот олган.

Олимпия ўйинлари ўтказилганидан 12 асрдан сунг Рим императори Феодосий I христиан динига мансублиги туфайли Олимпия ўйинлари сукутда қолди. 395 йилда Алфей дарёси қирғоқларида византияликлар ва готлар тўқнашганларида кескин жанглар натижасида Олимпия харобага айланди. 426 йилда (31 йилдан сунг) Феодосий II худоларга сифинадиган ибодатхоналарни ёқиб юбориши буоради, 100 йилдан сунг эса икки марта содир булган зилзила туфайли Олимпия вайрон бўлади. Сунг Алфей ва Кладей дарёлари сувлари тошиб, қолган иншоотларни ҳам ювиб кетади ва Олимпия кўм ҳамда ботқоқлик қаърига кириб кетади.

Бир ярим минг йил атрофида Олимпия кўмилиб ётади. Факат 1824 йилдагина, археолог лорд Станкоф Алфей қирғоқларида жиiddий қазилмаларни олиб боради ва у қадимги Олимпия шахри чизмасини тузади. Шу нарса Олимпия ўйинларини тиклаш foясини ривожлантиришга туртки бўлади. 1859 йилда Эвангелис Цаппас, Юон армияси майори, панэллин «олимпиадасини» (бошка давлатларнинг иштирокисиз) ташкил қилди. У икки марта ўтказилди, бироқ у миллий ўйинга айланмади, бунинг устига ҳалқаро миёсса чиқа олмади. Факат XIX асрнинг охиридагина замонавий

Олимпия харакати йилномасига биринчи сатрлар ёзилди. Тез орада кўпгина давлатларда спорт ташкилотлари, клублар пайдо бўла бошлади, халқаро спорт уюшмалари ташкил қилинди. Айнан шу нарса француз жамоатчи арбоби Пьер де Кубертенга замонавий Олимпия ўйинларини тиклаш ғоясини ҳётга тадбир этишга имкон берди. Француз ҳукумати топшириғига биноан 1889 йилда Кубертен ёшларини жисмоний тарбиялаш тажрибасини урганади, кўпгина давлатларга саволномалар жўнатиб, университетлар, коллеж ва лицейларда спортни ўқитиш усулияти билан қизиқади. Пьер де Кубертен фаол, ноёб ташкилотчилек қобилиятларига эга бўлган инсон сифатида юононларнинг 1859-1889 йиллардаги мусобақаларни ўтказишдаги муваффақиятсиз тажрибасини хисобга олган ҳолда бир қатор давлатларнинг йирик спорт арбобларини Олимпия ўйинларини ташкил қилишга жалб этишга қарор қилади. Асосий мақсад Олимпия харакатига бошидан халқаро мақом беришдан иборат эди. Европа бўйлаб сафарлар уюштиради, Олимпия ғоялари тарафдорлари билан учрашади, алоқалар урнатади, уйига қайтиб келгач эса, 1892 йил 25 ноябрда узининг машхур «Олимпиянинг ўйғониши» маърузасини Сорбоннада ўқиб эшиттиради. Пьер де Кубертен олимпизм тарафдорларини түплади ва Бутунжоҳон учрашувни ташкил қилди. Бу учрашув 1894 йил июнда Сорбоннанинг катта мажлислар залида ўтказилди ва Пьер де Кубертен 12 та давлатдан келган 72 та вакиллар олдида Олимпия ўйинларини ташкил қилиш ва Халқаро Олимпия қўмитасини (ХОҚ) тузиш лойиҳаси билан сузга чиқди. Таъсис конгресси Кубертен таклифини қўллаб-куватлади ва Олимпия харакатини бошқариш ҳамда ўйинларни ташкил қилиш мақсадида 1894 йил 23 июнда Халқаро Олимпия қўмитаси ташкил этилди. Унинг таркибига 12 та давлатдан 14 та вакил киритилди.

Маълумки, Таъсис конгресси Олимпия ўйинларининг асосий тамоийлари, қоидалари ва низомларини маъқуллади. Уларни Пьер де Кубертен Олимпия хартияси деб номлади. Конгресс Олимпия ўйинларини қадимги анъана бўйича тўрт йилда бир марта ўтказиш тўғрисидаги карорни тасдиқлади. Кубертен биринчи замонавий Олимпия ўйинларини 1900 йилда Парижда ўтказишни таклиф қилган эди: XX асрнинг бошланиши – янги Олимпия даврининг бошланиши. Бирок Юнонистон вакили таникли шоир ва таржимон Деметриев Викелас Олимпиадани олти йил кутиб ўтирасдан, биринчи Олимпия ўйинларини 1896 йилда ўтказишга конгрессни чақириди. Бунда у ўшуни қайд қилдики, Париж 1900 йилда ўйинлар майдонига айлансанин, юононлар ери қадимги Олимпиадалар бешиги эса бундан тўрт йил олдин Олимпия ўйинларини ўтказади.

Олимпиада раками	Шахар	Йил	Сони			
			Спорт турлари	Қатнашган давлатлар	Иштирок- чилар	Ўзбекистон- дан
I	Афина	1896	9	13	311	—
II	Париж	1900	18	21	1330	—
III	Сент-Люис	1904	16	13	625	—
IV	Лондон	1908	20	22	2034	—
V	Стокгольм	1912	14	28	2437	—
VI		1916		ўтказилмаган		
VII	Антверпен	1920	19	29	2607	—
VIII	Париж	1924	17	44	3092	—
IX	Амстердам	1928	15	46	3014	—
X	Лос-Анджелес	1932	14	37	1048	—
XI	Берлин	1936	19	49	4066	—
XII		1940		ўтказилмаган		
XIII		1944		ўтказилмаган		
XIV	Лондон	1948	17	59	4099	—
XV	Хельсинки	1952	17	69	4925	2
XVI	Мельбурн	1956	16	67	3184	1
XVII	Рим	1960	17	83	5348	1
XVIII	Токио	1964	19	93	5140	3
XIX	Мехико	1968	18	112	5553	5
XX	Мюнхен	1972	21	121	7147	8
XXI	Монреал	1976	21	92	6043	4
XXII	Москва	1980	21	80	5283	15
XXIII	Лос-Анджелес	1984	21	140	6802	—
XXIV	Сеул	1988	23	160	9141	7
XXV	Барселона	1992	23	172	10563	17
XXVI	Атланта	1996	36	197	10305	76
XXVII	Сидней	2000	38	199	11000	77
XXVIII	Афина	2004	38	202	16000	69

Шундай карорга келинди. 1896 йил замонавий 1 Олимпия ўйинлари иили деб аталади. 1 ўйинларнинг ўтказилиши жойи Юнонистон пойтахти Афина шахри булди. Шундай қилиб, бир ярим минг йиллик унтулишдан сунг Олимпия ўйинлари инсониятга қайтарилди. Шундан бери 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида тўрт йилда Олимпия меҳробида Олимпия машъали ёқилади.

Биринчи Олимпия ўйинлари Юнонистон пойтахти Афинада 1896 йил 6 апрелда мармар стадионида 80 минг томошибин иштироқида очилди. Унда 13 да давлат: АҚШ, Австралия, Австрия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Олмония, Дания, Франция, Чили, Швейцария, Швеция ва ташкилотчи юнонистон вакиллари иштирок этди. 1 ўйинларда 311 та спортчи қатнашди.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚУМИТАСИ (ХОК)

Олимпия харакатининг Олий раҳбар органи 1894 йил 23 июнда француз жамоат арбоби Пьер де Кубертен ташаббуси билан ташкил қилинди. ХОК таркибига 12 та давлатдан, Англия, Аргентина, Бельгия, Венгрия, Юнонистон, Италия, Янги Зеландия, Россия, АҚШ, Франция, Швециядан иборат 14 та вакил киритилди.

ХОКнинг устав хужжати –Олимпия хартиясиdir.

ХОКнинг Олимпия хартиясига биноан асосий вазифалари куйидагилардан иборат.

-хаваскорлик спорти асоси ҳисобланган жисмоний ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришга ёрдам бериш;

-ёшларни спорт ёрдамида ўзаро келишув ва дўстлик руҳида тарбиялаш, шу орқали янги ҳамда тинч дунёни қуришга ёрдам бериш;

-бутун дунёга Олимпия тамойилларини кенг ёйиш, халқлар ўртасида яхши ният муҳитини яратиш;

-жаҳон спортчиларини 4 йилда бир марта катта спорт байрами - Олимпия ўйинларида учраштириш.

ХОК мажбуриятига ёзги ва қиши Олимпия ўйинларини мунтазам ўтказиш, уларни доимий такомиллаштириб бориш, бутун дунёда спортнинг ривожланишига раҳбарлик қилиш киради. ХОК Миллий Олимпия қумиталари (МОК) ҳамда Халқаро спорт федерацияларини (ХСФ) тан олиш тұғрисида қарор қабул қиласы. 1994 йилнинг 1 январига қадар 197 та МОК ва Олимпия спорт турлари бўйича 31 та ХСФ тан олинган.

ХОК Олимпия ўйинлари дастурини белгилайди, ўйинларни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича юзага келадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда юкори ташкилот ҳисобланади (ўйинлар пайти-

да мусобақалар ўтказилишини техник назорат қилиш хукуки ха-лқаро спорт федерацияларига топширилади), Олимпия ўйинлари-ни ўтказиш учун шаҳарга хукуқ бериш түғрисида қатый қарор чиқаради.

ХОҚ фаолиятидаги әнг мұхим йұналишлардан бири –бу санъат-ни спорт орқали тарғиб килишdir. ХОҚ президенти бұлган Хуан Антонио Самаранч «Олимпизм –бу спорт ҳамда маданият» каби тамойилни доимо тарғиб қилиб келади.

Тарақкыйпарвар күчлар вакиллари ташаббусига кўра ХОҚ бир неча бор ҳалқаро спорт алоқалари, Олимпия ҳаракатини демокра-тиялаштириш муаммоларини мұхокама қилған, спортда сиёсий ва иркӣ камситишларга қарши чиққан.

ХОҚнинг Олий органдың сессия бўлиб, у ҳар йили, Олимпия йи-лида эса иккى марта чакирилади. Олимпия конгресслари 8 йилда бир марта ўтказилади.

Сессиялар ўртасидаги даврда ХОҚнинг кундалик ишларини ижроия қўмита бошқариб боради. Унинг таркибида ХОҚ прези-денти (сессияда яширин овоз бериш йўли орқали мутлақ кўпчи-лик овоз билан 8 йил муддатга сайланади, сўнг кейинги тўрт йиллик даврларга қайта сайланishi мумкин), тўртта вице-прези-дентлар ва олтига аъзо киради. Вице-президентлар ва олтига иж-роия қўмитаси аъзоларининг ваколат муддати -4 йил.

ХОҚ аъзолари (ҳозирги пайтда улар 95 та) Олимпия хартияси га биноан ўз мамлакатларидаги унинг вакили хисобланадилар. Мамлакатда ХОҚнинг битта аъзоси сайланади, лекин ХОҚ иккинчи аъзони Олимпия ўйинлари ўтказилган давлатлардан сайлашиб мумкин. ХОҚ аъзоси 75 ёшга тулганда истеъфога чиқиши лозим.

ХОҚ тизимида Олимпия ҳаракатининг турли масалаларини урга-надиган ва ишлаб чиқадиган доимий комиссиялар мавжуд. Бу куйидаги масалалар:

- Олимпия ўйинларини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- Олимпия бирдамлиги; - Олимпия ўйинлари дастурлари;
- Олимпия ўйинларидаги қатнашиш учун иштирокчиларга рухсат бериш;
- юридик, тиббиёт, молиявий, тақдирлаш, маданий дастурлар муаммолари;
- матбуот хизмати ва ҳ.к.

Ўйинларни телевидение орқали намойиш қилиш хукукини со-тишдан тушган маблағлар ХОҚ бюджетини ташкил этади. ХОҚ бюджет маблағларининг бир қисми ҳаваскорлик спорти ҳамда Олимпия ҳаракатини спорт федерациялари ва МОҚларга берила-ди.

ХОҚнинг расмий тили –француз ва инглиз тиллари дир.

ХОҚнинг президенти этиб қуйидагилар сайланган:

Д. Викелас (Юнонистон).	-1894-1896	йй.
П. де Кубертен (Франция)	-1896-1925	йй.
Граф А. де Байе-Латур (Бельгия)	-1925-1942	йй.
З. Эдстрем (Швеция)	-1942-1952	йй.
Э. Брендедж (АҚШ)	-1952-1972	йй.
Лорд М. Килланин (Ирландия)	-1972-1980	йй.
Маркиз Х. А. Самаранч (Испания)	-1980-2002	йй.
Жак Рот. (Бельгия)	-2002	йилдан.

1991 йил 30 декабрда 1861 -сонли Кирол Фармони билан Х. А. Самаранчга «маркиз» унвони берилган. Испания қироли Хуан Карлос томонидан имзоланган ушбу Фармонда Самаранчнинг спортни бутун дунёга тарғиб қилиш ва оммалаштириш ишига қўшган катта хиссаси ҳамда инсонлар ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланишидаги хизматлари тан олинган.

ПЬЕР ДЕ КУБЕРТЕН –ОЛИМПИЗМ ОТАСИ

Пьер де Фреди барон де Кубертен (1863-1937) –бу исм ўз замонасининг иқтидорли, шижаатли, қизиқувчан, ажойиб ва табиийки, замонавий Олимпия ўйинлари билан боғлик инсон исми сифатида тарих сахифаларидан бир умр ўрин олган.

У Европадаги энг қадимги, бутун жаҳонга таникли ва энг яхши Париж университети –Сорбоннани тамомлаган. Тарих, педагогика, фалсафа, сиёсат билан қизиқкан. Кейинчалик Пьер де Кубертен қадимги Эллада маданияти ва адабиёти тарихи билан чукур қизиқиб қолади. Айнан шу нарса унинг ҳаётида асосий мақсадга қараб ҳаракат қилишнинг бошланиши бўлди.

Унинг педагогика билан қизиқиши бу фаннинг янги қирралари –спорт педагогикаси, жисмоний тарбияни очиб беради.

Пьер де Кубертен бу фанлар инсонга маънавий таълим бериш воситаси бўлиши мумкинлигини кўз олдига келтирган ва у хато килмади.

Маълумки, Кубертен коллежда ўқиб юрган пайтларида ёқ қадимги Олимпия қазилмалари тўғрисида билиб олди ва дўстлари билан Олимпиянинг аввалги қудратини тиклашни режалаштириди.

Бу орзуни у ҳақиқатга айлантириди, бунинг учун у ўз умрининг кўп кисмини –ярим асрдан кўпроқ вактни сарфлади.

12 ёшлик чоғида у спорт клуби тузади. Бу ерда болалар футбол, киличбозлик ва эшқак эшиш билан шуғулланардилар. Шундай

қилиб, у болалар учун спорт уюшмаларини биринчи марта яратган, сұнгра халқаро мусобақаларни ташкил этган шахсга айланади. Тахминан шу пайтларда Пьер жисмоний тарбиясиз маңнавий ривожланиш бұлмаслигини тушуниб етади.

Пьер 20 ёшга кирғанда Олимпия үйинларини қайта тиклаш тұғрисида фикр билдиради ва бутун ҳәётини мана шу мақсадни амалга оширишга бағишлиайды.

Айнан шу мақсад билан Кубертен фаол ҳаракат қилишни бошлайды, жаһоннинг күргина давлатларини кезіб чиқади, баҳслашади, ўз фикрларини исботлайды, Олимпия ғоялари тарафдорларининг халқаро учрашувини ташкил қилишга имкон беради.

Кубертеннинг таъқидлашича, олимпизмнинг биринчи ва асосий мақсади – спорт, маданият, фан, санъат Олимпия ҳаракати деб номланадиган мустаҳкам ҳамда ажойиб қотишмага бирлашиши лозим.

Пьер де Кубертеннинг мағнұр «Спорт маддияси» олий мукофот –Олтін медалға (1912) сазовор бұлған. Маддияда айтилишича, спорт –бу ҳәётимизнинг доимий йүлдоши, чинакам ва ишончли дүсті. Спорт билан мунтазам шуғулланиш рух ва танага қувонч бағш этади.

Олимпия белгилари, рамзлари, мукофотлари, қасамёд матни ҳам Кубертен томонидан тақдым қылинганды.

Пьер де Кубертен йигирма тұққыз йил ХОҚнинг президенти бўлған. Уни хизматларига яраша олимпизм отаси деб аташади.

Пьер де Кубертен Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия күмитаси штаб-квартираси яқинида Дафн этилган, унинг юраги эса васиятига кура Юнонистанда, Олимпия үйинлари ватани –барҳаёт Олимпияда күмилган.

САККИЗТА ПРЕЗИДЕНТ

ХОҚнинг биринчи президенти Ким бўлиши керак? Албатта, Олимпия ҳаракати кўп ишларни амалга оширган, олимпизмга бутун қалбини баҳшида этган Пьер де Кубертен бўлиши лозим.

Бирок, Хартияда кўрсатилган қонунлар Олимпия ҳаракатининг биринчи қадамлариданоқ бажарилиши мажбурий эди. Үша пайтдаги Хартияда шундай ёзилган эди: «ХОҚга навбатдаги Олимпия үйинлари ташкил этилаётган давлат вакили раҳбарлик қилиши лозим».

Юнонистан жамоат арбоби ва иқтидорли шоир Деметриус Викелас 1894 йилдаги Конгрессда Олимпиада пойтахти этиб ўзининг жонажон Афинасини танлашшы қатнашчиларни кўндириди ва кутилмаганда президент бўлиб қолди.

Бирок бу инсон жуда нозик ва виждонли қалб әгаси бўлиб, Афинадаги Олимпия ўйинлари ўтказиб бўлингандан сўнг, у ўз ўрнини Пьер де Кубертенга бериш мақсадида истеъфога чиқди. Бу тўла олимпизм, олижаноблик ва юксак одоб руҳида эди.

1896 йилда ХОҚ президенти ўрнини Пьер де Кубертен эгаллади. Буюк олимпиячининг бу «қироллик қилиши» деярли ўттиз йил, 1925 йилгача давом этди, яъни Пьер де Кубертен ўз хоҳиши билан истеъфога чиқди ва унинг фикрича, ёшрок ҳамда ишчанроқ инсонга ўз ўрнини бушатиб берди.

Пьер де Кубертен раҳбарлиги остида ва унинг фаол иштирокида 1896-1924 йиллар орасида еттига Олимпиада ўйинлари ташкил қилинди ҳамда ўтказилди. Олимпизм учун энг қийин ва энг масъулиятли йилларда Олимпия ўйинлари, ҳозиргилари каби, амалда буюк спорт ва олижаноблик байрамига айланди.

1925 йилдан 1942 йилгача граф Анри де Байе -Латур (Бельгия) ХОҚ президенти бўлди. Ёшлигиде у жуда зўр спортчи эди. Улгайиб, спорт машғулотларини фаол тарғиб қилиш билан шуғулланди. 1906 йилда у ўзининг ватанида Миллий Олимпия кўмитасини ташкил қилди, Биринчи жаҳон урушидан сўнг эса ХОҚга Олимпия ўйинларини унинг ватани пойтактида, Антверпенда ўтказиш таклифи билан мурожаат қилди. Биламизки, 1920 йилдаги ўйинлар айнан уша ерда ўтказилган. Байе-Латур ҳаётининг сўнгти кунларигача ХОҚ президенти бўлиб қолган.

Кейинги тўртинчи президент –бу швециялик Зигфрид Эдстрем бўлиб, унинг маълумоти инженер-электрчи эди.

Эдстрем талабалик йилларида спорт билан шуғулланди, спринтер-югуриш бўйича ўз мамлакати рекордчиси бўлди. Кейин у жамоатчилик -спорт фаолияти билан шуғуланиб, олимпизмояларининг ихлосмандига айланди. Швеция спорт ҳаракатига раҳбарлик қилди. Халқаро Олимпия кўмитаси Стокгольмда Олимпия ўйинларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтда, уларни ташкил қилишда фаол иштирок эта бошлади. 1912 йилдаги Олимпиада муваффақиятли ўтди. Бу муваффақиятда Зигфрид Эдстремнинг хизматлари катта бўлди.

Шу йилнинг ўзида фаол швед, Халқаро ҳаваскорлар енгил атлетика федерациясини ташкил қилди. Ҳозирги кунда у жаҳонда энг оммавий, кучли ва ва ҳурматга сазовор федерациялардан бири хисобланади.

З. Эдстрем президент лавозимини 1942 йилдан 1952 йилгача эгаллаб турди. У 1964 йилда 94 ёшида вафот этди.

Эвери Брендедж (АҚШ) 1952-1972 йиллар ичидаги ХОҚ президенти бўлди. Бунга қадар у ўз мамлакатининг энг кучли енгил

атлетикачиси булиб, Стокгольм Олимпиадасида, яъни ундан олдин президентлик қилган З. Эдстрем ташкил этган ўйинларда қатнашди.

Эвери Брендедж спортдаги хизмати юксак даражада бўлган ҳолда спорт арбоби, олимпизм ғояларини ҳаётга татбиқ қилувчи фаол курашчи сифатида ҳаммага таниш. У ўз даврининг кўзга кўринган етакчи халқаро спорт харакати раҳбарларидан бири ҳисобланади. Брендедж катта хизматлари учун кўпгина давлатларнинг орденлари билан мукофотланган.

Эвери Брендедж биринчи Олимпия Олтин ордени сохиби бўлди. Унинг номи замонавий Олимпия ўйинлари тарихида салмоқли урин эгаллади.

1972-1980 йиллар давомида халқаро Олимпия ҳаракатига таникли ирландиялик журналист Майкл Килланин раҳбарлик қилди. Бундан ташқари, у спортни тарғиб қилишда фаол шуғулланди, лорд Килланин етакчи инглиз газеталари шарҳловчиси ҳисобланарди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бу ботир инсон Британия қуролли кучлари офицери эди. Урушдан сўнг истеъфога чиқиб, кўп вақтини Миллий ва халқаро Олимпия қўмиталари ишига сарфлади.

М. Килланиннинг буюк хизмати яна шундан иборагки, қўпол сиёсий тазиикка қарамасдан, Москвадаги Олимпия ўйинлари нафакат ўtkазилди, балки жаҳон спортининг катта байрамига айланди.

Еттинчи президент –Хуан Антонио Самаранч. У 1920 йилда Барселонада дунёга келди. XX асрнинг 70-йиллари охирида собиқ Иттифоқда Испания элчиси этиб тайинланган.

80-йиллар бошида Олимпия ҳаракати ўз тарихида энг оғир кунларни бошидан кечираётган эди. Сиёсатчилар спортга фаолроқ аралаша бордилар. Совук уруш хавф солиб турарди. 1980 йилда Америка жамоаси Москвадаги Олимпия ўйинларида иштирок этишдан бош тортди. Уларга кушилиб АҚШ ортидан бораётган бир қатор давлатлар ҳам Москвадаги ўйинларда қатнашишдан возкечдилар.

Тўрт йилдан сўнг собиқ иттифоқ раҳбарлари Американинг Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида ўз спортчиларига иштирок этишни маън қилди.

Самаранчнинг обруси, шижоати, олижаноблиги ҳамда оқилона хатти-хракатлари навбатдаги (иккита қайгули Олимпиададан кейин) Каілгари ва Сеулда (1988) ўтказилган ўйинларнинг ўзаро ҳам-

корлик ва дўстлик белгиси остида муваффақиятли ўтишига ёрдам берди.

1992 йилда Барселонада –Хуан Антонио Самаранч ватанида ўтказилган ўйинлар олимпизмнинг ҳақиқий ғалабасига айланди.

Бу ҳақиқатдан ҳам ёшларнинг улкан спорт байрами, дўстлик ва биродарлик фестивали бўлди. Унда ер шарининг бешта китъасидан, бир юз етмишта давлатлардан спортчилар қатнашди.

Яна бир нарса жуда муҳимки, Самаранч раҳбарлиги остида бутун Олимпия ҳаракати мустаҳкамланди. Бу ҳаракатда деярли иккюзта давлат иштирок этади.

1999 йил охирида Олимпия ҳаракатини муҳим даражада демократиялаштирувчи бир қатор жиддий тузатишлар Олимпия Хартиясига киритилди.

Лозанна шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Олимпия қумитасининг навбатдан ташқари 110-чи сессияси «ХОҚ-2000» комитетининг ҳамма тавсияларини чукур муҳокамадан сўнг қабул килди. У Солт-Лейк-Ситидаги қи什ки ўйинлар атрофида коррупция билан боғлик бўлган жанжалдан сўнг ташкил этилган эди. Ушбу форумнинг асосий қарорлари куйидагилардан иборат:

1. ХОҚ аъзолари сони 115 тадан ошмаслиги лозим, улардан 15 таси спортда фаолият кўрсатаётган спортчилар, МОҚлар президентлари, шунингдек, халқаро спорт федерациялари раҳбарлари орасидан сайланади.

2. ХОҚга аъзо бўлиши мумкин бўлган номзодларни курсатиш ва дастлабки саралаш зарурӣ ҳатти-ҳаракат деб тан олинди.

3. ХОҚ аъзолари учун ёш чегараси 80 ёшдан 70 ёшга қисқартирилди.

4. Ижроия қўмита аъзолари сони 15 кишигача қўпайтирилади.

5. ХОҚ президенти мuddати 12 йил билан чегараланди.

6. ХОҚга аъзо қилиб 8 йил муддатга сайлаш (кейинчалик ҳам қайта сайланиш имконияти билан).

7. Ўйинларни қабул қилишни хоҳловчи шаҳарлар номларини курсатиш ишлари расмий равишда номзод миқёсини олиш шарти билан тўлдирилди. Уч ёқлама шартнома тузилади: шаҳар-МОҚ-ХОҚ. Агар шаҳар Олимпия пойтахтига айланса, ушбу шартнома ўз-ўзидан амал қилишни бошлайди.

8. ХОҚ аъзоларининг номзод шаҳарларга ташрифлари бекор қилинди.

9. ХОҚнинг молиявий фаолиятини ойдинлаштиришга эришин мақсадида, ундан келиб тушадиган маблағлар манбаларини очик ёритиб берадиган молиявий ҳисботларни албатта эълон қилиш.

10. ХОҚдан пул олаётган ҳар бир ташкилот ушбу воситалардан

қандай фойдаланилганлиги тұғрисида ХОҚта ҳисобот тақдим этиши лозим.

11. Ёзғи үйинлар дастуридаги спорт турлари сони 280 тағача чекланди ва бу Олимпиада-2004 да күчгә киради. Сидней-2000 да 300 та спорт тури дастурдан үрин олган эди.

12. Спортчилар учун паспортлар киритиш. Үнда самарали до-пинг-назорат үрнатыш ва спортчилар соғлигини текшириш учун зарур маълумотлар булиши лозим.

Олимпия хартиясига үзгартыриш киритилишини талаб килган ҳамма қарорлар учдан икки овоз билан, қолганлари оддий күпчилик овоз билан қабул қилинган.

2001 йил 13 июлда Москва шаҳрида бўлиб үтган ХОҚнинг 112-сессияси тарихга кирди. Сессияни сўнгги куни ХОҚнинг Янги саккизинчи президенти сайланди.

Маълумки, президентликка америкалик хукукшунос Анита Дафрантц, кореялик дипломат Ким Йнг Ун, канадалик иқтисодчи Ричард Паунд, венгриялик собиқ қиличбоз Пал Шмит ва белгиялик врач Жак Ротлар номзодлари қўйилган эди. Овоз бериш икки босқичда ўтказилди ва натижада Ж. Рот номзоди ютиб чиқди. У энди 8 йил мобайнида Халқаро Олимпия қўмитасини бошқаради.

Жак Рот 1942 йил 2 май куни Гент шаҳрида туғилган. Касби буйича тиббиёт фанлари доктори, жарроҳ, инглиз, француз, олмон, голланд ва испан тилларида сўзлаша олади.

Регби ва елканли қайиқ спорти билан шуғулланган. Елканли қайиқ спорти буйича олти кара Бельгия чемпиони. Уч бор Олимпия (1968, 1972, 1976) үйинлари иштирокчиси, икки карра жаҳон чемпиони, Регби буйича мамлакат чемпиони. Миллий терма жамоа үйинчиси.

Европа Олимпия қўмитаси президенти (1989), қиши (Инсбрук -1976, Калгари -1988), ёзғи (Москва-1980, Лос-Анжелес-1984, Сеул -1988) Олимпия үйинлари миссияси раҳбари 1991 йилдан ХОҚ аъзоси, халқаро спорт ташкилотлари комиссияларига раҳбарлик қилган. Олимпиада дастури ва Олимпия үйинлари комиссияси аъзоси. XXVII ва XXVIII Олимпия үйинлари координацион комиссияси раҳбари.

ОЛИМПИЯ ХАРТИЯСИ

Пьер де Кубертен, замонавий харакатининг асосчиси, Олимпия хартияси асосларини ишлаб чиққан Хартия ўз мазмунига кўра «конструкция» -қонунлар мажмуасига (унга асосланиб давлат, ташкилот ҳаёт кечиради) яқин. Олимпия Хартияси олимпизм ҳаратати учун қонунлар мажмуасидир.

Олимпия Хартияси яратилгандан бүён умуман олганда ўзгармаган ҳолда сақланиб қолган, бироқ тарихий жараёнларнинг кечиши, инсон жамиятидаги ўзгаришлар, Олимпия ҳаракатидаги ўзгаришларга мувофик маълум бир янгилашиблар содир бўлди.

Олимпия Хартиясининг Янги таҳрири 1999 йил ХОҚнинг 101-сессиясида қабул қилинди. У бир нечта бўлимлардан иборат. Биринчи бўлим Олимпия ҳаракатининг асосий тамойлларига бағишланган, унда ўйинларни ўтказиш шарафи давлатга эмас, балки шаҳарга берилади, чунки давлат –бу мамлакат, сиёsat, шаҳар эса-сиёsatдан ташқари.

Шу билан бирга ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказиш шаҳар Олимпия ўйинлари пойтахти жойлашган давлатнинг МОҚга юклатилади.

Миллий Олимпия қўмиталари ХОҚ билан узвий алоқада ва бевосита унинг раҳбарлиги остида иш олиб боради ҳамда ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказишида тўлиқ жавобгарликка эга бўлади.

Хартияда таъкидланадики, ҳамма ишлаб топилган маблағлар факат Олимпия ҳаракатини ривожлантириш, спортни ривожлантиришга, яъни инсонлар тинчлиги ва саломатлиги учун йўналтирилиши лозим.

Олимпия Хартиясида Олимпия рамзлари, эмблемалари, байроғи, Олимпия машъали, ритуаллари мазмуни ҳамда аҳамияти ёритилган.

Иккинчи бўлимда ХОҚнинг бошқарув органлари, унинг максадлари, вазифалари, тузилмаси ҳамда функциялари, шунингдек ҳуқуқлари тұғрисида маълумотлар берилади.

Учинчى бўлимда халқаро спорт федерациялари максадлари, вазифалари, функциялари ва уларнинг ХОҚ билан ўзаро алоқалари очиб берилади.

Тўртинчи бўлимда ХОҚ раҳбарлиги остида ўз давлатларида ҳамма Олимпия ишларини олиб борадиган Миллий Олимпия қўмиталарининг ҳуқук ва мажбуриятлари белгиланган.

Бешинчى бўлим шахсан Олимпия ўйинлари, иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига бағишлиланган.

Хартияда олимпизм моҳиятининг кисқача таърифи келтирилган: «Олимпизм тана, иродада ва онг қадр-кимматини мувозанатлаштирилган бир бутунликка бирлаштирувчи ҳаёт фалсафасидир». Олимпизм спорт, маданият ва таълимни боғлайди.

Олимпия ҳаракатининг максади –спортни инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига йўналтириш, гармония эса ҳақиқатдан ҳам инсон қадр-кимматини саклаш каби ғамхўрлик курсатадиган олижаноб ҳамда тинч жамиятни яратишга ёрдам бериши лозим.

Хартия турли хил тушунча ва атамаларга таъриф бериб ўтади. «Олимпиада», «Олимпия йўйинлари» атамалари нимани англатади?

Қадимги юононлар йўйинлар орасидаги тўрт йилликни Олимпиада деб атаганлар, яъни бу Яна бир йилнома ҳисобланган. Ҳафта, ой, йил каби тўрт йилликни Олимпиада деб аташ мумкин эди. Юононлар маълум бир воқеаларни улар содир бўлган Олимпиада йилининг рақами билан номлар эдилар. Масалан, етмишинчи Олимпиадада ва ҳ. к.

Олимпия йўйинлари тарихи шуни тасдиқлайдики, қадимги олимпиачиларда ўзларнинг ҳозирги замондагига ўхшамаган мукофотлари –ғолибнинг лавр гулчамбари ёки зайдун бутоги бўлган. Вакт утиши билан улар ўзгариб, такомиллашиб борган. Такдирлов нишонлари Хартиядга қатъий равишда айтиб ўтилади.

Замонавий Олимпия йўйинларининг рамзи турли хил рангдаги бешта бир-бирига ўралган ҳалқа тасвиридан иборат. Бу ҳалқалар бешта китъя спортичиларининг бирдамлиги ва уларнинг учрашуви маъносини билдиради.

Хартиядга уларнинг жойлашиши аниқ белгилаб берилган: юкоридаги учта ҳалқа чапдан ўнгта қуийдаги тартибда келади: кўк, кора, қизил, пастда эса сарик, яшил.

Олимпия шиори: «Цитиус, Алтиус, Фортиус» («Тезрок, Баландроқ, Кучлироқ») замонавий олимпизм йўналишини аниқ ифодалайди. Бу сўзлар француз руҳонийси Анри Дионга тегишли бўлиб, улар Пьер де Кубертенга маъқул бўлган ва унинг таклифи билан Олимпия шиорига айланган. Бу белгилар ХОК эмблемасида акс эттирилган. Эмблема ҳам Хартиядга аниқ белгилаб берилган. Ҳар бир Миллӣ Олимпия қумитаси ўз эмблемасига эга. Унда бешта ўралган ҳалқа ушбу эмблема асосини ташкил этади. Масалан, Узбекистон Республикаси МОК эмблемаси –бешта Олимпия ҳалқаси ва оқ фонда Ҳумо кушининг тасвири –ғалаба ҳамда баҳт рамзи тасвирланган.

Олимпия байроби тўғрисидаги ғоя, бошқалари каби. Пьер де Кубертенга тегишилдир. ХОК уни 1913 йилда тасдиқлаган. Байроқ 1916 йилда ўтказиладиган йўйинларда кўтарилиши лозим эди. Маълумки, биринчи жаҳон уруши туфайли йўйинлар ўтказилмаган.

Байроқ –атласдан тайёрланган, ҳажми 2×3 м булиб, унда Олимпия рамзи –бешта рангли ҳалқа тасвирланган. Байроқдаги оқ ранг ер шаридаги ҳамма миллатларнинг дустлик гоясини билдиради.

Байроқ биринчи марта 1920 йилда Антверпенда (VII Олимпия йўйинлари) кўтарилиган.

Байроқни бериш маросими: бўлиб ўтаётган Олимпия пойтахти Мэри йўйинлар байроғини ХОК президентига топширади, у эса

хамма олимпиячилар учын мұқаддас байроқни булажак үйинлар шаҳри мәрига топширади.

Олимпия мадхияси ҳам мавжуд.

1912 йилда Пьер де Кубертенда ушбу ажойиб байрамнинг қадимий ватанида Олимпия машъалини ёқиши фикри туғилди, у 1928 йилда Амстердамдаги 1X үйинларда (1952 йилда Ослодаги қишки VI үйинларда) амалга оширилди. Машъали тантанали рационалды ёқиши маросими Пьер де Кубертен томонидан таклиф қилинган. Бу маросим қадимги Олимпиада, қадимий Олимпия үйинлари қархарынларининг ҳаммасини биладиган Зевс ибодатхонаси харобаларыда бўлиб ўтади. 1926 йилдан бошлаб Олимпия машъали эстафетаси ўтказилади. Машъал у ёкилган жойдан бошлаб Олимпия стадионигача куну тун ҳар қандай об-ҳавода ҳам машъал кўтарувчилар томонидан олиб келинади. Олимпия стадиони йўли бўйлаб охиригина айланыш, охиригина қадамларни босиб ўтиш үйинлар ўтказилётган давлатнинг энг таникли спортчисига топширилади.

Спортчилар, иштирокчилар ва ҳакамларнинг Олимпия қасамёди ҳам мұқаддас маросимлар қаторига киради. Маълумки, унинг матни ҳам Пьер де Кубертен томонидан таклиф қилинган. Бирмунча ўзгаришларга учраган ҳолда унда шундай дейиллади: «ҳамма спортчилар номидан мен қасамёд қиласманки, биз бу үйинларда үйин қоидаларини ҳурмат ва уларга амал қилган ҳолда ҳақиқий спорт рухида, спорт шуҳрати ҳамда ўз жамоаларимиз шарафи учун иштирок этамиз». Олимпия қасамёди биринчи бор 1920 йилда (Антверпен, VII үйинлар) янграган.

Олимпия үйинлари ҳакамларининг қасамёди 1968 йилда Мехикода (XIX үйинлар) сабиқ Иттифок МОК таклифига биноан пайдо булди. Унда шундай дейиллади: «ҳамма ҳакамлар ва расмий шахслар номидан қасамёд қиласманки, ушбу Олимпия үйинлари давомида биз ўз вазифаларимизни холислик билан, қоидаларни ҳурмат қилиб ва унга амал қилган ҳолда ҳақиқий спорт рухида бажарамиз».

Спортчилар ва ишқибозларнинг ўта ишонувчанлиги шунга олиб келдики, Мехикодаги анъана, (1968 й). Олимпиадада Янги, яъни ҳар қандай олимпиадачига, ишқибозга, баҳт келтирадиган –рамз пайдо булди. Мексикаликларнинг энг севимли жоновори ягуар рамзга айланди. Бу одат ҳаммага манзур булди ва кейинги үйинларда рамз анъанавий тус олди. Мюнхенда Валди лақабли такса, Монрелда –Канада ўрмонлари яшовчиси қундуз, Москвада Миша лақабли айнқча рамзга айланди.

Медаллар дастурнинг ҳар бир турида топширилади: ғолиб ва совриндорларга мувоғиқ рационалда –олтин, кумуш ва бронза медаллари берилади. Шуни айтиш жонизки, учинчи ўрин учун медал

ҳақиқатдан ҳам бронзали, иккинчи ўрин учун –кумуш, биринчи ўрин учун эса камида б граммли олтин билан қалин қилиб қопланган кумуш медал топширилади.

Шулар билан бир қаторда шахсий ва жамоа мусобақаларида биринчидан, саккизинчигача ўринни әгаллаган спортчиларга ХОҚ дипломлари топширилади.

Дипломлар, эсдалик медаллари ўйинларнинг ҳамма иштирокчилари ҳамда расмий шахсларга берилади. Яқин йиллардан бери эса Олимпия ўйинлари фолиблари ва совриндорларига кўкрак нишонлари (олтин, кумуш, бронза) топшира бошладилар. Бу нишонни кундалик ҳаётда ҳам тақиб юриш мумкин.

ХОҚ Олимпия ҳаракатига кўшган алоҳида хизматлари учун спорт, давлат арбобини ёки спортчини Олтин Олимпия ордени билан тақдирлайди.

1996 йил 6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Олтин Олимпия ордени билан тақдирланди.

Олимпия ўйинлари Хартияга биноан қоидаларга қатъий амал килган ҳолда ўтказилади, қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилмайди.

Хартияда белгиланишича, Олимпия ўйинлари Олимпиаданинг биринчи йилида, кишки ўйинлар эса 1994 йилдан бошлаб –учинчи йилида (бундан олдин қишки ўйинлар ёзгилари билан бир вактда ўтказилар эди) ўтказиб келинади.

Ўйинларнинг давомийлиги 16 кундан ошмаслиги лозим. Олимпия ўйинлари пойтахтини қатъий танлаш ҳуқуки ХОҚга тааллуклидир. Ўйинларни ўтказишга талабгор номзод шаҳарлар танлови ўтказилади, номзод шаҳарлар имкониятлари ХОҚнинг маҳсус комиссияси томонидан ўрганиб чиқилади ва кейин унинг сессиясида (Олимпия ҳукуматининг Олий органи) Олимпия пойтахти узил-кесил танланади. Шаҳар номзоди Миллий Олимпия кумитаси томонидан тавсия этилади.

Ҳамма мусобақалар, одатда, Олимпия ўйинлари пойтахтида ўтказилади. Дастурни ўзгартириш ҳуқуки факат ХОҚга тегишилди.

Олимпия спорт тури Хартияга биноан аникланади. Бу ерда шу нарса курсатилганки, спорт тури эркаклар учун камида етмиш бешта давлатларда ва бешта қитъадан тўрттасида, аёллар учун эса камида кирқта давлатларда ҳамда учта қитъада (ёзги ўйинлар), кишки ўйинлар спорт турлари йигирма бешта давлат ва учта қитъада кенг тарқалган бўлиши лозим.

Олимпия спорт турларига халқаро федерациялар, уюшмалар ва ассоциациялар раҳбарлик қиласи.

ХОҚ Олимпия ўйинларига раҳбарлик қиласи, мусобақалар эса тегишил халқаро федерация раҳбарлиги остида ўтади.

Тренировка, мусобақалар, инвентар, жихозлар қоидалар ва федерация мөъёрларига мос келиши лозим. Ҳакамлар, хронометристлар (вакт ўлчовчилар), шикоят жюриси аъзолари ва бошқалар спорт тури федерацияси томонидан тайинланади.

Олимпия ўйинларининг очилиш маросими Хартияда аник ҳамда батафсил таърифланган.

Очилиш бошида стадионга давлат раҳбари келади, сўнгра иштирокчилар паради бошланади. Ҳар бир вакиллар олдидаги давлат номи кўрсатилган транспарант ва давлат байроби кутариб борилади. Жамоалар алфавит тартибида ўтади, лекин олдинда анъянага кўра юнонистон жамоаси юриб боради –бу Олимпия ўйинлари ватанига бўлган чексиз хурмат рамзи. Охирги бўлиб ўйинлар ўтказилаётган давлат жамоаси ўтади. Парад тугаши билан ташкилий кўмита президенти ва МОК президентининг сўзга чиқишилари бўлиб ўтади. Сўнгра Олимпия ўйинлари ўтказилаётган давлат раҳбари тантанали равишда Олимпия ўйинларини очик деб эълон қиласди. Олимпия мадхияси янграйди, бу куй остида турли давлатларнинг спортчилари –олимпиячилари Олимпия байробини стадионга олиб кирадилар ва уни флагштокка қадаб, юқорига кўтарадилар.

Энг яхши олимпиячи-спортчи Олимпия машъалини кутариб, стадионни бир марта айланиб чиқади ва зина билан олов ёқиладиган жойга кутарилади. Бу ерда у муқаддас оловни ёқади. Бу олов ўйинларнинг 16 куни давомида ёниб туради. Олов ёқилган заҳоти тинчлик элчилари бўлган юзлаб оқ кабутарлар осмонга парвоз қиласди. Тантанали қасамёд дақиқалари бошланади. Иштирокчи спортчилар номидан ташкилотчи давлатнинг энг яхши спортчиси қасамёд қиласди, сўнг трибунага жаҳонда энг катта хурматга эга бўлган спорт ҳаками. Ташкилотчи давлат вакили кутарилади ва ҳакамлар номидан қасамёд қиласди. Ташкилотчи давлат мадхияси янграйди, байрамнинг тантанали очилиш маросими бошланади.

Спорт мусобақалари тугаши билан байрам якунланади. Ўйинларнинг ёпилиш маросими бошланади. Стадионга очилиш маросими даги тартибида байроқлардорлар кириб келади, жамоалар дўстлик рамзи сифатида умумий сафда кирадилар. Юнонистон мадхияси, ташкилотчи давлат мадхияси ва бўлажак ўйинлар мезбони бўлган давлат мадхияси янграйди. Олимпия байробини топшириш маросими ўтказилади.

Ташкилотчи шахар ҳокими ва ХОҚ президенти сўзга чиқадилар. ХОҚ президенти Олимпия ўйинларини ёник деб эълон қиласди. Олимпия машъали аста-секин ўчирилади. Олимпия мадхияси куйи остида байроқ туширилади, стадион узра ҳаپрлашув қўшифи янграйди.



ОЛИМПИЯДА ҮЙИНЛАРИ ТАРИХИ





I—АФИНА 1896



Олимпия ўйинлари инсониятни тинчлик, дўстлик йўлида бирлаштирувчи энг нуфузли мусобақа ҳисобланади. Бундай эзгу-ниятли спорт байрамида иштирок этиш эса ҳар бир спортчинг орзусидир.

Хўш, Олимпия ўйинларининг келиб чиқиш тарихи, илк бора қаерда утказилгани ва ташкилотчилари ким эканлигини биласизми?

Маълумки, Олимпия ўйинлари ватани қадимги Юнонистоннинг Олимп шаҳри ҳисобланади.

Афсоналарнинг сўзлашича, Юон худоси Зевс отаси билан бўлган жангда фалаба қозонади ва ака-сингилларини қуткаради. Ушбу фалаба шарафига Зевс спорт ўйинлари ўтказишини буюради ва бу ўйинлар шаҳар номи билан Олимпия ўйинлари деб аталади. Яна бошқа афсонада, Зевснинг ўғли Геракл энг шавкатли фалабалари шарафига Олимпия ўйинларини ташкил этади. У оёқ кафтлари билан югуриш мусобақасини ўюштиради ва ва шу орқали масофа ни белгилайди. Бу кўрсаткич олти юзта оёқ кафтига (192м 27 см) тўғри келган. Қадимги юонлар мазкур ўлчовни «стадион» деб аташган.

Милоддан аввалги 776 йил биринчи Олимпия ўйинларининг ўтказилган санаси ҳисобланади.

Орадан XII аср ўтиб, Рим императори Феодосий 1 Олимпия ўйинларини ҳар хил худоларга ишониш сифатида бекор қилади. 395 йилда византияликлар билан ваготлар урушидан сўнг Олимпия харобага айланади. 100 йилдан сўнг икки бор содир бўлган кучли зилзила оқибатида Олимпия вайрон бўлади. Сўнг Алфей ва Кладей дарёларининг суви тошиб, қолган биноларни ҳам ювиб, кум ва ботқоқ қаърига тортиб кетади.

Орадан 15 минг йил вақт ўтиб, 1824 йилда археолог Лорд Станкоф Алфей кирғокларида жиддий қазилмалар чизмасини тузади. Худди шу нарса Олимпия ўйинларини тиклашга турткни бўлди. Юон армияси майори Эвагелис 1859 йилда ташкил этган олимпиада икки марта ўтказилса-да, ҳалқаро миқёсга чиқа олмади. Чунки унда бошқа давлатлардан қатнашувчилар йўқ эди.

Кейинчалик күпгина давлатларда спорт ташкилотлари ва уюшмалари пайдо була бошлади. Айнан шу нарса француз жамоатарбоби Пьер де Кубертенга замонавий Олимпия йүйинларини тиклашга имкон яратди. Кубертен Европага сафар қилади. Олимпия тарафдорлари билан учрашади, алқалар үрнатади. Ва 1892 йил 25 ноябрда Сарбоннада машхур «Олимпиянинг уйғониши» маъруzasини ўқиб эшиттиради. Пьер де Кубертен 1894 йил июнда Олимпия тарафдорлари иштирокида Бутунжакон учрашувини ташкил қилди. 12 та давлатдан келган 72 нафар вакил олдида Олимпия йүйинларини ташкил қилиш ва Халқаро Олимпия кўмитасини (ХОК) тузиш лойиҳаси билан сўзга чиқди. Таклиф қўллаб-қувватланиб, 1894 йил 23 июняда Халқаро Олимпия кўмитаси ташкил этилди. Унинг таркибига 12 та давлатдан 14 та вакил киритилди.

Конгрессда Олимпия йүйинларини ҳар тўрт йилда ўтказишга келишиб олдилар. Кубертен биринчи замонавий Олимпия йүйинларини 1900 йил Парижда ўтказишни таклиф қилганди. Бирок Юнон шаҳри шоири Викелас олимпиадани 6 йил кутиб ўтирасдан, 1896 йилдаёқ ўтказишни таклиф қилди.

Шундай қилиб, биринчи Олимпия йүйинлари унинг ватани бўлмиш Афинада 1896 йил 6 апрелда мармар стадионида 80 минг томошабин иштирокида очилди. Илк мусобақалар 9 та спорт тури буйича ўтказилди. АҚШ, Австралия, Австрия, Болгария, Англия, Венгрия, Германия, Дания, Франция, Чили, Швейцария, Швеция ва Юноностон каби 13 та давлатдан 311 нафар спортчи иштирок этди.

II—ПАРИЖ 1900



1900 йилнинг 20 маи-28 октябрь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтди. Бу гал илк олимпиададан фарқли ўлароқ, иштирокчилар сони ҳам кескин купайди. Жами 21 давлат –Франция, АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Швейцария, Германия, Дания, Австралия, Италия, Австрия, Венгрия, Нидерландия, Норвегия, Куба, Богемия (Австрия-Венгрия империяси таркиби), Хиндистон, Канада, Швеция, Гаити, Греция, Испаниядан 1330 нафар спортчи иштирок этди.

Унда спортчилар 18 спорт тури –велоспорт, сув полоси, гимнастика, гольф, академик эшкак эшиш, от спорти, крикет, крокет, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, поло, регби, ўқотиш, камондан ўқотиш, теннис, қиличбозлик ва футбол буйича баҳс юритдилар.

«Афина 1896»да мусобақалашганлар орасида бирорта ҳам аёл спортчи иўк эди. Бу сафар эса 11 аёлнин қатнашуви Олимпиада йийинларининг катта янгилиги бўлди.

III—АМЕРИКА 1904



1904 йил 1 июл куни АҚШнинг Луис шаҳрида бошланиб ва 23 ноябрга қадар давом этди.

Йўл нархининг қимматлиги ва бошқа моддий қийинчилликлар сабабли кўпгина Европа давлатлари унда иштирок эта олмади. Ушбу мусобақаларда Буюк Британия, Венгрия, Германия, Греция, Австрия, Швейцария давлатларидан спортчилар катнашган бўлса, биргина АҚШнинг ўзидан 533 нафар спортчи иштирок этди. Колган 53 спортчи Австралия, Африка қитъалари вакиллари эди. III Олимпия йийинларида жами 625 спортчи мусобақалашди. Шулардан 8 нафари аёллар эди.

Бу олимпиадада жами 16 та спорт туридан мусобақалар ўтказилди: бокс, кураш, сув полоси, гимнастика, гольф, академик эшкак эшиш, енгил атлетика, сузиш, сувга сакраш. Роки, камондан ўқ отиш, теннис, оғир атлетика, киличбозлик, футбол.

* * *

1 олимпиададан сўнг, Греция ҳукумати ХОҚга мурожаат қилиб, Афина шаҳри Олимпия йийинлари ўтадиган доимий жой булса, деган таклиф билан чиққанди. Лекин ХСҚ бу таклифни рад этиб, фақат уйинлар ташкил этилганлигига 10 йил тулиши муносабати билан Грецияда мусобақалар ўтказишга рухсат берди. 1906 йилнинг 22 апрелидан 2 майига қадар Афинада булиб ўтган навбатдан гашкари (чучки низомга мувофик хар турт индада ўтказилади) олимпиалада 20 давлатдан 884 (7 нафар аёл) спортчи иштирок этилди. Бирорханда бу уйине хеч ҷандай расмий ном олмади ва Олимпия йийинлари таркибига киритилмади.

IV—АНГЛИЯ 1908

Мазкур Олимпия йийинлари аслида Рим шаҳрида ўтказилиши керак эди. Лекин мусобақалар бошланишидан олдин Италия пойтахти нихоясига етди. Ўйинларда 22 давлатдан 2034 (36 нафар аёл) спортчи иштирок этди.



Буюк Британия, АҚШ, Швеция, Франция, Германия, Канада, Венгрия, Бельгия, Норвегия, Италия, Янги Зеландия ва Австралия, Финляндия, Дания, Россия, Греция, Жанубий Африка, Богемия, Австрия, Нидерландия, Исландия, Туркия ва Швейцария давлатларидан келган олимпиячилар 22 та спорт тури – бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, сув-мотор спорти, гимнастика, академик эшкак эшиш, жеде-пом, енгил атлетика, кросс, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, поло, регби, ўқ отиш, теннис, киличбозлик, конкида фигурали учиш, футбол ва чим устида хоккей буйича ғолиблик учун қизғин беллашылар.

V—СТОКГОЛЬМ 1912



Швециянинг Стокгольм шаҳрида 1912 йилнинг 5 майидан 22 июлига кадар давом этган мусобақалар учун барча қулайликларга эга бўлган «Қирол» стадиони қуриб битказилди.

Бу Олимпиадада олдинги ўйинларга нисбатан иштирокчилар сони анча кўпайди. Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Финляндия, Германия, Франция, Дания, Италия, Бельгия, Австрия, Россия, Греция, Нидерландия спортчилари ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Олимпия ўйинлари дастуридан 14 та спорт тури – кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш ва сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, теннис, киличбозлик, ва футбол жой олган эди.

VI—ЎТКАЗИЛМАГАН

1916 йилда Берлинда замонавий олимпия ўйинлари ўтказилиши керак эди. Пъэр де Кубертен бу спорт байрамига Олимпия эмблемасини тақдим этмоқчи эди. (У 5 та айланга ҳалқа шаклида бўлиб, рамзий маънода рангларга эга бўлган ҳолда бешта китъани англатади). Лекин биринчи жаҳон уруши сабаб Берлинда ташкил этилиши керак бўлган Олимпия ўйинлари ўтказилмади.

VII—АНТВЕРПЕН 1920

Олимпия эмблемаси –беш халка акс этган байрол биринчи марта Бельгиянинг Антверпен шаҳрида 1920 йилнинг 20 апрелидан 12 сентябрига қадар булиб ўтган VII Олимпия ўйинларида кутарилди. Шунингдек, шу йили илк бора стадионда Олимпия қасамёди ҳам янгради.

VII Олимпия ўйинларида 29 та давлат АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Финляндия, Норвегия, Италия, Дания, Нидерландия, Жанубий Африка, Канада, Швейцария, Эстония, Бразилия, Австралия, Испания, Япония, Греция, Люксембург, Чехословакия, Янги Зеландия, Аргентина, Миср, Хиндистон, Монако, Португалия, Чили ҳамда Югославиядан жами 2607 нафар спортчи иштирок этди. Улардан 64 нафари аёл спортчилар эди.

VIII—ПАРИЖ 1924



VIII Олимпия ўйинлари ўтказилган 1924 йилнинг киш ойларида 1 кишки Олимпия ўйинлари ташкиллаштирилди. Париж шаҳрида булиб ўтган мусобақалар арафасида замонавий Олимпия ўйинлари 30 ёшга тўлганди. Олимпиада ташкилотчиси Пьер де Кубертен бу сафар ўйинларни Яна Париж шаҳрида ўтказишга эришиди. Шу боис. Франция пойтахти Олимпия ўйинлари тарихида икки марта мусобақалар булиб ўтган шаҳар сифатида тарихда қолди.

VIII Олимпиадада 44 та давлатдан 3092 нафар (136 нафари аёллар) спортчи қатнашди. Олимпиячилар бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, поло, регби, замонавий бешкураш, ўқотиш, тенис, оғир атлетика, қиличбозлик ва футбол бўйича совринли ўринлар учун курашдилар.

IX—АМСТЕРДАМ 1928

Ўйинлар Нидерландиянинг Амстердам шаҳрида 1928 йил 17 майдан 12 авгуастга қадар давом этган.



46 та давлатдан келган 3014 нафар (290 нафари аёллар) олимпиячи олтин медаллар учун беллашдилар.

Бу гал спортчилар бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш ва сувга сакраш, замонавий бешкураш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей каби жами 15 та спорт тури буйича мусобақалашдилар.

X—ЛОС-АНДЖЕЛЕС 1932

1932 йилнинг 30 июлидан 12 августига қадар АҚШнинг Лос-Анжелес штатида ўтказилган бу олимпиада иштирокчилари сони кескин пасайиб кетди. 37 та давлатдан бор-йуги 1048 нафар (127 нафар аёллар) спортчи ташриф буюрди. Европадан 20 дан ортиқ давлат қатнашган бўлсада, йўл харажатлари оғирлик қилгани учун кўп спортчиларни олиб келиш имкони бўлмади.

Спортчилар бокс, кураш (эркин ва классик), велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш ва сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик ва чим устида хоккей турилари буйича уз маҳоратларини намойиш этишди.

XI—БЕРЛИН 1936

1936 йилнинг 1-16 август кунлари Берлин шаҳрида булиб утган бу олимпиадада иштирокчилар сони анча кўпайди. 49 та давлатдан 4066 (328 нафар аёллар) спортчи мусобақаларда қатнашди.

Олимпиячилар баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш ва сувга сакраш, поло, кўл тўпи, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлети-

ка, қиличбозлик, футбол, гимнастика, хоккей турлари буйича ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар.

* * *

XII ва XIII Олимпия ўйинларининг ўтказилишига иккинчи жахон уруши тўсқинлик килди.

XIV—ЛОНДОН 1948



1948 йилнинг 29 июлидан 14 августигача Лондон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 59 мамлакатдан 4099 (385 аёл) спортчи иштирок этди.

Мусобақалар спортнинг баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшқак эшиш, байдарка ва каноэда эшқак эшиш, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш ва сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей турлари буйича ўтказилган.

XV—ХЕЛЬСИНКИ



1952 йилнинг 19 июлидан 3 августига қадар Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 69 давлатдан 4925 (518 аёл) спортчи иштирок этди.

Баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшқак эшиш, байдарка ва каноэ, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей буйича мусобақалар ўтказилди.

1951 йил апрель ойида СССР Олимпия кўмитаси тузилиб XOKга аъзо бўлган эди. XV Олимпия ўйинларида собиқ СССР терма жамоаси илк марта қатнашди. Собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибида Ўзбекистондан икки спортчи ўйинларда қатнашди. Галина Шамрай –гимнастика (кулкураш) 8-урин (шахсий), 1-урин (жамоавий)ни этталади.

XVI—МЕЛЬБУРН



1956 йил 22 ноябридан 8 декабригача Мельбурн шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 67 давлатдан 3184 (371) спортчи қатнашди.

Мусобакалар баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэ, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей бўйича ўтказилди.

Ўзбекистондан Валентина Баллад енгил атлетикадан катнашди.

XVII—РИМ



Италия пойтахти Рим шаҳрида ўтказилди. Мазкур мусобака 1960 йилнинг 25 августидан 11 сентябригача давом этди. Унда 83 давлатдан 5348 спортчи иштирок этди (610 аёл).

Спортнинг баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэ, от спорти, енгит атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей турлари бўйича медаллар тақсимланди.

XVIII—ТОКИО 1964

Бу сафар олимпиада илк бор Осиёга ташриф буюрди. 1964 йил 10-24 октябр кунлари Токио шаҳрида булиб ўтди. Унда 93 давлатдан 5140 спортчи иштирок этди (683 аёл).

Спортчилар баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, волейбол, гимнастика, академик, байдарка ва ка-




TOKYO 1964

ноэ, дзюдо, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, киличбозлик, футбол, чим устида хоккей бўйича медаллар учун курашдилар.

Собик СССР терма жамоаси таркибида ўзбекистонлик спортчилардан гимнастика ва кўпкурашдан Сергей Диамидов, брасс ва эркин усулда сузиш бўйича Светлана Бабанина, Наталья Устинова қатнашди.

XIX—МЕХИКО 1968



1968 йил 12-27 октябрь кунлари Мехико шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 112 давлатдан 5553 (781 аёл) спортчи қатнашди.

Спортчилар баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, волейбол, гимнастика, академик, байдарка ва каноэ. дзюдо, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, киличбозлик, футбол, чим устида хоккей бўйича баҳслашдилар.

Собик Иттифок терма жамоаси таркибида Ўзбекистондан Вера Глушко ва Вера Дуюнова волейбол бўйича биринчи уринни олди.

XX—МЮНХЕН 1972

1972 йил 26 августдан 11 сентябригача Мюнхен шаҳрида булиб ўтди. Унда 121 давлатдан 7147 спортчи иштирок этди (1070 аёл).

Мусобақалар бўлиб ўтган спорт турлари - баскетбол, бокс, кураш, велоспорт, сув полоси, волейбол, гимнастика, академик, байдарка ва каноэ, дзюдо, от спорти, енгил атлетика, елканли спорт, сузиш, сувга сакраш, қўл туши, слалом услубида байдарка ва каноэ, замонавий бешкураш, ўқ отиш, камон-

дан ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, футбол, чим устида хоккей.

Собиқ Иттифок терма жамоаси таркибида Олимпия йүйинларида иштирок этган ҳамюртларимиздан Вера Дуюнова, Вера Глушко волейбол бўйича, Мамажон Исмоилов от спорти бўйича олтин медалларни қўлга киритди. Гимнастика ва кўпкураш бўйича Элвира Саади, куранш бўйича Рустам Казаков, баскетбол бўйича Алжан Жармуҳамедов, бокс бўйича Николай Анфимов. велоспорт бўйича Александр Юдин иштирок этишди.

XXI—МОНРЕАЛ 1976



1976 йил 17 июл -1 август кунлари Монреал шахрида бўлиб ўтди.

Канада пойтахтида ўтказилган XXI олимпия йүйинлари ташкилотчилари мусобакани юютириш ва бунёдкорлик ишларини молиялаштиришда андак хатога йўл қўйиншган. Жумладан, режага мувофиқ 310 миллион доллар сарфланиши лозим бўлган бир пайтда

Montréal 1976 харажатлар 2 миллиардга етиб колган. Курилиш ишлари ниҳоятда кийин шароитларда олиб борилган. Тайёргарлик қаҳратон совуқда, ўғирликлар авжга мингтан шароитда давом этган. Курувчиларнинг хатоси билан 13 нафар ишчи-хизматчи фожиали ҳалок бўлган. Оқибатда иш ташлашлар бўлган.

Маълумки, Олимпия йүйинлари энг йирик спорт анжуманларидан саналади. Афтидан мусобака ташкилотчилари буни гасавур этишмаган. Олимпия йүйинларининг бир маромда давом этишин учун 25 минг хизматчи, 16 минг аскар, минглаб полициячи, 77 стадион, спорт зали, сув ҳавзалари ва бошқа спорт марказлари зарур эди. Оз эмас, кўп эмас 10 минг спортчи голиблик учун курашиши кузда тутилганди. Мехмонлар, мухбирлар ва туристларнинг буш вактларини мароқти ўтказишлари учун шаронт яратилиши керак эди. Ташкилий кўмита аъзолари қийинчиликларни мардонавор енгди. Мусобакада боксчимиз Руфат Рисқиев билан таникли футболчи Владимир Фёдоров иштирок этиб, совринли уринларни эгаллашган.

XXII—МОСКВА 1980

Москва шахрида бўлиб ўтган мазкур йүйинлар 1980 йил 19 июлдан 3 августгача давом этди.

Дунё спорт аҳли Москва Олимпия йүйинлари бағоят гузал ва



Игры
XXII Олимпиады
Москва
1980

бетакор үтганлигини ҳамон эслаб юришади. XXII Олимпия үйинларида үзбекистонлик спортчилар ҳам ажойиб ютукларни кўлга киритишган. Волейболчи Лариса Павлова, сув тўпи устаси Эркин Шагаев, чавандоз Юрий Ковшов, қўл тўпи устаси Ольга Зубарева, курашчилар Махарбек Хадарцев билан Арсен Фадзаевлар олтин медаль олишган бўлса, рапирачи Собир Рўзиев, велосипедчи Александр Панфилов, мерган Рустам Ямбулатов, камончи Наталья Бутузовалар кумуш медаль сохиби бўлишган. Чим хоккей жамоасидан Неля Горбаткова, Лайло Аҳмедова, Хан Алина, Валентин Заздравнихлар бронза медаллари олишди.

XXIII—ЛОС-АНДЖЕЛЕС

1984 йил 28 июль-12 август кунлари Лос-Анжелес шаҳрида бўлиб ўтди.

XXIII Олимпия үйинларида ҳам Москва олимпиадасида бўлгани каби марказий ҳамда Жанубий –шаркий Европадаги мамлакатлар бойкот эълон килишди. Гап шундаки, бу сафарги мусобақада собиқ итифоқ терма жамоаси мусобақаларни үtkазиш учун хавфсизлик яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли иштирок эт-

маслигини маълум қилганди. Айни пайтда бу 1980 йилги Олимпия үйинларида Америка томонининг Москвага келмаганлигига узига хос жавоб эди. Собиқ итифоқ, ГДР ҳамда итифоқчи республикаларнинг спортчилари навбатдаги олимпия үйинларига бормайдиган бўлишган. Ваҳоланки, мусобақаларни дуне мамлакатларига олиб кўрсатишга шайланган телевизион курсатув ташкилотчилари катта маблағ сарфлашган эди. Шунга қарамай, олимпия үйинлари машъаласи порлади. Оз эмас, кўп эмас 125 нафар жаҳон чемпиони Олимпия үйинларига ташриф буюргаган эди. Бу сафарги мусобақада АҚШ терма жамоаси (83 олтин, 61 кумуш ва 30 бронза медаль) норасмий хисобда биринчи бўлган.

XXIV—СЕУЛ 1988

Кореянинг Сеул шаҳрида 1988 йил бўлиб үтган мусобақалар 17 сентябрдан 2 октябрга қадар давом этди.



GAMES OF THE XXIVTH OLYMPIAD SEOUL 1988

Навбатдаги ХХIV Олимпия йийнларида кучли давлатларнинг вакиллари яна бирлашган ҳолда баҳс юритдилар. Собиқ итифоқ, АҚШ, ГДР, Япония каби мамлакат спортчилари қизғин ва муросасиз курашдилар. Жами 160 давлатдан 9141 нафар спортчи иштирок этди. Олимпия йийнларида жами 237 комплекс медал учун кураш давом этди. Қизиги шундаки, хавфсизлик хизмати ходимлари 120 минг кишин ташкил этган. Мусобақалар ҳамда олимпиаданинг очилиш ва тантанали ёпиши маросимларини жаһоннинг 139 мамлакатидан жами 3 миллиаррдан зиёд одам томоша килгани қайд қилинган. Сеул Олимпияси яна бир спорт тури хисобига бойиди. Биринчи марта теннис ва стол тенниси бўйича мусобақалар ташкил қилинди. Бу галги Олимпия йийнларида юртдошлишимиз 2 та олтин, шунча кумуш ва битта бронза медалига сазовор бўлишди. Жумладан, курашчилар Махарбек Ҳадарцев билан Арсен Фадзаев Олимпия чемпиони номига сазовор бўлишган. Оғир атлетикачи Ноил Мухаммадиёров ва лангар билан сакраш устаси Радион Гатаулин кумуш медалга эга бўлишди. Чалқанча сузиш устаси Сергей Заболотнов маррага учинчи бўлиб келган.

XXV—БАРСЕЛОНА 1992



1992 йил 25 июль-9 август кунлари Барселона шаҳрида ўтказилди. Маълумки, Барселона Каталония пойтахти бўлиб, Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч туғилган шаҳардир. Сеул Олимпия йийнларида эришилган муваффақият халқаро олимпиада ҳаракати нуфузини ошириб юборди. Тинчлик, барқарорлик ишларига хизмат қилувчи Олимпия йийнларига сиёсий йийнлар билан аралашувлар барҳам топди. Бу сафарги XXV олимпиадага 172 мамлакатдан 10 минг 563 нафар спортчи ташриф буюрди. Жумладан, кубалик спортчилар ҳам иштирок этишди. Қизиги шундаки, 1991 йили собиқ СССРнинг инқизозга учраши муносабати билан МДХ вакилларини яхлит терма жамоа сифатида таркиб топтириш бироз қийинчилик тудириди. Охир-оқибатда МДХ давлатлари бирлашган Олимпия терма жамоаси номида Барселонага йўл олди. Латвия, Эстония ва

Литва давлатлари мустақил жамоа сифатида иштирок этдилар. Бирлашган Германия жамоаси ҳам ўзига хос таркибда Барселонага йўл олган. Собиқ иттифоқдаги бундай парокандаликни кўрган баъзи мутахассислар Барселонада АҚШ терма жамоаси норасмий ҳисобда биринчликтини кўлга киритади, деган фикрни уртага ташлаганлар. Лекин башоратлар пучга чиқиб, умумжамоа ҳисобида МДХ давлатлари спортчилари жами 112 та медаль билан ғалаба қозонишиди. Ўзбекистонлик гимнастикачи Оксана Чусовитина билан Розалия Галиевалар Олимпия чемпиони бўлдилар. Енгил атлетикачи Мария Шмонина ҳам маррада биринчи бўлди. Оғир атлетикачи Сергей Сирцов, мерган Анатолий Асррабоевларга кумуш медаль, киличбоз Валерий Захаревичга бронза медали насиб этган.

XXVI—АТЛАНТА 1996



Atlanta 1996

1996 йил 19 июл-4 августлари Атлантада булиб ўтган мусобақалар замонавий олимпиада ҳаракатининг 100 йиллигига бағишиланди. 17 июль куни Американинг Атланта шахридаги Олимпия стадионида Янги аср олди ўйинларининг машъаласи ёндирилган. Маълумки, катта спорт маросимида Олимпия ўйинлари машъаласини ўт олдириш таникли боксчи Мухаммад Алига ишониб топширилганди. Минг афсуски, жаҳоннинг 54 ёшли экс-чемпиони Паркинсон дардига чалингани туфайли кўллари қалтираб. Машъалани ерга тушириб юборганди. Ўт учиб-ўчмасдан яна уни кўтариб олганини ҳамон эслашади. Бу галги Олимпия ўйинлари ҳам баъзи нохуш ҳолатлариз ўтмади. Террорчилар яширган бомбанинг портлаши оқибатида бир одам ҳалок булиб, 110 киши жароҳатланди. Ҳарқалай Атланта олимпиадаси купчиликнинг ёдида. Юртдошларимиздан дзюодчи Армен Багдасаров кумуш, боксчи Карим Тўлаганов бронза медалига сазовор булишди.

XXVII—СИДНЕЙ 2000

Австралияning Сидней шаҳрига ташриф буюрган мусобақалар 2000 йил 15 сентябридан 1 октябригача давом этди.

Сидней Олимпия ўйинлари бундай йирик анжуманлар тарихда иштирокчиларнинг кўлами билан ажралиб туради. Мусобақаларда



11 минг нафар спортчи, 5100 расмий шахслар иштирок этган. 199 мамлакатдан келган вакиллар катнашган. Спортнинг 28 тури буйича 300 комплект медаль учун баҳс юритилди. Олимпия олови 8 июнда ўт олдирилиб, Сиднейга 15 сентябрда етказиб борилган. Олимпия машъласини кўтариб боришда 10 минг австралиялик иштирок этди. Улар пиёда, поездда, велосипед, отларда, қайиқларда, самолёт, байдаркаларда ҳаракат қилишларига тўғри келган. Олимпия шаҳарчаси 100 гектар майдонни ташкил этиши билан диккатга сазовордир. Бу галги XXVII Олимпия ўйинларини жаҳоннинг 220 мамлакатида жами З ярим миллиард телетомошабин кузатиб турди. Мусобақада мустакил юртимиз вакилларидан боксчилар Мұхаммадқодир Абдуллаев олимпия чемпиони бўлди. Сергей Михайлов билан Рустам Сайдовлар бронза медалига сазовор бўлишиди. Эркин кураш устаси Артур Таймазов голиблик шоҳ супасининг иккинчи поғонасини эгаллади.

XXVIII—АФИНА 2004



Грециянинг Афина шаҳрида 13 августдан 30 августа XXVIII Олимпия ўйинлари бўлиб ўтди. Бунда 202 Давлатнинг 16 мингдан ортик спортчилари катнашди. Ўзбекистондан 69 та спортчи катнашди. 15 спорт тури буйича. Мусобақалар якунита кўра Америка спортчилари биринчи ўрин, 103 та медаль. Хитой иккинчи ўрин, 63 та медаль. Россия 3 ўрин, 92 медаль. Шу каторда Ўзбекистон 34 ўрин, 5 та медаль,



	О	К	Б	Ж
1. АҚШ	35	39	29	103
2. Хитой	32	17	14	63
3. Россия	27	27	38	92
34. Ўзбекистон	2	1	2	5

Юнон рум курашидан 74 кг. Александр Доктурашвили, эркин курашдан 120 кг. Артур Таймазовлар олтин медаль соҳиби бўлдилар. Эркин кураш 96 кг. Магамед Ибрагимов кумуш медаль соҳиби. Бокс 54 кг. Баходир Султонов, 81 кг. Ўткирбек Хайдаровлар бронза медали соҳиби бўлди.

ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА СПОРТ ТУРЛАРИНИ КИРИШИ

1. Баскетбол -1936 й. ФИВА
2. Биатлон -1960 й. УНПИБ.
3. Бобслей -1924 й. ФИВТ
4. Бокс-1904 й. АИБА.
5. Куранн грек –рим -1896 й. ФИЛА.
6. Куранн эркин -1896 й. ФИЛА.
7. Велосипед пойга -1904 й. ФИАК.
8. Сув туни 1900 й. ФИНА.
9. Волейбол -1964 й. ФИВВ.
10. Гандбол -1930 й. ИГФ.
11. Гимнастика -1896 й. ФИЖ.
12. Эшкак эшиш -1900 й. ФИСА.
13. Конөз -1936 й. ИКФ
14. Дзюдо -1964 й. ФИД.
15. Енгил атлетика -1896 й. ИААФ. 30. Чим хоккей -1908 й. ФИХ.
31. От спорти -1900 й. ФЕИ.
16. Чанги -1924 й. ФИС.
17. Елканли кайик -1900 й. ИЛРУ.
18. Сузин -1896 й. ФИНА.
- 19 Сувга сакраш -1904 й. ФИЛ.
20. Ченса -1964 й. ИСУ.
21. Коньки -1924 й. ИСУ.
22. Бешкуранн -1912 й. УИПУБ.
23. Уқ отиш -1900 й. УИТ.
24. Камондан отиш -1900 й. ФИТА.
25. Оғир атлетика -1900 й. ИВФ.
26. Қиличбозлик -1896 й. ФИЕ.
27. Фигуралы уччиш -1908 й. ИСУ.
28. Футбол -1900 й. ФИФА.
29. Шайбалы хоккей -1908 й. ФИХ.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Жисмоний тарбия организм биологик функцияларни ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён булиб унинг таъсирида инсоннинг ахлоқий сифатлари ҳам шакллана боради.

Жисмоний ривожланиш жисмоний фазилатларини такомилаштириш ҳамда ҳәётий зарур ҳаракат малака ва күннекмаларини эгаллашни таъминлаш.

Жисмоний баркамоллик жисмоний тарбия ва спорт соҳасида етук натижаларга эришиш билан бирга ақлан, ахлоқан етук булиш.

Жисмоний маданият ҳалқнинг жисмонан ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда жисмоний машқлар ва спортга қизиқиши. жалб эттирилиш даражаси.

Спорт бир хот турдани жисмоний машқлар ҳамма ҳаракат малака ва күннекмалари мажбуи (югуриш, юриш, сакраш, улокларини машқлари –Енгил атлетика спорти).

Жисмоний тарбиянинг мақсади: соғломлаштириш, ҳәётий зарур ҳаракат малака ва күннекмаларига ургатиш, Ватан мудофаасига тайёрлаш.

Жисмоний тарбиянинг вазифаси: жисмоний фазилатларни ривожлантириш, жисмоний машқларга ургатиш, ҳаракат малака ва күннекмаларини шакллантириш.

Жисмоний тарбия воситалари жисмоний тарбия жараёнини амалга оширишда қўлланиладиган жисмоний машқлар ва табиат омилларининг соғломлаштирувчи таъсири.

Табиат омиллари сув, күёш ва ҳавонинг организмга соғломлаштирувчи таъсири. Сув организмни чиниқтирувчи асосий восита ҳисобланади. Күёш нурлари организмда модда алмашинувини яхшилайди. Ҳаво организмни ривожлантишига ижобий таъсири этади. Шунинг учун очик ҳавода ўтказилган жисмоний тарбия машғулотларининг самарали таъсири катта булади. Натижада организмни ташки таъсиргарга чидамблилиги ортади.

Жисмоний машқлар жисмоний тарбияни амалга оширувчи жисмоний

харакатлар түтпамыңдир. Улар максад да вазифасыга қараб турларга булинады. **Умумривожлантируучи машқлар** —организмни жисмоний ривожланишини таьминлаш, жисмоний юкламаларга тайёрлаш да даволаш максадыда қулланиладиган машқлар. **Махсус машқлар** —хир хил жисмоний машқлардан ташкил топган да бир йұналишшаги харакат малака да күнікмаларини шактлантиришиша қаралған машқлар. (енгіл атлетикачининг югуриш, футбөтчининг түп тепиши, сувучининг сузиш, курашчининг улоқтириш, боксчининг уриш машқлари). **Ёрдамчы машқлар** —махсус машқларни әгаллашта ёрдам беруучи машқлар түтпами (спорт үйинларида ҳар хил түптарда, курашчининг сохта ракиб билан, сувучининг қурукликдап машқлар).

Жисмоний машқлар техникаси — жисмоний машқлар да жисмоний харакатларни бажаришнинг эңг самарали усули.

Жисмоний машқлар тактикаси — жисмоний машқлар да жисмоний харакатлар тактикаси әгалланған харакат малака да күнікмаларини қоюры савияда, қулай шароит да вактда амалға ошириш. Тактика шахсий, гурух да жамоа тактикаларига булинади.

Харакат малакаси: жисмоний харакатларни, машқларни бажара билиш қобилияты.

Харакат күнікмаси: жисмоний харакатларни, машқларни олий даражада, автоматик усулда бажариш қобилияты.

Күч фазылати: мускулдарнинг ташки тасырларни да қарипшыларні енгүвчи фаолиятта күч намоён булады. **Абсолют күч** —мускулдарни намоён қылувчи күчи. **Нисбий күч** —күч курсатқышарларны тана вазннан нисбатан. **Портловчи күч** —қыска вакт ичіда катта микдорда күч намоён қылыш қобитияты.

Тезкорлық фазылати: жисмоний харакатлар да жисмоний машқларни қысқа вакт ичіда самарали бажара олиш қобилияты. **Реакция** —тезкорлық қобилиятининг олий даражасы. **Оддий реакция** —оддиндан маълум сигналга жавоб харакатлары (югурувчиларни югуришига бериладиган сигнални күтиб тайёргарлық куришлары). **Мураккаб реакция** —номаълум сигналга жавоб харакатлары (дарвозабонни хужумчини харакатларни билмаган ҳолда дарвозаны химоя қилиши).

Чидамптык фазылати: узок вакт жисмоний харакатлар бажар отиш қобилияты. Ихтисослаштган жисмоний харакатларни бажара олиш фаолияттың нисбатан чидамптык **махсус чидамптык**. Узок вакт жисмоний харакат бажариш натижасыда организмдә содир булалык ҳолат **чарчаан** деб аталади.

Чакконлық фазылати: харакатларни тез да этпіл бажара олиш ҳамда қулай шароит да вактда бажариш қобитияты. **Мувозаап сақтай олиши қобилияты** — жисмоний харакатлар давомында гавда турғыншык ҳолатини сақтай отиш. **Маконни ҳис қила олиши қобилияты** — жисмоний харакатларни бажаришда майдон да жиһозларға бұлған масофаларни тури баҳолай отиш.

Этилтүвчанлық қобитияты: таянч харакат аппаратини харакетчанлығы, кенг күламда харакатлар бажара олиш қобитияты. Таянч харакат аппаратининг мускул күчи хисобига намоён қылувчи этилтүвчанлығы —**актив әшилүвчанлық**. Ташки

тасырлар ёрдамда хосил қылған эпітүвчанлик —**пассив әгілұвчанлик**.

Харакатларга, жисмоний машқларға үргатиш уч босқичда боради.

Дастлабки үрганиш – жисмоний машқ, харакат тұғрисида назарий тушунчага эга булиш, амалда бажариб күриш.

Чуқуррок үрганиш – харакат ва машқни қысмларга бўлиб, сунг яхлит үрганиш.

Такомиллаштириш – машқ ва харакатни қийинчиликлар туғдириб бажариш, шеригини ва рақибини қаршилиги билан бажариш.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишда юксак натижаларга эришиш учун тарбия тамойилларига амал қилиш керак.

Онглийлик тамойили – жисмоний машқ ва харакатлар мақсади ва вазифасини тушуниб етган ҳолда бажариш,

Фаоллийлик тамойили – машғулотларда организм етарли даражада жисмоний юклама олиш учун фаол шуғулланиш.

Күрсатмалийлик тамойили – жисмоний машқ ва харакатларни амалда бажариб, хатоларни тузатиб бориш.

Күргазмалийлик тамойили – жисмоний машқлар ва харакатларға үрганишда күргазмали қуроллар, видео-кино фильмлар, макетлар ва х.к.лардан фойдаланиш.

Бажара билиш тамойили – жисмоний машқлар ва харакатларни үрганишда оддиндан бошлаб мураккаблаштириб бориш. Үрганилтан харакатлар са маралы бажара отингандан сунг навбатдаги машқ, харакатларни үрганиш.

Индивидуаллаштириш тамойили – шахсий, жисмоний қобилият, жисмоний тайёргарлик, жинс ва ёш хусусиятларни ҳисобга олиб жисмоний машқ, харакатларни бажаришга үрганиш.

Мунтазамлийлик тамойили – үрганилтан машқ ва харакатларни мускултарда рефлекс қолдирғышини таъминташ учун дөйніп ве мунтазам шуғулланиш.

Тарапқиёт тамойили – жисмоний машқ ва харакатларни бажаришда юксак натижаларга эришиш ва организм жисмоний ривожланишини таъминлаш учун жисмоний юкламаларни ошириб бориш.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ УСЛУБИЁТИ

Таълим мұассасасыда жисмоний тарбия тағыларыннан амалға ошириш учун жисмоний тарбия үкіпүвчілары құйыдаги хужжаттарға эга булишлари керак.

1. Жисмоний тарбия дастури ва үқув юкламаларнинг ҳажми (соат).
2. Үқув материалларининг йиллик (ярим йиллик, чорак) календар режалари.
3. Жисмоний тарбия дарслари баённомалари.
4. Назарий машғулотлар календарь режалари ва маъруза матнлари.
5. Жисмоний тайёргарлик ва спорт тұғараларни календарь режаси.
6. Тұғарал машғулотлари баённомалари.
7. Спорт мусобақаларининг йиллик календарь режаси.
8. Спорт мусобақалари Низомлари, баённомалари, ҳисоботлари.

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ҮҚУВ СОАТЛАРИ ТАҚСИМОТИ

№	Дастур бўлимлари	Ўқув босқичлари			Ўқув соатлар
		1	2	3	
1	Назарий билтим асослари	20	20	20	60
2	Гимнастика	20	12	8	36
3	Енгил атлетика	24	16	12	52
4	Спорт ўйинлари	40	28	16	84
5	Узбек кураши (усмирлар)				
	Ракс элементлари (қизлар)	20	12	6	38
6	Туризм (режа асосида)				
7	Сузиш	12	8	8	28
8	Кросс тайёргарлик	12	6	4	22
9	Харакатли ўйинлар	12	4	4	20
	Амалий касбий жисмоний тайёргарлиги		12	12	24
	Танланган спорт тури		40	16	46
	Жами	160	156	104	420

Эслатма: Ўқув муассаса узининг ўқув жараёни жадвалига асосланган ёлда босқичлардаги соатларни тақсимлаш мумкин. Шу соатларга асосланиб жисмоний тарбиядан дарсларнинг шиллик (ярим шиллик) Календаръ режалари ишлаб чиқилади. Календаръ режаларда жисмоний тарбия дастурида келтирилган барча машгулотлар соати тақсимоти келтирилиши керак.

МАЪРУЗА ВА СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ КАЛЕНДАРЪ РЕЖАСИ

№	Машгулотлар мавзуси	Курс	Шакли	Соат
1	Жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифаси	1 к	Назарий	6
2	Жисмоний тарбия воситалари	1 к	Назарий	6
3	Жисмоний фазиллатларни ривожлантириш	1 к	Назарий	8
1	Спорт тури қопун қондаларига ўргатиш	2 к	Назарий	10
2	Спорт тури техникасига ва тактикасига ўргатиш	2 к	Назарий	10
1	Спорт тури бўйича мусобақалар ташкил этиш	3 к	Назарий	10
2	Соғлом турмуш тарзини ташкил этиш	3 к	Назарий	10

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИ

Таълим муассасаларида жисмоний тарбиянинг асосий шакли жисмоний тарбия дарслариидир. Жисмоний тарбия дарслари материаллари календарь режа ва чорак режага мувофиқ дарс режала-рида акс эттирилади. Жисмоний тарбия дарслари дастур юкосида олиб борилади.

Жисмоний тарбия дарсларининг мақсади:

Ўқувчи -талабаларни согломлашириш.

Хар томонлама камол топган шахс қилиб тарбиялаш.

Ватан туйгуси ва маънавий дунёқарашни шакллантириш.

Жисмоний тарбия дарсларининг вазифаси:

Ҳаракат малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Жисмоний фазилатларни ривожлантириш.

Жисмоний машқларга ўргатиш.

Жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ва ўтказиша бир неча коидаларга риоя қилиш керак.

1. Дарс материаллари ўқувчилар ёшига ва жинсига, жисмоний ривожланишига мос бўлиши керак.

2. Дарс аниқ бир вазифани ҳал этиши ҳамда аввалги дарс материаллари билан узвий боғланган бўлиши керак.

3. Дарсда ўқувчилар жисмоний ривожланишини таъминлай оладиган даражада жисмоний юкламалар берилиши керак.

4. Дарс ўқувчилар учун қизиқарли, уларни актив ҳаракатларга жалб этувчи ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бўлиши керак.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИ ТУРЛАРИ

Жисмоний тарбия дарслари қуидаги дарс турларига бўлинади;

1. **Кириш, танишиш дарслари** –янги ўқув материаллари билан танишиш дарслари.

2. **Ривожлантириш дарслари** –эгалланган ҳаракат малака ва кўникмаларини ривожлантириш дарслари.

3. **Такомиллаштириш дарслари** – ҳаракат малака ва кўникмаларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш дарслари.

4. **Аралаш дарслар** –бир вактда Янги ҳаракатларга ўрганиш билан, аввалги ҳаракатлар такомиллаштириш ёки мустаҳкамлаш дарслари.

5. **Якуний ёки назорат дарслари** –бир ўқув материаллари ўрганилгандан сўнг ўзлаштиришни назорат қилиш ҳамда чораклар якунида жисмоний ривожланишини якуний назорат қилиш дарслари.

Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчиларни ўқув материалларини ўзлаштириб бориши ҳар дарсларда доимий назорат орқали

текшириб борилади. Ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши дарражаси ҳар бир чораклар якунида назорат меъёрлари қабул қилиш ёрдамида текширилади.

ДАРС ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ

Дарс олиб бориш усуллари ўқувчиларни жисмоний тарбия дарсларида жисмоний машкларни бажариш учун ташкил этиш усуллари тушунилади.

Етпасига шуғулланиш усули:

Машкларни ўқувчилар бир вақтда бажарадилар. УРМ, ҳаракатли ва спорт ўйинлари каби машклар.

Оқим усулида шуғулланиш:

Ўқувчилар машкни кетма-кет тұхтовсиз, оқим ҳолида бажарадилар. Гимнастикада таяниб сакраш ва енгил атлетикада узунника ва баландликка сакраш машклари каби.

Навбат билан шуғулланиш:

Машкларни ўқувчилар навбат билан бажарадилар, енгил атлетикада югуриш машклари, кураш машклари.

Гурух усулида шуғулланиш:

Ўқувчилар машкларни гурухларга бүлиниб бажарадилар. Гимнастик жиһозлардаги машклар.

Индивидуал усулда шуғулланиш:

Машкни ўқувчилардан бири бажаради, қолғанлари кузатиб турадилар.

Дарс олиб бориш усулларининг ҳаммасини үзига яраша афзаликтери бор, ўқитувчилар дарс давомида ўқувчилар етарлы дара жада жисмоний юкламаларни олишлари учун дарс олиб бориш нинг барча усулларидан самарали фойдаланишлари керак.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИ ТАРКИБИ

Жисмоний тарбия дарслари уч кисмдан иборат булади. Ўқувчиларни жисмоний тарбия дарсига жисмонан тайёрлайдиган, организмни жисмоний юкламаларга мослаштирадиган биринчи кисм – дарснинг кириш кисми. Дарснинг асосий вазифасини ҳал этүчи, жисмоний машкларга ургатувчи кисм – дарснинг асосий кисми. Организмга тушган юкламалар таъсирини сусайтириш, ўқувчилар дарсдаги фаоллигини баҳолаш ва кейинги дарсларга тайёрлаш кисми дарснинг якуний кисми.

Дарснинг кириш кисми:

Ўқувчилар сағланадилар, саломлашилади, жисмоний тарбиядан фаол ўқувчи, ўқувчилар сони, уларнинг дарсга тайёргарлиги ҳақида ахборот беради. Ўқитувчи дарснинг вазифасини тушунтиргач,

ўкувчилар саф машқларини бажарадилар (Ўнг-га, Чап-га, Орқа-га бурилишлар ва х.к_ Юриш ва югуриш машқлари бажарилади. Сафда, каторда, доирада турган ҳолда буюмлар билан ёки буюмларсиз, шеригини ёрдамида умум ривожлантирувчи машқлар – УРМ бажарилади.

Дарснинг асосий қисми:

Дарс асосий қисмидаги үқитувчи ўрганиладиган жисмоний машқ – ҳаракатни оғзаки ҳолда тушунтиради ва амалда бажариб кўрсатади. Машқни қисмларга бўлиб бажариш ва бутун ҳолатда бажариш усулларини кўрсатади. Ўкувчиларнинг ҳар бирини машқни бажаришини назорат қиласди, хатоларни тузатиш учун керакли тавсиялар беради. Ўрганилган машқни такомиллаштириш учун мустахкамлаш машқлари беради. Машқни бажариш малака ва кўникмалари шакллангунга кадар ўкувчиларни машқни такрорлашларини назорат қилиб туради.

Дарснинг якунний қисми:

Ўкувчилар организмига тушган жисмоний юкламалар таъсирини сусайтириш мақсадида ҳаракатли ўйинлар, нафас олиш машқлари бажарилади ёки ўрганилган машқ тўғрисида назарий маълумотлар берилади. Шунингдек, дарсда фаол қатнашган ўқувчи рағбатлантирилади, суст қатнашган ўкувчига эса тавсиялар берилади. Ўрганилган машқни такомиллаштириш усуллари ҳамда жисмоний фазилатларни ривожлантириш тавсиялари тушунтирилади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИ БАЁННОМАЛАРИ

Жисмоний тарбия дарслари баённомаларида дарс мақсади ва вазифаси, керакли жиҳозлар ва ўтказиш жойи кўрсатилади. Шунингдек, бажариладиган УРМ тўлиқ ёзилади. Дарс асосий қисмидаги жисмоний машқни бажариш усуллари кенг батафсил бажариш буйича тавсиялар ҳам келтирилади. Дарс якунний қисмидаги бажариладиган тинчлантирувчи машқлар ва ўйинлар ҳам тўлик қайд этилади. Ҳар бир ҳаракат ва машқлар бажариш сони, услубий тавсиялар ҳам баённомада келтирилади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСИ 1 – БАЁННОМАСИ

Дарс мақсади: Соғломлаштириш, жисмонан ривожлантириш, ҳаракат малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Дарс вазифаси: 100 м га тезкор югуриш техникасини ўргатиш.

Керакли жиҳозлар: Спорт кийими, старт колоткалари, хуштак, секундомер, байроқча.

Ўтказиш жойи: Стадион, югуриш йўлкалари.

Дарс мазмуни		Меэр	Услубий тавсия
Сафланиш. Саломлашиш. Үкүвчилар хакида ахборот. Дарс вазифасини тушунтириш. Саф машқлари. Үнг-га. Чап-га, Орқа-га бурилишлар. Қаторларга бўлиннишлар. Секин ва тез юришлар, хар хил юришлар. Секин ва тез югуришлар, хар хил югуришлар. Сафда, қаторларда донрада, юриб, буюмлар билан, буюмларсиз, шеригини ёрдами билан УРМ бажариш.	2—4	Сафлар текис.	
K и р и ш к и с м	2—4	Харакат тенг, бир хил булиш керак.	
1. Д., Ҳ.: Тик турган ҳолатда, қўллар белда. Олдинга энгашиб, қўлларни полга, ерга текказиш. Д.Ҳ. га кайтиши.	4—6 м	Тиззалар букилмайди.	
2. Д.Ҳ. Тик турган ҳолатда, қўллар белда, 1-4 бошни ўнгга айлантириш. 5-8 бошни чапга айлантириши.	4—6 м	Харакат кенг амали тудада бажариш	
3. Д. Ҳ. Тик турган ҳолатда, қўллар белда, 1-4 гавдани ўнгга айлантириш, 508 гавдани чапга айлантириш.	4—6 м	Оёкларни ердан узмайди.	
4. Д.Ҳ: оёклар кенг ҳолатда, қўллар белда. 1-2 гавдани ўнг оёқка эгиш.	4—6 м	Тиззалар буқмай.	
3-4 гавдани чап оёқка эгиш.	4—6 м	Чукурроқ ўтириш.	
5. Д.Ҳ. Тик турган ҳолатда, қўллар белда. Тиззаларни кенг очиб ўтириш. Д.Ҳ. га қайтиши.	4—6 м	Қўллар текис.	
6. Д.Ҳ. асосий тик туриш. Қўлларни ёнга, юқорига, одд томонга узатиш.	10 м	Бир жойда сакралади.	
Д. Ҳ. га қайтиши.	10 м		
7. Д.Ҳ. Тик турган ҳолатда, қўллар белда. Жойида турниб икала оёқда сакраш.	10 м		
A с о и и к и м Я к у и и к и с м	60-100 м га тезкор югуриш техникасини ўргатиш. Тезкор югурувчи маҳсус машқларини бажариш. 30 мли масофага: 1. Тиззаларни баланд кўтариб югуриш. 2. Товоинларни орқага отиб югуриш. 3. Баланд сакраб югуриш. 4. Катта тезликда югуриш. А) Старт чиқиш, депсинувчи оёклар қўйиш ҳолатини, депсинувчи оёқ ҳолатини ўргатиш. Б) Стартдан чиқиши, депсинувчи оёқ харакатида ўргатиш. В) Масофа бўйлаб югуриш. Оёклар ва қўллар харакатига ўргатиш. Г) Финишга кириб бориш. Гавда ҳолати. Нафас олиш ритмини текислашга ўргатиш. Тезкорликни ривожлантирувчи қўшимча машқлар. 20 мх4 моккисимон югуришлар. 30 м га тезкор югуришлар. Юрган ҳолда нафас олиш машқларини бажариш. Бир оёқда ва иккала оёқда сакрашлар. Депсинувчи оёқни танлаш бўйича курсатмалар бериш. Сафланиш, дарсда фаол қатнашган үкүвчиларни рағбатлантириш, суст қатнашган үкүвчиларни огоҳлантириш. Жисмоний машқлардан уйга вазифалар бериш.	2 2 2 2 2 2—4 2—4 2—4 2—4 2—4 2—4 2—4 2—4 2 2 10 10	Машқ уртacha тезликда. Қайтишда мускул бўшашибтириш. Депси-ниш оёғини тўтири танлаш. Реакция малакаси шаклламтириш. Финишда тезликка эришиш. Мусобака шаклида ўтказиш. Хатоларни муҳокама

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯДАН СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР

Таълим муассасаларида жисмоний тарбиядан синфдан ташқари ишлар ҳам ташкил этилади. Бу тадбирларга қуидаги синфдан ташқари ишлар киради:

1. Эрталабки бадан тарбия машғулотлари. Бу машғулотларнинг мақсади ўқувчилар организмини ўкув машғулотларига тайёрлаш. Тартиб интизомга ўргатиш.

2. Танаффуслардаги харакатли ўйинлар ва жисмоний тарбия дақиқалари мақсади ўқувчиларни назарий машғулотларда ақлий чарчашиларни бартараф этиш ҳамда келгуси дарсларга тайёрлаш.

3. Куни узайтирилган гурухлардаги сайрлар ва экскурсияларда ўқувчиларни табиат омиллари ёрдамида чиниктириш.

4. Умумий жисмоний тайёргарлик ва Спорт тұғаралкандык машғулотларда ўқувчиларда фазилатлари ва жисмоний қобилиятлари ривожлантириш, спорт турлари бўйича мутахассисликка эришиш.

5. Спорт мусобакалар ва байрамларда ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳамда жисмоний ривожланиш даражаси назорат қилиб турлади.

Умумий жисмоний тайёргарлик ҳамда спорт тұғаралкандык машғулотларни жисмоний тарбия дастури асосида ишлаб чықылган. Тұғаралкандык машғулотларни йиллик режасига мувофиқ олиб борилади. Куйида ўзбек миллый кураши спорт тұғаралкандык машғулотларининг йиллик режаси келтирилган.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ БЎЙИЧА ТҰҒАРАК МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

№	Машғулотлар мавзуси	Шакли	Муддат
1	Ўзбек курашида курашчининг туриш ҳолатларига ўргатиш.	Амалий	Сентябр
2	Ўзбек курашида ушлашлар усулларига ўргатиш.	Амалий	Октябр
3	Ўзбек курашида улоқтиришлар техникаснга ўргатиш	Амалий	Доимо
4	Ўзбек курашида чалиш ва алдов харакатларига ўргатиш.	Амалий	Доимо
5	Ўзбек курашида ҳужум усуулларига ўргатиш.	Амалий	Доимо
6	Ўзбек курашида ҳимоя усуулларига ўргатиш.	Амалий	Декабр
7	Ўзбек кураши бўйича мусобакалар ташкил этиш ва ўтказиш.	Амалий	Доимо
8	Курашчининг жисмоний тайёргарлиги.	Амалий	Доимо
9	Курашчининг техник ва тактик тайёргарлиги.	Амалий	Доимо
10	Курашчининг психологик тайёргарлиги.	Назарий	Январ
11	Курашчининг маънавий ва ажлоқий тайёргарлиги.	Назарий	Доимо
12	Курашчининг назарий тайёргарлиги.	Назарий	Доимо
13	Курашчиларни табиат омиллари ёрдамида чиниктириш.	Амалий	Доимо

ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН СПОРТ МУСОБАҚАЛАР КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

№	Мусобақалар	Муддат	Иштирокчилар
1	Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишилган Енгил атлетика мусобақалари.	Сентябрь	Юкори курс талабалари
2	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси күнінің бағишилган мини Футбол мусобақалари.	Октябрь	Юкори курс талабалари (болалар)
3	Яңы йыл байрамыда Спорт байрами ўтказыш.	Январь	Барча талабалар
4	Ватан химоячилари күнінің бағишилган Волейбол мусобақасы	Январь	Юкори курс талабалари
5	Халқаро хотин-кіздар күнінің бағишилган Эстафета мусобақасы. (100мх4)	Март	Юкори курс талабалари
6	Наврұз байрамында бағишилган оммавий Спорт байрами.	Март	(кіздар) Барча талабалар
7	Хотира ва қадрлаш күнінің бағишилган Кросс югурнышлари. (5000 м)	Май	Барча талабалар

«АЛПОМИШ» ВА «БАРЧИНОЙ» ТЕСТ СИНОВЛАРИНИНГ ТАЛАБЛАРИ (18-23 ЁШ)

№	Синов турлари	Үлчов бирлигі	Үғил болалар		Киз болалар	
			Хисоб	Нишон	Хисоб	Нишон
1.	100 м югурниш	сек	14,2	13,2	16,5	16,0
2.	Кросс 2000 м	мин. сек	—	—	13.30,0	12.30,0
	3000 м	мин. сек	13.00,0	12.00,0	—	—
3.	Турган жойдан узултнкка сакраш	см	220	240	160	180
4.	Түрнікда тортилиш	сони	10	13	—	—
5.	Етіб құлни бөш оргида гавданың күтариш	сони	—	—	30	35
6.	Юриш-югурниш 6 мин.	м	1600	1700	1250	1350
7.	Сузиш вактін	сек	—	40,0	—	55,0
		м	50	—	50	—
8.	Граната улоқтириши					
	700 гр	м	36	40	—	—
	500 гр	м	—	—	22	28
9.	Үк отиши	микдор	35	40	35	40

ГИМНАСТИКА



«Гимнастика» юонча «гимнос» сүзидан келиб чиққан бўлиб «яланғоч» деган маънени англатади. Шунингдек, Юонча «Гимнастика»-машк қилдираман сўзиниenglаб киши саломатлигини мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама жисмонан тарбиялаш ва ҳаракат малака ва кўнилмаларини, куч, чакқонлик, тезкорлик, чидамлилик, эгилувчанлик ва координацион кобилиятларини такомиллашибтириш учун маҳсус тантланган жисмоний машқлар ва усулларнинг тизимиdir. Гимнастиканинг мақсади организмни соғломлашибтириш, жисмоний фазилатларни ривожлантириш, ҳаётий зарур ҳаракат малака ва кўнилмаларини шакллантириш. Гимнастиканинг вазифаси гимнастик машқларга -саф ҳамда умумривожлантирувчи машқлар, тирмашиб чиқиш, таяниш ва осилиш, таяниб сакраш, мувозанат сақлаш, акробатика, бадий ва ритмик гимнастика машқларига ўргатиш. Спорт гимнастикасининг З тури бор: Спорт гимнастикаси, акробатика ва бадий гимнастика. Спорт гимнастикаси 1896 йилдан Олимпиада ўйинларига киритилган. Федерацияси. ФИЖ.

Гимнастика машқлари куйндаги асосий гурӯхларга булинади.

Саф машқлари –сафда биргаликда бажариладиган, шуғулланғанда уюшқоқлик ва интизомни, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш малакаларини, қад коматини шунингдек ритм ва суръат ҳиссини тарбиялашга ёрдамлашадиган ҳаракатлар.

УРМ - (Умумривожлантирувчи машқлар) күпроқ бүғинларда бажариладиган, жисмоний юкламага тайёргарлик, организмнинг функционал имкониятларини кенгайтириш ва қадди қоматини тарбиялаш учун қўлланиладиган машқлар. Улар айрим мускул гурухларига алоҳида, тана аъзоларига, алоҳида шунингдек, бутун ҳаракатлантирувчи аппаратга умумий таъсир кўрсатади.

Эркин машқлар –тана айрим аъзолари билан қилинадиган турли ҳаракатларни, акробатик ва хореографик машқларни бирга қўшиб бажаришдир. Улардан асосий мақсад –координацион қобилиятни такомиллаштириш, ритм ва ҳаракат гўзаллиги ҳиссини тарбиялаш. Эркин машқлар спорт гимнастикасида буюмларсиз ва бадиий гимнастикада турли буюмлар билан ижро этилади.

Амалий машқлар –юриш, югуриш, улоқтириш, тирмашиб чикиш, ошиб ўтиш, эмаклаб ўтиш, мувозанат сақлаш, тусиқлардан ошиб ўтиш ва бошқалар. Машқлар ёрдамида кўникма ва малака эгалланади.

Жихозларда бажариладиган машқлар –(гимнастика «оти», «тўси ни», «девори», ҳалқа, кўш чўп, якка чўп) спорт гимнастикаси-нинг энг характерли воситаларири. Уларнинг асосий мақсади – гавда ва тана ҳаракатларни бошқариш малакасини такомиллаштиришдир. Бу машқлардан шуғулланувчиларни жисмоний тайёрлаш учун ҳам қўлланилади.

Акробатика –акробатик сакрашлар ва статик ҳолатларни ўз ичига олган мувозанат сақлаш машқлари. Улардан турли ёш контингентлари билан ўтказиладиган машғулотларда куч, чакқонлик, эпчилликни, реакция тезлигини, фазода мўлжал олишни ривожлантириш учун, шунингдек, вестибуляр аппаратни машқ қилдириш учун кенг қўлланилади.

Бадиий гимнастика –гимнастик буюмлар (арғамчи, гардиш, лента, туп, чўқморлар) билан ва буюмларсиз ижро этиладиган, шакли жиҳатидан турлича рақс ҳаракетидаги ҳаракатларнинг узвий ва бирикиб кетган комбинацияларидан иборат машқлар. Улар музика журлигига ижро этилиб, жисмоний камолат ҳамда нағислик, эркинлик ва жозибадорликни тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қиласиди. Бундай машқлар билан Хотин-қизлар шуғулланадилар. Гимнастика мустақил куйидаги турларга ажратилган.

Гимнастиканинг соғломлаштирувчи турлари: Бу гурух асосий (умумий), гигиеник ва атлетик гимнастикани ўз ичига олади. Гим-

настиканинг бу турлари шүгүлланувчиларни ҳар томонлама гармоник жисмоний камолотга етказиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва харакат функцияларини такомиллаштириш максадида қўлланилади.

Гимнастиканинг спорт турлари: Бу гурухга Спорт гимнастикаси, Бадий гимнастика ва акробатика киради. Бу турлар спорт йўналишига эга бўлиб, спорт турлари сифатида тарғиб этилади. Булардан максад машқларни ижро этиш техникасида юксак камолотга эришиш, юксак спорт маҳорати кўрсатиш ҳамда ҳар томонлама юксак жисмоний тайёргарлик асосида мураккаб машқларни бажара билишга эришишдан иборатdir.

Гимнастиканинг Амалий турлари: Бунга қуйидагилар: иш куни тартибига киритиладиган Ишлаб чиқариш гимнастикаси (мехнаткашларни согломлаштириш, иш қобилиятини ўстириш, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдамлашади). Махсус жисмоний тайёргарлик кўриш қўлланиладиган касбий –амалий, ҳарбий-амалий ва спорт –амалий гимнастикаси (мехнатда, мудофаа ва спорт фаолиятида ижобий натижаларга эришишни таъминлайди). Турли касаллик ва жароҳатларни даволаш учун қўлланиладиган, иш қобилияти ва саломатликни тиклашга ёрдам берадиган гимнастика тури –Даволаш гимнастикаси.

Гимнастиканинг асосий воситалари. Махсус ишлаб чиқилган ҳаракат шакллари гимнастиканинг воситалари хисобланади. Улар ёрдамида одамнинг ҳаётий мухим ҳаракатлантирувчи қобилиятлари такомиллаштирилади. Кўп машқлар одамнинг меҳнат, ҳарбий ва турмуш фаолиятидан (юриш, югуриш, тирмашиб чиқиш, сакраш, эмаклаш, мувозанат саклаш, улоктириш, тўсиқлардан ошиб этиш, юк ташиш ва ҳ.к.) олинган.

1. Саф машқлари –Саф машқлари жисмоний тарбия ва ҳарбий –ватанпарварликка доир машғулотларда ва қисман барча фанларга оид синфдан ташки машғулотларда ўтказилади. Машғулот саф бирлигини, бўлинма ташкил қилувчи гурух билан ўтказилади. Амалий машғулотларда якка-якка ва жамоа ҳаракатларини яхшироқ бажариш учун гурухни бўлимларга ажратиб юбориш керак.

Гурух бир қаторга сафланинг! Ўқитувчи буйрук берганидан кейин сафланиш томонига қараб тик туради. Гурух ўқитувчининг чап томонига сафланади. Ҳамма ўқувчиларнинг оёқ уни бир тўғри чизикда текис туриши керак.

«Текислан!» бўйругига биноан зўриқмасдан, товонларни бирлаштириб, оёқ учини эса сал очиб тўғри туриш, тиззаларни ростлаш, кўкракни сал кўтариш, елкаларни ёзиб юбориш; бошни тўғри тутиш, иякни сал кўкракка тортиш, тўппа-тўғри қараб ту-

риш: күл кафтларини ичга қаратиб сонларнинг ёnlарига туширилган, бармоклар букилган, бош бармок кўрсаткич бармоғининг устига қўйилган бўлади.

«Ростлан!» буйругига биноан сафда тик туриш ҳолатига ўтиш ва қимир этмаслик, «Эркин!» буйругига биноан эса оёқлардан бирини тиззадан бўш тутиш, жойидан қимирламаслик ва гаплашмаслик керак. «Тўғрилан!» буйругига кўра жойидан қимирламасдан туриб, кийимларини тўғрилаб олиш ва секин гаплашиш мумкин. Бирон ҳолатни бекор қилиш ёки тўхтатиш учун «Бекор!» буйруги берилади. Бу буйруққа биноан шу ҳолатга ўтгунча кандай ҳолда турилган бўлса ўша ҳолга кайтилади.

Гурухни ҳисоблаш. Ҳисоб ўнг томондан бошланади. Гурухни бир чеккадан сидирғасига санаш учун «Гурух тартиб билан сана!» буйруги берилади.

Ҳисобот бериш. Ҳисобот бериш учун навбатчи сафнинг ўнг томонга, бир қадам олдинга чиқиб туради. Навбатчи гурухни текислаб, бир чеккадан сидирғасига санаб чиққандан сўнг «Ростлан!», «Марказга дикқат!» деб буйрук беради ҳамда энг яқин йўул билан ўқитувчи ёнига шаҳдам одимлаб боради. Ундан икки қадам берида тўхтайди ва гурухнинг сафланганлиги тўғрисида ҳисобот беради.

Сафда саломлашиш. Ўқитувчининг «Салом!» деган саломига ўкувчилар бир нафас олиб, баб-баробар «Салом!» деб жавоб қайтарадилар.

Турган жойда бурилиш. Қуйидаги буйруқларга биноан бажарилади. «Ўнг-га», «Чап-га», «Орқа-га», «Ярим бурилиш ўнг-га!», «Ярим бурилиш чап-га». Чапга бурилиш, ярим айланиб чапга бурилиш ва орқага бурилиш чап томондан чап оёқ товонида ва ўнг оёқ учида бажарилади; ўнга бурилиш ва ярим айланиб бурилишда ўнг томонга оёқ товони ва чап оёқ учида бурилади.

2. Умумривожлантирувчи машқлар –кўпроқ бўғин қисмларида бажариладиган, ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик учун организм функционал имкониятларини кенгайтириш ва қад қоматни шакллантириш учун қўлланилайдиган машқлардир. Улар айрим мускул гурухларига, тана аъзоларига, шунингдек, бутун ҳаракат аппаратурига умумий таъсир кўрсатади, хилма хил ҳаракат малака ва қўникмалар ўзлаштириш жараёнини енгиллаштиради. Умумривожлантирувчи машқлар элементлар кўникма ва малакаларни эгаллаб олиш имконини беради, улардан кейинчалик ҳаракат кобилиятларини такомиллаштириш мақсадида ҳар кандай мураккабликка эга бўлган яхлит ҳаракат фаолиятини ташкил қилишда фойдаланилади.

Умум ривожлантирувчи машқлар –сафда, қаторларда, доирада,

юрган ва юрган ҳолда бажарилиши мумкин шунингдек, машқларни бажаришда буюмлардан, таёқча, гардиш, тўлдирма тўплар, гантеллардан фойдаланилади.

Умуривожлантирувчи машқлардан эрталабки бадантарбия сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун тананинг ҳар бир қисмларига алоҳида машқлар комплексини тузиш керак ва уларни такорлаш сонини орттириб бориш ёки уларни турларини кўпайтириш ва ўзгартириб туриш керак бўлади.

3. Амалий машқлар –юриш, югуриш, улоктириш, тирмасиб чиқиш, ошиб утиш, эмаклаш, мувозанат сақлаш, сакраш, юкларни кўтариш, жиҳозларни ўрнатиш, касбга мувофиқ жисмоний машқлар ва х. к. Шуғулланувчилар улар ёрдамида ҳаётий зарур ҳаракат кўникма ва малакаларни эгаллайдилар, уларни хилма-хил шароитда кўлланишини ўрганадилари.

4. Жиҳозларда машқлар (гимнастика «оти», «тўсини», «девори», халқа, кўш чўп, якка чўп) бажариладиган машқлар –спорт гимнастикасининг энг характерли воситалардир. Улардан кўзда тутилган асосий мақсад гавда ва тана ҳаракатларини бошқаришни такомиллаштириш. Бу машқлардан шуғулланувчиларни жисмоний ривожлантириш учун ҳам кўлланилади.

Тирмасиб чиқиш –бу машқлар ўқувчиларда чидамлилик ва куч фазилатларини ҳамда дадиллик каби ахлоқий сифатларни тарбиялайди. Тирмасиб чиқиш машқларида арқонга уч усулда ва икки усулда (оёклар ёрдамисиз) чиқиш усуслари ўргатилиади.

Таяниб сакраш –сакровчанликни ривожлантириш, оёқ ва қўллар кучини, ҳаракат тезлиги ва аниқлигини, чаққонликни ҳамда дадилликни ривожлантириш учун қўлланилади. Машқ гимнастик «оти» ва «эчки»дан махсус «кўприкча» орқали сакраш билан бажарилади. Таяниб сакраш машқлари «Оёкларни буки» ва «оёкларни ёзиб» бажарилади. Сакраш машқларида гимнастик «от» ва «эчки»нинг баландлиги ўғил болалар учун 115-125 см, қизлар учун 105-115 см белгиланади. Сакраш усусларида югуриб келиш, «кўприкча»га оёқ қўйиш ва депсиниш, жиҳозга кўл қўйиб таяниш ҳамда қўниш ҳолатларига катта эътибор берилади.

Осилишлар ва таянишлар –бу машқлар жумласига якка чўп, кўш чўп, халқа (ўғил болалар), ва ҳар хил баландликдаги қўш чўпплар (қизлар) ҳамда дастакли «отдаги машқлар» киради.

Акробатик машқлар – акробатик ҳаракатлар ва статик ҳолатларни ўз ичига олган мувозанат сақлаш машқларини бирлаштиради. Улардан турли ёш контингентлари билан ўтказиладиган машғулотларда куч, чаққонлик, эпчилликни, реакция тезлиги, фазода мўлжал олишни ривожлантириш учун, шунингдек, вестюбуляр

аппаратни машқ килдириш учун кенг күлланилади. Акробатик машқларга олдинга ва орқага ҳар хил шаклдаги юмалашлар, бўша ва қўлларга таяниб туриш, кўприк тушиш, «чархпалак» машки, рандат ва х. к. машқларни киритиш мумкин.

Бадий гимнастика машқлари –тимнастик буюмлар (арғамчи, гардиш, лента, чукморлар) билан ва гимнастик буюмларсиз ижро этиладиган, шакли жиҳатидан турлича рақс характеридаги харакатларнинг узвий ва бирикib кетган комбинацияларидан иборат машқлар. Шунингдек, Ритмик гимнастика машқларидан ҳам гимнастика машгулотларида шуғулланиш мумкин. Бу машқлар юришлар, сакраш харакатларидан иборат. Улар музика жўрлигига ижро этилиб, жисмоний камолот ҳамда нағислик, эркинлик ва жозибадорликни тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бундай машқлар билан хотин-қизлар шуғулланадилар.

Мувозанат саклаш машқлари –вестибуляр аппарат фаолиятини такомиллаштириб, харакатларни бошкара олиш малака ва кўникмалари -координацион қобилиятни ривожтантариради. Бундай машқлар сифатида гимнастик «тусинда» юриш, югуриш, сакраш, айланиш, «қалдирғоч», ҳолатида туриш ва ҳар хил ҳолатларда сакраб тушишлардан фойдаланиш мумкин.

Гимнастика машгулотларининг афзаллиги шундаки. бу машқлар жисмоний фазилатлар билан бир қаторда ахлоқий ва иродавий сифатларни ҳам тарбиялади. Шуғулланувчими тартиб интизомга, ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади ҳамда соғломлаштириши ва чиниқишини таъминлади. Гимнастика машгулотлари билан таянч харакат аппарати тўлик шакллангандан сўнг шуғулланиш мумкин. Машқларни муракаблиги, хусусиятлари ҳамда жисмоний юкламаларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда машқлар билан шуғулланишни ёш даражаларига бўлиш мумкин. Акробатика ва мувозанат саклаш машқлари билан 5-6 ёшдан, таяниш ва осилиш машқлари, таяниб сакраш ва тирмашиб чиқиш билан 7-8 ёшдан шуғулланиш мумкин. Бадий гимнастика машқлари билан шуғулланиш учун кизларни 5-6 ёшдан жалб этиш мумкин.

БАСКЕТБОЛ

Баскетбол ўйини бутун дунё спорт ишқибозлари севиб ўйнайдиган спорт ўйинларидан бири ҳисобланади. Ўтган аср охирларида Америка Қўшма Штатларини Ёшлиларнинг Христиан уюшмалари авзолари жисмоний тарбия, спортга катта эътибор берган эдилар. Улар ёзда Америка футболи, енгил атлетика, бейсбол билан шуғулланишар, қишида эса спорт залларида гимнастика



машқлари ва саф машқлари бажаарар эдилар. Бундай саф машқлари баъзан зерикарли бўлиб ва ёшларни жисмоний баркамоллигини таъминлай олмас эди. Шунинг учун янги спорт тури ёки ўйин ихтиро қилиш эҳтиёжи туғилди. Бу ишга Спрингфильд шахри ёшлар жамоаси раҳбарларидан Жеймс Нейсмит қўл урди. У ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан шуғулланишига раҳбарлик қиласр эди. Нейсмит янги ўйинни ихтиро килишда мавжуд бўлган спорт ўйинларидан футбол ва регбини умумлаштириди. Шунингдек, янги ўйинга, янги тўп ва янги дарвоза –нишон савлат киритилди. Бу ўйинни ихтиро қилиш даври 1891 йилларга тўғри келди. Аввалига ўйинда футбол тўпида фойдаланилди ва ўйинчиларни сони кўпчиликни ташкил этди. Ўйиннинг номи Баскетбол –сават ва тўп сўзидан олинди. Кейинчалик саватнинг диаметри -38 см килиб белгиланди ва полдан 3,05 см баландликка урнатилди. Ўйин майдони қатъий чегараларга бўлинди. 15x25 м ёки 15x27 м.

1. Тўпни ҳар қандай йўналишда бир қўлда ва икки қўлда улоқтириш.

2. Тўпни ҳар қандай йўналишда тортиб ёки уриб олиш.
3. Тўп билан югуриш таъкикланди.
4. Тўп олиб юришда бир қўлда ёки қўлларни алмаштириб полга уриб юрилади.

5. Рақибни суриш, итариш, чалиш, тўпни мушт билан уриш таъкикландади.

6. Ҳакамлар ўйинни бошқаришда тўпни майдондан чиқиб кетмаслигини, тўпни туғри бошқарилишини кузатадилар.

Баскетбол ўйини тез ривожлана борди. 1936 йилда Олимпияда ўйинлари дастурига киритилди. Хаваскор баскетболчилар уюшмаси –ФИБА түзилди. Ўйин қоидалари такомиллаша борди. Ўйинчилар сони 5 нафар бўлиб қабул қилинди. Ҳар бир саватга туширилган тўп учун 2 очко, 9 метрли масофадан туширилган тўп учун 3 очко ва жарима тўпларига 1 очкодан белгиланди. Тўпни ўйинга киритиш шит остидан ёки кўндаланг чизикдан рухсат этилди. Аввалги даврларда тўпни ўйинга майдон ўртасидан киритилар, ҳакам икки ўйинчи ўртасида тўпни юкорига улоқтираш ва эпчил, узун бўйли ўйинчи тўпни эгаллаб олар эди. Кейинги даврларда бу қоида юкоридаги қоида билан ўзгартирилди.

Ўйин тезкорлигини ошириш мақсадида 10 секундли қоида қабул қилинди, бунга асосан тўп эгаллаган ўйинчи 10 секунд давомида шеригига чиқаришга мажбур акс ҳолда жарима белгиланади. Кейинчалик 24 секундли қоида ҳам қабул қилинди бу қоидада тўп эгаллаган гурух 24 секунд давомида хужумни якунлаши керак. Ўйин янги ихтиро этилган даврларда узун бўйли ўйинчилар учун кўп ҳолларда хужумлар самарасиз ва ўйин зерикарли бўлиб қолган эди. Бўйи узун ўйинчиларни, ҳимоячи ва хужумчиларнинг харакатларини самарали қилиш ҳамда хужум зонасида харакатларни чегаралаш мақсадида 3 секунд қоидаси қабул қилинди. Бу қоидага кўра шитнинг остидаги зонада ўйинчиларни 3 секунддан ортиқ туриши таъкидланади.

Шунингдек, тўпни саватга йўналтирганда қуйидаги ҳолатларга риоя қилиш талаб этилади.

1. Тўп саватга тушган вақтида тўпга ва саватга тегишиш таъкидланади.

2. Тўп шитга ва сават ҳалқасига тегиб турганда тўпга ва саватга тегишиш таъкидланади.

3. Улоқтирилган тўп сават томон пастлаётганда тўпни тусиши таъкидланади.

Баскетбол ўйини тараққиётига тўп шакли ҳам ўзгариб борди. 1891 йилдан 1894 йилгача футбол тупида ўйналган. 1894 йилдан тупнинг хажми катталаштирилди. Ҳозирги даврда резинадан қуйилган тўп фойдаланилмоқда. Тўп оғирлиги -650 гр. Диаметри 76-78 см.

Ҳозирги даврда майдонга ўсиб чиқкан ҳолдаги ҳажми 180x120 см ли шитдан фойдаланилмоқда. Бу шаклдаги шит ўйинчиларни шит остида ҳаракат қилишига ҳам халақит бермайди. Баскетбол ўйини майдонига ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Май-

дон хажми 15x28 м белгиланди. Уртадан 2 қисмга бўлинди. Майдонни хужум ва ҳимоя қисмига бўлувчи чизик ҳужумчини тўпни фақат олдига узатишга мажбур қиласди, хужум зонасидан туриб тўпни орқага қайтариш таъқиқланади. Майдон маркази ва шит олдидағи хужум зоналарида диаметри 360 см ли доира чизилди. Ҳар бир чизиклар энлилиги 5 смли оқ чизик белгиланди. Бу доиралардан баҳсли тўпни ҳал этиш учун фойдаланилади.

Баскетбол мусобақалари: 2000 йил коидаларига асосан мусобақалар 4 таймда ўтказилиб, ҳар бир тайм 10 минут давом этади. Биринчи тайм оралиғидаги танаффус 5 минут бўлиб, иккинчи таймдан сўнг 10 минут танаффус қилинади, учинчى таймдан сўнг эса 5 минут танаффус қилинади.

Баскетбол ўйини техникаси: Баскетбол ўйинининг асосини куйидаги техник ҳаракатлар ташкил этади. **Юриш, югуриш, сакраш, тұхташ ва бурилишлар:**

Баскетболчининг асосий ҳаракатлари бўлиб бу ҳаракатлардан олдин баскетболчи дастлабки ҳолатда бўлади. Дастлабки ҳолатда гавда бир оз эгилган оёқлар тиззадан бир оз букилган ва бир оёқ олдинда кўйилган. Юриш ва югуриш ҳолатлари баскетболчининг майдон бўйлаб ҳаракатланишини таъминлайди. Юриш ва югуришлар ҳар хил тезликда ва ҳар хил йуналишда амалга оширилади. Сакрашлар тўп қабул қилишда ва узатишда ҳамда саватга тўп улоқтиришда бажарилади. Якка ҳужум ҳолатида, икки қадамли ҳужум ҳаракатида сакрашлар бир оёқда булиши ва тинч ҳолатдан саватга тўп улоқтиришда сакрашлар икки оёқда бажарилади. Баскетболчи тўп қабул қилишда ва узатишда ҳамда ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларини режалаштиришда сакраши ёки ҳаракатланишдан тұхташи мумкин. Бу ҳолатда алдов ҳаракатлари гавдани ҳар хил шаклда ушлаб турис өёкларини кўйин шакллари ҳам турлича бўлиши мумкин. Бурилишлар баскетболчининг асосий техник ҳаракатларидан бўлиб у тўпсиз ва тўп билан амалга оширилиш мумкин. Тўпсиз бурилиш ҳолатлари кулагай вазиятта чиқиш, ҳужум уюштириш, ҳимоя ҳолатини эгаллаш вақтида булиши мумкин. Тўп билан бурилиш ҳаракати фақатгина бир оёқ таянч ҳолатидан узилмаган ҳолда бажарилади акс ҳолда тўпсиз ҳаракат хисобланниб тўп рақиб жамоага олиб берилади.

Тўпни ушлаш: тўпни ушлаш ҳаракати ҳар хил баландликда келаётган тўпни икки қўллаб ва бир қўллаб ушлаш ҳаракати хисобланади. Уртача баландликда келаётган тўпни ушлаш ҳаракати кўп учрайдиган ҳаракат бўлиб, бу ҳаракатда баскетболчи тўпни ушлаш учун кўллари узатилган ҳолатда бўлиши керак. Тўп кўлларга етиб келганда енгилгина билакда букилиб тўп тезлиги су-

сайтирилади. Баланд учеб келаётган түпни ушлашда баскетболчи баланд сакраши, бир құли билан түпни ушлаши мүмкін. Бундай ҳаракатлар асосан ҳужумда ва түпни шидан ёки саватдан қайтишида құлланилади. Паст ҳолатда келаётган түпни ушлаш учун баскетболчи әгилиши ҳамда ярим үтирган ҳолатни әгаллаши керак, баъзан бундай түшлар полдан қайта сапчиган ҳолда ҳам келиши мүмкін. Бу ҳолатда түпнинг тезлиги ва йуналиши ноаник бўлади.

Түпни узатиш: баскетболда ҳар хил шаклдаги түп узатиш ҳаракатлари құлланилади. Түпни күкракдан икки құллаб узатиш усули баскетболчи шериги яқин ёки ўртача масофада турганда құлланилади. Бу ҳолатда түп бармоқлар ёзилган ҳолда ушланиб пастдан юкорига күтарилиб күкракдан узатилади. Бундай узатиш усулида түпни тезлиги катта бўлиши мүмкін. Түпни икки құллаб юкоридан узатиш усули ракиб яқин турганда түп йўлини тўсмоқчи бўлганда бажарилади. Бунинг учун баскетболчи құлларини баланд күтариб билак кучи билан түпни узатади. Түпни икки құллаб пастдан узатиш усули ҳам ракиб яқин турганда бажарилади. Бунинг учун баскетболчи энгашган ҳолда ракиб ёнидан түпни икки құллаб билак кучи ҳисобига узатади. Түпни бир құллаб елқадан улоқтириш усули ракибни түпни тўсиб қолмаслиги учун бир құл билан кенгрок ҳаракат қилиш учун бажарилади. Түпни юкоридан бир құллаб узатиш усули ёнма-ён турган шеригига ракиб устидан түп узатиш учун құлланилади. Бу усул илмок усули деб ҳам аталади. Баскетболда түп ушлаш ва узатишнинг хилма хил шакллари учрайди. Ён томондан түп узатиш ва қабул қилиш, орқага түп узатиш ва ҳозозлар. Бу техник ҳаракатларни бажариш учун баскетболчи техник жиҳатдан такомиллашган ва жисмоний ривожланган бўлиши керак.

Саватга түп ташлаш: Ҳужумчининг якуний ҳаракати ва жарима тўпи ташлашдаги ҳаракат ҳисобланади. Ҳаракатнинг аниқлиги ўйин натижасига таъсир қиласи. Саватга түп ташлаш қисқа масофадан -3 м гача, ўрта масофадан 3-6 м гача ва узоқ масофадан 6 м дан узоқликдан усулларга бўлинади. Саватга түп ташлаш бир құллаб ва икки құллаб ташланади.

Бир құллаб елқадан түп ташлаш –усули яқин ва узоқ масофадан ҳужум қилингандан бажарилади. Түп ташлаш дастлабки ҳолатда оёқлар параллел ҳолатда бўлиб тиззалардан бир оз букилади. Түп бир құл билан күкрак орқали елқага олиб чиқилади шундан сўнг бир вактнинг ўзида құл билан күкрак орқали ҳаракат қиласи ва оёқлар тиззазда тўғриланади. Баъзан улоқтириш кучини орттириш учун сакралади. Бу ҳолатда улоқтиришни аниқлиги ва тезлиги

таъминланади. Кўл тўпнинг учишини кафт ёзилган ҳолда кузатиб қолади. Бир қўллаб елкадан тўп ташлаш усули жойидан ва югуриб келиб ҳам бажарилиши мумкин.

Бир қўллаб тўпни илмок ҳолатида ташлаш –бу усул анча мураккаб усул бўлиб тўпни саватга тушиш даражаси кам фоизни ташкил қиласди. Лекин моҳир спортчилар бу усулни шу даражада такомиллаштиради, тўп ташлаш даражаси юз фоизни ҳам ташкил қилиши мумкин. Бу усулда тўп ташлаш кутилмаган ҳолатда рўй беради ҳамда бу усулни химоячи тўпни тўсиши ёки қаршилик қилиши мураккаб бўлади. Икки қўллаб кўкракдан тўп ташлаш усулида баскетболчи тўпни икки қўллаб тенг ушлаган ҳолда кўкракдан олиб чиқади, бош устидан ва силтov ҳаракати билан саватга ташлайди. Шу вақтнинг ўзида тиззалардан букилган оёқлар тўғриланади. Икки қўллаб кўкракдан тўпни ташлаш усули жойдан ва югуриб келиб ҳам бажарилиши мумкин.

Шу билан бирга баскетболда тўпни бир қўллаб ташлашнинг хилма-хил усуллари мавжуд. Бир қўллаб пастдан ташлаш бир қўллаб ёндан ташлаш ва ҳакозо. Бу усулларни эгаллаш ва бажариш баскетболчидан юкори техник ва тактик ҳамда жисмоний тайёргарликни талаб этади. Саватга тўп ташлашнинг хилма-хил усуллари ўйин давомида якка ва жамоа хужумларида бажарилади. Якка хужумда тўпни саватга юкоридан ташлаш усулини узун бўйли баскетболчилар бажарадилар. Баланд сакраган баскетболчи саватга тўпни икки қўллаб ёки бир қўллаб юкоридан солади.

Баскетболда саватдан ёки шитдан қайтган тўпни олиш учун қаттик кураш кетади. Бунинг учун баскетболчилар баланд сакрашлари ва тўпни бир қўллаб ёки икки қўллаб ушлашлари мумкин. Баъзан тўпни ушлашга қараганда уриб юбориш осон бўлади: бу ҳолат фақат кафт билан бажаришга рухсат берилади.

Тўп олиб юриш: Баскетболда асосий техник ҳаракат бўлиб, тўп юриб ва югуриб олиб юрилади. Бу ҳолатда доимо тўп полга бир қўллаб уриб турилиши керак. Тўпни полга урмасдан олиб юриш таъкиқланади. Шунингдек тўпни олиб юрувчи ҳавода ирғитиб яна ушлаб олиб юриши таъкиқланади. Тўп олиб юришининг бир неча хил усуллари бор. Тик ҳолатда тўп олиб юриш, ярим эгилган ҳолатда тўп олиб юриш, эгилган ҳолатда тўп олиб юриш. Тўп олиб юриш ҳаракатлари ҳар хил йўналишда ва ҳар хил тезликда бажарилиши мумкин.

Алдов ҳаракатлари –Финтлар: Бу ҳаракатлар мураккаб ҳаракатлар туркумига кириб хужумчининг химоячини алдаб ўтиши учун қилинган ҳаракатлар ҳисобланади. Алдов ҳаракатларни бажариш учун тезкорлик, кучлилик ҳамда чаққонлик ва у билан

бирга түгри мүлжал олиш фазилатлари такомиллашган бўлиши керак. Шунингдек, баскетболчи барча техник харакат малака ва кўнималарни юқори савияда бажара олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Алдов харакатлари тўп билан ва тўпсиз ҳам бажарилиши мумкин. Бу харакатлар хилма-хил бўлиб уларни яхши эгалаган жамоа доимо голиб келади. Баскетболчини туриш ҳолати ҳам химояда ҳал қилувчи рол йўнайди. У ҳужумчини ўтказмаслиги тўпни тўсиб қолиши ва узатилган тўпларни олиб қўйиши талаб этилади. Ҳимояда ҳужумчини доимо қўриклаб юриш ва ундан тўпни олиб қўйиш ҳимоячининг асосий вазифаси ҳисобланади. Тўпни олиб қўйиш харакати ҳужумчига тўп узатилганда, тўп қабул қилинганда ва тўп олиб юришда кўлланилади. Баъзан тўпни қўлдан тортиб олиш харакати ҳам бажарилиши мумкин. Бунда фақат тўп тезкор ҳаракат билан тортиб олинади. Қўполлик ёки ўйинчига жисмоний таъсир ўтказиш таъқиқланади. Агар кучлар тенг келиб қолса тўп белгиланади. Тўпни ҳужумчининг қулидан уриб чиқариш ҳам рухсат берилади. Фақат бу усул кафтлар билан бажарилиши керак. Мушт билан тўпни уриб юбориш таъқиқланади. Ҳужумчининг саватга тўп ташлашига тусқинлик қилиш учун тўпни тўсиш усули қўлланилади. Бу усул ҳужумчи тўпни қўлидан чиқараётган вақтда қўлланиши керак. Ҳимоячи ҳужумчига нисбатан баландроқ сакраб улоктираётган тўпни ёпиб қолиши керак.

Баскетбол ўйини тактикаси: у ўзининг хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Чунки бу ўйин тезкор ўйин ҳисобланади. Шу билан бирга баскетбол ўйини жамоа ўйинидир. У ўйинчиларни ўзаро мувофиқ ҳолда ҳаракат килишларини, ҳужум ва химояда ўйинчилардан бир-бирини тушунишларини талаб этиди. Ўйин олиб боришининг якка ҳолда, гурух бўлиб ва жамоа усуллари мавжуд. Шунга мувофиқ ўйин фаол ва суст ташкил этилиш мумкин. Баскетбол ўйини тактикаси ҳужум ва ҳимоя тактикасига бўлинади. Бу тактик усуллар бир-бирига зид ва қарама-қарши бўлгани билан биринчиси иккинчисига тез ўзгариши мумкин. Ҳужум ва ҳимоя тактикалари ҳам якка ҳамда гурух тактик ҳаракатларга бўлинади.

Ҳужум тактикаси: Ҳужум тактикасининг мақсади самарали ҳужум уюштириш ва саватга бўлган курашига голиб келиб ижобий натижаларга эришишdir. Ҳужум давомида ҳужумчилар тез ва чакқон ҳаракат килиш талаб этилади. Якка ҳолдаги ҳужумда ҳужумчи ҳужум вазифасини ўзининг тезкорлиги ва чакконлиги ҳамда техник ҳаракатларни аник бажариши билан уддаласа гурух ҳужумларида бир неча ҳужумчи мувофиқ ҳолда тез ва чаққон ҳаракат қилиши керак.

Якка ҳолдаги ҳужум тактикаси: қүйидаги ҳаракат шакларини үз ичига олади. Ҳужум учун қулай жой танлаш ва техник ҳаракаттарни самаралы бажариш. Ҳужум давомида ҳужумчи тұпсиз ва тұп билан ҳаракатланади. Ҳужум учун қулай жой ва вазият танлаш мүхим үрин тутади. Ҳужумчи тұпсиз ҳаракати унинг күриклас турған ҳимоячидан кочиш ва ҳужум уюштириш учун қулай вазият ва жой танлаши керак. Тұп билан ҳужум қилаётгандың ҳимоянинг заиф жойини топиш ва саватта тұп ташлашни қулай вазияти ва жойни танлаш керак.

Гурух ҳолдаги ҳужум тактикаси: Баскетболда янги ташкил ҳимояни бузиб кириш бир ҳужумчига катта қийинчилик туғдиради. Шунинг учун бундай ҳимояларда гурух ҳолдаги ҳужум тактикаси құлланилади. Гурух ҳужумларини икki ва үндән ортиқ ҳужумчилар уюштирадилар. Гурух ҳужумлари жуда хилма-хил ва вазиятта қараб үзгариб боради. Гурух ҳужумларини күринишлардан бир түсік күйишдір. Бу үсулда бир ҳужумчи тұпсиз ҳолда ҳимоячини олдини тұсади. Унинг ортидан эса бошқа ҳужумчи тұп билан ҳужум уюштиради. Түсік қүйишнинг ҳам күп үсуллари бор. Тұп олиб юришда тұсіб қўйиш, якка ҳолда ҳужум килиб тұсіб қўйиш, шерикни түсік ҳолатда ҳужум қилиш ва ҳоказо.

Тезкор ҳужум: Бу ҳужум усули гурухнинг ҳужумдаги тактик ҳаракатларидан бүйлаб ҳимоячилар шит остида тұпни олиб қўйишганды ёки саватта тұп тушиб янги үйин бошланаётганды тезкор ҳужум уюштирилади. Тұпни әгаллаб турған үйинчи рақиб майдонида қолган ҳужумчига ёки тезда ҳужумга отилиб чиққан үйинчиға тұпни етказиб беради. Бу үсул якка ҳолдаги тезкор ҳужум ҳисобланади. Гурух ҳолдаги тезкор ҳужумда икki ва үндән ортиқ ҳужумчилар үз майдонида тұпға әгаллек килишгандан сүңг зудлық билан рақиб томон отилиб чиқишиб ҳужум уюштирадилар. Тезкор ҳужумнинг самараси барча үйинчиларни яқдиллик билан ҳаракатланиши, тұп узатышларни аник бұлиши, ҳужумга яқин ва тез йўл билан эришиш, тұп узатышда майдоннинг бутун көнглигидан фойдаланишга боғлик бўлади.

Йўналишдаги ҳужум: бу ҳужум усули барча үйинчиларни үзаро келишган ҳолда ва мувофиқликда ҳужум уюштиришидір. Улар қандай ҳолатда ҳимояда турсалар шундай ҳолатда йўналишиб ҳужум уюштирадилар. Беш кишилик ҳимояни якка ҳолда ва гурух ҳолатида ҳужум билан бузиш қийин бўлғанлиги сабабли беш кишилик йўналишдаги ҳужум усуслари ҳам үзгартырилиб борилади. Йўналишдаги ҳужумда үйинчилардан жисмоний тайёргарлик ғалаб әтилмайди. Аксинча техник ва тактик тайёргарликнинг устунлиги лозим бўлади. Шу билан бирга бу ҳужумда ҳар бир үйинчи үзининг

шахсий кобилиятларини намоён қилиш имкониятига эга бўладилар. Йўналишдаги хужум тайёргарлик, хужумчиларнинг сонини ортиш ва хужумни якунлаш фазаларидан иборат бўлади. Йўналишдаги хужумда бўйи узун ўйинчидан фойдаланиш усулида барча ўйинчилар хужум якунидаги тўпни бўйи узун ўйинчига оширадилар. У хужумни якунлаб саватга тўпни ташлайди. Йўналишдаги хужумни марказий ўйинчи орқали якунлаш усулида марказдан харакатланувчи хужумчи ҳимояини ёриб кириб хужумни якунлайди.

Ҳимоя тактикаси: Ҳимоя тактикасининг мақсади хужум ҳаракатларига тўскенилик қилиш ҳамда саватга тўп тушишини олдини олиш. Бунинг учун хужумнинг дастлабки вақтидаёқ тўпни олиб кўйиш ёки хужумчиларга ҳар қандай ҳолатда ҳам саватга тўп ташлашларига тўскенилик қилиш.

Якка ҳолдаги ҳимоя тактикаси: Бу усулда ҳимоячи тўп билан ҳаракатланаётган хужумчи. Тўпсиз хужумчи, қулай вазиятдаги хужумчиларга қарши ҳаракатланади. Бу ҳимоя усулини самараси хужум ўюнтирилиши мумкин бўлган жойларни тўгри танлашга боғлиқдир. Якка ҳолдаги ҳимоя усулида ҳимоячи кўп ҳолатда марказда ҳаракатланади. Баъзан хужум қайси томондан бўлишига қараб шу томондаги ҳимоячи олдинга отилиб чиқади. У хужумчи ни тўсиш ва чиқарилган тўпни эгаллаб олиш учун ҳаракат қиласи.

Гурух ҳолдаги ҳимоя тактикаси: бу ҳимоя усулида ҳамма ҳимоячилар ўзининг зонасида хужумчиларни кутиб олиш шу зонада хужумчилар ҳаракатини бартараф қилиш ва тўпни эгаллаб олишга ҳаракат қиласи. Бунда ҳимоячига ёрдам бериш усули ҳам кўлланилади. Бунинг учун кучли хужумчини кўриқлаётган ҳимоячи ортидан яна битта ҳимоячи ҳаракатланади. Шу билан бирга хужумчини икки ҳимоячи билан кўриқлаш усули ҳам кўлланилади. Жарима тўпи ташлашда ва саватга ўюнтиришда ҳам ҳимоячиларнинг тўпни эгаллаб олиш учун кураши муҳим рол ўйнайди. Бунинг учун шит остида тезкор ва чакқон ҳаракат қилиш ҳамда хужумчиларни ҳаракатларини чеклаб қўйиш зарур бўлади.

Шахсий ҳимоя: бу усулда ҳимоячи хужумчини ўз майдонининг барча жойларида кўриқлаб юради. Уни ҳаракатланишларини чеклаб ундан тўпни олиб қўйишга ҳаракат қиласи.

Прессинг: ҳимоянинг бу усулида хужумчи бутун майдон бўйлаб якка ҳолда кўриқланиши ёки барча ўйинчиларни майдонда якка ҳолда кўриқланиши таъминланади. Ҳаракатлари чекланган хужумчилар тўп оширишда ва хужумда хатога йўл қўядилар. Шунингдек, ҳимоянинг жарима майдонида ташкил этиш усули ҳам бўлиб, бу усулда жарима майдонига кириб келаётган хужумчиларни хара-

катларига тұсқынлик қиладилар ва тұпни әгаллаб олишга ҳаракат қилинади.

Зоналарда ҳимоя: Ҳимоянинг бу усулида майдон бир неча зона-га бұлинади ва ҳимоячилар шу зоналарға бириктириліб, у зонага киргаш хужумчиларнинг ҳаракатларига тұсқынлик қиладилар. Шу билан биртә zonадаги ҳимояны прессинг усулы ҳам қулланилади. Аралаш ҳимоя усулида бир вактнанғ үзінде шахсий ҳимоя зона-даты ҳимоя усулынан қулланилади. Баскетбол үйинінде ҳимоя усулынан ҳимоячилар хилма-хил бұлып уларнинг вазифаси хужумларни бартарағ әтиш тұпни әгаллаб олиш ҳамда тезкор ҳужум уюштириши диди.

ФУТБОЛ



Футбол –халқ севған үйин. Футбол қадым замонда пайдо бўлган, озгина бўлса ҳам футболга ўхшаш тұп үйини 1800-йилда тилга олинди. 1913 йилда Англия подшоси Эдуард 2 шахар ичкарисида футбол үйнашни таъқиқлади. Италияда футбол биринчи бор 1400 йилда тилга олинган. Оёқда тұп үйнашни биринчи галда инглиз колледжларида 1863 йили футбол ассоциацияси тузадилар ва юмалоқ тұпни фақат оёқда үйнашни расмий қарор қиладилар. Шундай қилиб, 1863 йилда футбол үйини вужудга келди. футбол ватани –Англия. Футбол сүзи инглизча бўлиб, фут –оёқ, бол–тұп деган маънени билдиради. 1900 йилда Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) тузилди. Хозир унинг таркибида 202 мамлакат бор. 1954 йилдан бери Европа футбол Иттифоқи УЕФА билан ҳам биргаликда шылаб турибди. Үнга 34 та мамлакат альзо, 1960 йилдан Европада хар 4 йилда миллій терма жамоалар турнири ўтка-

зиладиган бўлди. Ҳар йили 18 март футбол байрами куни нишонланади.

Дарвоза: Футбол дарвозаси узунлиги 732 см горизонтал ва баландлиги 244 см иккита вертикал устунлардан иборат. Дарвоза устунларининг диаметри 12 см ташкил қиласиди. Дарвоза ерга ўрнатилган, вертикал устунлари кўмилган. Дарвозанинг орқасида вертикал устунларда мустахкамлашиб тўпни ушлаб қолувчи тўр 60-100 см нарига тортилади. Аслида футбол дарвазаларининг устуни бирданига пайдо бўлмаган. Авваллари тўп баландлигидан қатъий назар икки тўсин ўртасидан ўтса гол хисобланган. Бироқ, айрим ҳолатларда дарвоза ишғол этилганлиги борасида ўзига хос мушкулликлар туғилган. Натижада, икки устунни бирлаштирувчи арқон (ип) тортилган. Бундай дарвозали учрашув илк бор 1866 йили ўтказилган. Орадан тўккиз йил ўтиб эса арқон ўрнини устун эгаллаган.

Тўп: бу ўйинда қўлланиладиган спорт анжоми. У қатъий думалоқ шаклида бўлиб, юқори сифатли чармдан тайёрланади. Тўпнинг вазни 410-450 гр. Унинг айланаси 68-70 см. Ҳар бир расмий ўйин олдидан ҳакам тўп вазнини, қолип орқали айланасининг тўғрилигини текширади. Тўпнинг ранги турлича бўлиши мумкин. Агарда футбол майдони корли бўлса –корамтири (тўқ сарик ёки қизил) тўпда, оддий вазиятларда эса қора аралаш оқ, оқ рангли тўпларда ўйнаш тавсия этилади. Қандай тўпда ўйнашни ҳакам танлайди. Тўпнинг атмосфера босими 0,6-1,1 гача.

Байроқлар: Футбол майдонининг бурчакларида ва ён чизиқларининг марказида байроқлар ўрнатилади. Улар 4 бурчакдаги байроқларни ва ён чизиқларнинг марказидан 1 м оралиғида 2 байроқдан иборат. Байроқ ёғочининг баландлиги 1 м 50 см. байроқ ранг-баранг ёки спорт жамият эмблемаси билан тайёрланиши мумкин.

Майдон: Табиий чим босилган, ҳажми 90x110 м. Чизиқлар қалинлиги 12 смгача. Майдон ҳимоя, ҳужум ва дарвозабон майдонларига бўлинган.

Асосий қоидалар: тўпни атайлаб қўл билан ушлаш, ҳужум ва ҳимояда қўпол ҳаракатлар қилиш таъкидланади. Майдонда 10 ўйинчи ва бир дарвозабон булади. Уларнинг нечтаси ҳимоячи ва ҳужумчи булишлари ўйин тактикасига мувофиқ белгиланади. Матч 2 тайм давом этади. Ҳар бир тайм орасида 15 минут танаффус берилади. Захирадаги ўйинчиларни ўйинга туширишга рухсат этилади. Ўйинни Арбитр бошқаради. Кубок турнирларида ўйинларда дурант хисоби кайд килинса, болибни аниқлаш максадида 30 дақика (15 дақиқадан икки бўлим) лик қўшимча вақт берилади.

Футбол ўйини техникаси: Футбол ўйин техникаси футболчининг

техник маҳорати. Тұпни бошқара олиш жуда мұхим сифат, аммо тұп билан муносабатда бўлиш ўкув ва кўнікмаларни ўзлаштириб олиши учун ўйинни тушуна билиш қобилиятини ҳам тарбиялаш керак. Футболда тұпни тепиши техникасини ўзлаштиришда фақат учта техник усул ва уларнинг қўшилмасини бажаришни ўрганиб олиши керак:

1. Оёқ юзининг ички ва ташқи қисмларидан тұп суриш.
2. Югуриб келиб оёқ юзининг ўртаси билан тұпни тепиши.
3. Тұпни оёқ юзининг ички томони билан тұхтатиши.

Тұп олиб юриш ва тепиши усуллари: Футболчининг асосий техник ҳаракатлари ҳисобланиб, у юриб югуриб тұп олиб юради. Шунингдек тұп олиб юришда алдов ҳаракатларини ҳам қўллади. Ҳужум уюштириш ва ҳимоя вақтларыда ҳамда дарвозага йўналтириб тұпни тепиши ҳаракатлари бажарилади. Футболда тұп тепиши ҳаракатлари жуда ҳилма-ҳил бўлиб вазиятга қараб ўзгартырилиб туради.

Оёқ учлари ташқи ёни билан тұп олиб юриш майдонда югуриб ёки ҳаракат қилиб, оёқ учларининг ташқи ён қисми билан кетма-кет тұпни тепиши билан амалга оширилади. Тұпни олиб юришнинг бу услуби универсал бўлиб, тұғри чизик ва ҳаракат йўналишини осонгина ўзгартыришига имкон яратади.

Оёқ юзаси билан тұп олиб юриш: Футбол майдони бўйлаб тұпни оёқ юзаси билан кетма-кет тұпни тепиби бу усул техникаси оширилади. Бундай тұпни олиб юриш усул техникаси спортчилар томонидан тұрт чизикли ҳаракатларда бажарилади.

Оёқ юзаси ён томони билан тұп тепиши: Бундай усул тұпни яқин масофада мўлжалга тепиши ва тұпни ўртаса ҳамда қисқа оралиқда узатишида қўлланилади. Бунда мўлжал, тұп, югуришни бошланиши ва югуриб келиш бир чизикда пайдо булади. Югуриб келишда югуриш қадамининг силтөв кучи ёрдамида тиззанинг букилиши ва тепадиган оёқнинг олдинга ёзилиши ҳамоно зарб билан тепиши ҳаракати бошланади. Тұпни йўналишга нисбатан мускуллари таранглашган оёқлар ташқарига бурилган, тепишида оёқ тұғри бурчак ҳолда булади.

Оёқ кафти ташқи ва ён томони билан тұп тепиши: Бу усул узок ва ўрта оралиқдан тұпни узатишида қўлланилади. Тұпни ҳилма-ҳил тепишларда бажарилиш ҳаракатлари күпроқ қўлланилади. Зарба бериш вақтида тұп билан тизза бўғинини туташтирилган шартли чизик қатый тик ҳолатда булади. Тұпни тепиши пайтида оёқ кафти ва болдири ички томонга бурилади ва тұпга оёқ кафтининг бир мунча тегадиган ҳолатда бажарилади.

Оёқ уни билан тұп тепиши: Бу усул кутилмаган пайтда ва қисқа

вақт ичидә құлланилади. Шунингдек узок ва ўрта оралиқларда құлланилади. Айникса түпни дарвозага тепиши самара лироқыдир. Түпни тепишида мүлжал, түп ва югуриб келиш бир чизиқда бұлади. Тепиши пайтида оёқ учлари озгина күтариған. Оёқ учидә зарба бериш жуда кам бұлғани учун бу усул айникса думалаб келаётган түпни тепишида суст аниқликка әгадир.

Товои билан түп тепиши: Бу усул қисқа оралиқда түпни узатишида құлланилади. Бу гепишининг қадр-қиммати рақиблар учун тұсатданлиги, күтилмаганлигидир. Оёқ тебраниш учун олд томон түп устида үткәзилади ва оёқни орқага кескин ҳаракат қилиш билан тепиши амалға оширилади. Түпни тепиши вақтида оёқ кафти ерга параллел бўлиб, оёқ мускуллари таранглашган.

Түпни ердан сапчиған вақтида тепиши: Түп ердан сапчиған вақтларда тепиши бажарилади. Тепишини оёқ кафти юзасининг ўрта ва ташқи қисми билан бажариш максадга мувофиқидир. Зарб ҳаракати түп ерга тушмасидан олдин бошланади ва түп ердан сапчиши билан дарҳол тепилади. Тепиши вақтида болдир қатый тик ва оёқ кафти максимал ёзилган бўлади.

Түпни бош билан ўйнаш: футболда хужум ва ҳимоя усулларида түпни бош билан ўйнаш рухсат этилади. Бош билан ўйнаш усуллари хилма хил хужум вақтида кўплаб қўлланиши мумкин.

Пешона билан түп уриш: Бу усулни бажариш учун бош ва гавда орқага энгашади. Түп ўйинчининг кўз назоратида бўлиши учун бошни орқага энгаштириш мумкин эмас. Гавда ва бош юзада бўлган ҳолатда уриш бажарилади. Бу ҳолатда бош ҳаракатлари энг юқори тезликка эга бўлади, бу катта куч билан уришни таъминлайди. Пешона билан түп уриш усули сакраб ҳам бажарилиши мумкин. Бу усул бир оёқ ёки иккى оёқ билан депсиниб сакрагандан сўнг бажарилади. Қўллар тирсакларда букилган ҳолда олдинга тахминан кўкрак сатхигача ҳаракатланади. Энг юқори сакраш нуктасига эришганда түп урилади.

Пешона ён томони билан түп уриш: Бу усул түп ўйинчининг ён томонидан учиб ўтишида ва пешона ўртаси билан түпни уришга имконият бўлганида қўлланилади. Түпни уришда оёқлар очилган бўлиб гавда түп йўналишига қарама-қарши энгашади. Тўпнинг урилиши пешона дўмбоғ қисмига тўғри келади.

Тўпни тўхтатиш усуллари: узатилган тўпни оёқ, бош, кўкрак билан тўхтатиш усуллари ҳам футболчиларнинг асосий техник ҳаракатларидан бири саналади. Тўғри тўхтатилган тўп ўз вақтида ва самарали хужум уюштиришга замин бўлади.

Оёқ таги билан түп тўхтатиш: Бу усул тушаётган ва думалаётган тўпни тўхтатиш учун қўлланилади. Тўпни қабул қилувчи ўйинчи-

нинг дастлабки ҳолатда таянч оёққа тана оғирлигини ўтказиб, тўпга қараб туради. Тўпни тўхтатувчи оёқни тўп томон чиқилади. Оёқ учлари юкорига кўтарилган. Оёқ кафтнинг таги тўпга тегиши билан ён берувчи ҳаракат бажарилади.

Оёқ кафти билан тўп тўхтатиш: Гушаётган ва учәётган, думалаётган тўпларни қабул қилишда бу усул қўлланилади. Бу усул билан тўпни тўхтатишда оёқ кафтининг катта қисми қатнашиши борасида ҳам амартизацион хусусиятлари билан юқори ишонч ҳосил килади. Дастлабки ҳолат тўпга қараган ҳолда тўғри туриш. Тизза бўғинларида озгина букилган таянч оёққа тана массаси ўтказилган. Оёқ панжалари ва тўп тўқнашиши вактида оёқни орқага таняч оёқ олдига олиб келинади. Оёқ панжаларининг ички ўрта қисми тўхтатувчи қисми ҳисобланади.

Оёқ юзаси билан тўп тўхтатиш: Бу усул кенг тарқалган бўлиб, паст учб қелаётган ва ўйинчи олдига тушаётган тўпни тўхтатиш учун қўлланилади. Юқори йўналишидан тушаётган тўпни тўхтатиша оёқ панжаларининг юзаси ерга параллел ҳолатда бўлади.

Кўкрак билан тўп тўхтатиш: Бу усулни бажаришда олдин ўйинчи тўп томон қараб турган бўлиб дастлабки ҳолатни олади. Кичик қадам кенглигида оёқлар очилган, кўкрак олдинга чиқарилган, қўллар тирсакларда эгилган ҳолда пастга туширилади. Тўпни учиш йўналиши ва тезлигини аниқлаш ҳамда ўз вактида эгилувчи ҳаракатни бажариш бу усулни қўллашда жуда зарур.

Бош билан тўпни тўхтатиш: Тўп асосан пешонанинг ўрта қисми билан тўхтатилади. Ўйинчининг дастлабки ҳолати кичик қадамда бўлиб тўпга томон қараб туриш. Тўп яқинлашган сари тана массаси орқада кўйилган оёққа ўтказилади ҳамда бош ва гавда орқага энгашади.

Дарвазабон ўйини: дарвоза дахлсизлигини таъминлаш билан бирга, дарвазабон майдонда ҳамма ўйинчиларни нафакат кўриш, уларни кузатиб туриши лозим. Айниқса, тўп билан ўйнаётган спортчини, тўпнинг тепилишини, йўналишини куриш ва сезишиб керак. Булардан ташқари футболчиларнинг ўйин техникасини, тактикасини ва тайёргарлигини дарвазабон билиши ҳам шарт ва мақсадга мувофиқдир, жамоанинг ютуқлари дарвазабон ўйин маҳоратига боғлиқдир. Шунинг учун дарвазабондан катта жисмоний, техник ва тактик тайёргарликни талаб этилади.

Дарвазабоннинг асосий ҳолати: Техник усулларининг самарали бажарилиши кўпинча дарвазабоннинг ҳаракатига тайёргарлигидан аникландади. Бунинг учун дарвазабоннинг ҳар хил ҳаракатларини бажаришдан олдинги дастлабки ҳолат асос бўлади. Бу эса оёқлар тизза бўғинларида озгина букилган, оёқлар елка кенглиги-

да очилган. Тирсакдан букилган күллар күкрак сатхидан олдинга узатилган құл кафтлари ички томон ва олдинга қаратилған. Бармоклар кенгрөк очилған. Түғри дастлабки ҳолат түпгә сакрашда, йиқилишда, қадамлаб юришда, умумий марказ нұктасини тезда таянч ҳолатидан ташқарига ўтишда имконият яратади.

Юмалаб келаётған түпни илиб олишда, дарвозабон олдинга энгашиб құлларини пастта туширади. Түп билан түқнашиш вактида дарвозабон уни тағидан күтариб олади. Туширилған құллар массаси ва уларни әгилиш амартизацион харакат ҳисобида түпнинг тезлиги сусаяди. Сұнг дарвозабон гавдасини түғрилаб күтарила-ди.

Учиб келаётған түпни илиб олишда, бармоклар озгина букилған ва бұшаشتырилған. Оёклар озгина тиззапарда букилған ва гавда олдинга энгашади. Түп билан түқнашишганда дарвозабон уни бармоклар билан ушлаб гавдани олдинга энгашиши ва оёкларни түғрилаш ҳисобига олған ҳолда орқага әгилувчи харакат бажарылади.

Үрта баландликдаги түпни ушлашда гавда олдинга күпроқ энгашади. Құллар тирсакларда енгил букилиб, құл кафтларини түп рұпарасига қаратиб олдинга узатилади. Дарвозабон құллари түп билан түқнашиши заҳоти құл бармоклари билан пастдан ушлаб тезда уни қорнига тортади, иккала оёқ билан тепсиниб, құлларни учеб келаётған түпгә узатиб, пастдан уни ушлаб тезда күкрак ёки қорнига тортади, сұнг ярим букилған ҳолда учеб келаётған түпгә узатилади. Құллар түп билан түқнашганда әгилувчи харакат қилиб түпни қорнига тортади. Сұнг түғриланади ва үйин шароитига биноан харакатни бажаради.

Сакраб түпни ушлаш түпни учиш йұналишига биноан бир ёки икки оёқ билан депсиниши бажарылади, құллар тирсакларда озгина букилған ҳолда олдинга учеб келаётған түпгә қарши узатила-ди. Қул кафтлари түпгә қаратилған булиб, түпни күкраги олдига тортади. Дарвозабон түпни ушлагандан сұнг озгина букилған оёқла-рига тушади.

Ен томондан түпни ушлаш усули дарвозабон ён томонидан үрта йұналишда учеб келаётған түпни ушлашда құлланилади. Құллар түпни учиш томонига қараб узатилади. Құл бармоклари салгина букилиб кафтлари кафтларига параллел бўлади. Сұнг түпни икки қўдлаб устидан ушлагандек ҳаракатлар бажарилади.

Йиқилиб түпни ушлаш: дарвоза томон аник ва тусатдан зарб билан тепилған түпни ушлаб йиқилиш дарвозабон учун энг ишончи усул булиб ҳисобланади. Бу ҳаракат түпни учиш томонига тез қадамлаб ёки чалкашма қадамлар куйилишидан бошланади. Сұнг

түпни йұналишга яқин турған оёқ билан депсиниб түпни ушлаш томонға ғавда әнгашылади. Дарвозабон учынан фазада түпни ушлашни амалға оширади. Түпни ушлагандан сұнг дарвозабон ғужанак бұлади. Вазн оғирлигининг кучи таъсирида йиқилиш содир бұлади.

Түпни дарвоза тепасидан ұтказиш: дарвозабон баланд учеб келаётган түпни икки құл билан дарвозанинг юкори устун тепасидан ташқарига узатиб юборади. Бу катта тезлик билан асосан дарвозабон устидан ёки унинг ён томонидан учеб келаётган түп. Түпни ташқарига узатиб юбориш бир ёки икки құл билан амалға оширилади. Дарвозабон баланд сакраб бурчак ҳосил қылған құл кафтини учеб келаётган түпга қарши құйилади ва түп унга тегиб учынан йұналишини үзгартыриб дарвозанинг юкори тепасидан ұтади.

Түпга ташланиш: Бу усул химоячилардан рақиб түп билан үтиб дарвоздага яқынлашғанда құлланилади. Дарвозабон рақибнинг оёғига ташланиб түпни олиб қўйишга, уни уриб юборишга ёки түпни дарвоздага үтиш йўлини тушибашга интилади. Рақибнинг рўпарасига кескин ҳаракат килишдан сұнг унинг оёғига ташланиш бошланади. Сұнг рақибгача бўлған оралиқни ҳисобга олиб дарвозабон түпга ташланишини бажаради. Рақиб оёғига түпга кўкрак ва қўллар билан ташланишида уни олиб қўйиш мумкин.

Түпни уриб юбориш: ғавдани буриш билан урадиган қўл муштими тирсакларда букилган ҳолда орқага тебратилишидан бошланади. Тарапглашган қўлнинг кескин тўғирланиши билан ва ғавданинг бурилиши билан уриш ҳаракати бошланади. Муштнинг түп билан тўқнашиши қўлни уриш тўғирлашидан олдинроқ бұлади. Түпни уриш бармоқларининг бирини бўғимига тўғри келади.

Муштлар билан уриб юбориш. Дастреки ҳолат –қўллар тирсакларда букилиб ва кўкрак олдида бўлиб, бармоқлар мушт бўлиб бирга қаратылган. Тарапглашган қулларни бир вактда кескин тўғирлаб иккى мушт билан түпни уриб юбориш бажарилади. Уриб юбориш турған жойиша ва сакраганда амалға оширилиши мумкин. Сакрашда энг юкори нуктага етганда түпни уриб юбориш амалға оширилади.

Түпни үйинга киритиш: дарвозабон түпни үйинга киритишда түпни пастдан ташлаши мумкин. Түпни тагидан бармоқлар билан ушлаб турған қўл пастга туширилади. Сұнг дарвозабон тебраниш учун қулинин орқага узатади ва тана массасини олдинда турған оёқка олиб ұтади. Түп билан қўл ерга параллел бўлған ҳолда олдинга шиддатли ҳаракатда бұлади. Ғавда олдинга әнгашади. Түп қулининг учига тегиши билан мұлжал томон интилади.

Тепадан ташлаш: Түпни шеригига турли йұналишда, ҳар хил оралиқда ва етарлича аник узатышга имкон яратади. Дарвозабоннинг ярим букилган ва очилган бармоқлари билан кафтида эркін

ётган тўпни ушлаб туради. Тўп тирсак бўғинларида букилган қўлда тебраниб ён томидан орқага ва юқорига бош сатхича кўтарилиган. Гавда ҳам шу томонга бурилади. Гавдани бурилиши ва орқада турган оёқни тез қўлни тўғирлаш ҳаракати қилиш керак. Таашлаш бармокларни шиддатли ҳаракати билан якунланади.

Дарвозабон тактикаси асосий вазифаси бевосита ўз дарвозасини ҳимоя қилишдир. Бунда «дарвоздаги ҳаракатлар» билан «дарвоздан чиққандаги ҳаракатлар» ни ажратиб қўрсатиш мумкин. Рақибнинг якунловчи зарбаларидан дарвозани бевосита ҳимоя қилишда дарвозабон қўйидагиларга риоя қилиши керак:

1. Жой танлаш. Тўғри танланган жой дарвозабонга энг кам куч сарфлаб, рақиблар дарвозага йўналтирган тўпларни ишончли қабул қилиб олиш имконини беради.

2. Қайси хужумчи қандай йўналишда зарба беришини билиш.

Ҳаракат усулини танлаб олиш дарвозабонга берилган зарбани бир ёқлик қиласидан техник усулни тўғри ижро этиш имконини беради. Бунда дарвозабон қўйидагиларни эътиборга олади. Дарвоздаги ўз вазиятни, тўпнинг учиш траекториясини, зарба кучини, яъни тўпнинг учиш тезлиги, ўз ўйинчилари ва рақиб ўйинчилари қандай жойлашганини майдон ва тўпнинг аҳволи.

Ўйндаги аҳвол дарвозабонни кўлинча дарвозани ташлаб чиқиб, жарима майдонига ҳаракат қилишга мажбур этади. Бундай ҳолларда дарвозабон ё жарима майдони доирасига йўналтирилган тўпларни тутиб қолади, ё бўлмаса, тўпни қўлга киритиш учун рақиб билан яккама-якка кураш бошлайди.

Дарвозабоннинг хужумдаги ҳаракатлари. Ўйин вактида тўпни қўлга киритгандан кейин ёки дарвоздан тепиши хукуқини олгандан кейин ўз жамоасининг хужум ҳаракатлари бошлангич босқичини уюштириб бериши дарвозабоннинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Дарвоздан тепишида хужум уюштиришнинг икки хил варианти бор.

1. Дарвозабон тўпни ҳимоячилардан бирига, кўпроқ қанот ҳимоячисига оширади.

2. Тўпни очилган шериклардан бирига узатиб бериш. Дарвозабон тўпни қулай вазиятга чиқиб очилган шерикларидан бирига оширади. Тўп қанча узок масофага узатилса, хужум шунчалик тез ривож топа олади.

Жавоб ҳужумлари: Ўйин вактида тўпни қўлга киритгандан кейин дарвозабон уни қўли билан узатиб, жавоб ҳужуми ҳаракатлари бошлаб беради ёки оёқ билан тепиб узатади.

Үйинчилар фаолиятини бошқариш: Дарвозабон үйин вазиятини тезгина баҳолаб қандай жойлашиб олиш тұғрисида шерикларига қисқа ва лұнда күрсатма бериши шарт. Бу ишни ўзи тұпни эъти-бордан четда қолдирмай, ҳатто ўзи кураш олиб бораётган пайт-ларда ҳам қилиши керак. Мудофаанинг мухим ва мустаҳкам бұли-ши күп жиҳатдан дарвозабон билан химоячиларнинг бир-бирла-рини ҳиҳоятда яхши тушунишларига боғлик. Бевосита дарвоза яқинида жарима ёки әркін түп тепилганды, бурчакдан түп тепиши-да «девор» ясашга дарвозабоннинг ўзи бошчилик қиласы.

Футбол үйини тактикаси: тактикадаги асосий вазифа хужум ва химоя ҳаракатларининг мақсадға эриштира оладиган әндегі кулай восита, усул ва формаларини белгилашдан иборатдир. Футбол матчи күп марталаб хужумдан ҳимояға ва ҳимоядан хужумға ўтишдан иборат бұлғаны учун ҳам, табиийки, ҳар қайси жамоанинг хужум ва ҳимоя ҳаракатлари уюшган бұлиши керак.

Финт-алдов ҳаракатлари: финт түп тепишида, олиб юришда, хужум ва ҳимоя усуулларида құлланилади. Үйинчи, ракиб түпнин орқа, ёнидан олиб құймокчи бұлғанда түпни босиб ва босмасдан финт құлланилади. Үйинчи кейин югурғанда түпни суришни бажариб ра-қибдан узокрок турған оёқ кафти билан түпни босиб таянч оёғини унинг орқасига құяды. Бу билан үйинчи мохирона түпни ёлғон тұхтатишни курсатади.

Ҳимоя тактикаси: шахсий, гурух ва жамоа тактикалари бўлиб бунда ҳимоячилар асосан түпни олиб қўйиш, қўриқлаш усууллари-ни қўллайдилар.

Ҳамла қилиб түпни олиб қўйиш усули 2 м дан ортиқ оралиқдаги түпга эга бўла олишга имконият яратади. Үйинчининг орқасидан ёки ён томонидан амалга оширилади. Хужум қилаётган үйинчи, ракиб билан яқинлашиб, йиқилишда оёғини олдинга узатиб түп билан бўлган үйинчи томон ўт устида сирғаниб боради.

Елка билан туртиб түпни олиб қўйиш: Ушбу усул яккана-якка курашда куч ҳаракатларга киради. Шунинг учун бундай ҳаракат-ларда рухсат этилған қоидаларга катыйирилғанда килиш зарур. Фак-атгина үйинда үйинчи елкаси юқорисини туртиш рухсат берилади.

Йиқилиб түп олиб қўйиш: Бу усул үйинчидан иккى метрдан ортиқроқ масофадаги түпни олиб қўйиш имконини беради ва ён ёки орқа томонидан бажарилади. Хужумчи ракибга яқинлашиб, унинг оёқларига сирпаниб йиқилади ва ундан түпни олиб четлаши-тирилади. Натижада түпни йұналиши бошқа томонға ўзгаради.

Ҳимоя усууллари. Прессинг: ҳимоячилар ўзига бириктирилған хужумчини бутун майдон бўйлаб якка ҳолда қўриқлаши ёки фа-қат ўзининг майдонига киргандагина қўриқлаши билан амалга

оширилади. Бундай қўриқлаш усуллари якка ҳолда ва жуфтликда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шахсий ҳимоя усуллари: бу усулда ҳимоячи хужумчини ўз майдонининг барча жойларида қўриқлаб, уни тўп билан бўлган ҳаракатларига тўсқинлик қилади. Уни тўп олиб қўйишга ва унга доимо тазийк ўтказишга ҳаракат қиласди.

Гурух ва жамоа ҳимоя усуллари: ҳимоянинг бу усулларида майдон зоналари бўйлаб ҳимоячилар хужумчиларни кутиб оладилар, ўз зоналарида уларни ҳаракатланишга, тўп чиқариш ва зарба беришга йўл қўймайдилар. Шунингдек уларни хужумда хатоликларга йўл қўйишга мажбур қиласдилар. «Сунъий ўйиндан ташқари ҳолат» яратадилар. Барча ўйинчилар узаро келишган ҳолда рақиб хужумчиларини олдинги чизиқда тўпсиз ҳолда қолдириб кетадилар.

Хужум тактикаси тўп ихтиёрида бўлган жамоанинг рақиб дарвозасини забт этиш учун қиласдиган ҳаракатларни ўюштириш тушиналади. Хужум ҳаракатлари тузилишининг хилма-хиллиги, хужум ривожи суръатининг, асосий ёриб ўтиш йўналишининг ўзгартирилиши, ниҳоят, яккана-якка кураш, техник усулларнинг хилма-хил бўлиши –буларнинг ҳаммаси ҳужумни барбод этишга интилаётган ҳимоячиларни ниҳоятда қийин аҳволда қолдиради. Хужумдаги ҳаракатлар шахсий ҳаракатларга, гурух ҳаракатлари ва жамоа ҳаракатларига бўлинади.

Ҳужумда шахсий тактика бу футболчининг муайян мақсадни қўзда тутган ҳаракатлари, унинг мазкур ўйин вазиятида бир қарорга келиш мумкин бўлган бир қанча имкониятлардан энг тўғрисини танлай билиш, футболчининг тўп ўз жамоасида бўлганда рақибнинг дикқат-эътиборидан четга чиқа олиши, ўзи ва шериклари учун ўйнайдиган бўш жой топиши ҳамда пайдо қила билиши, керак бўлиб қолган тақдирда эса ҳимоячи билан курашда ютиб чиқа олишига асосланади. Тўпсиз ҳаракатлар қуидагилардан очилиш, рақибни чалғитиши ва майдоннинг айрим кисмида ўйинчиларни сон жиҳатдан ортиқлигини яратишдан иборатдир.

Очилиш –бу футболчининг шерикларидан тўп олиш учун шароит қулай бўладиган жойга ўтиш. Моҳирлик билан очилиш учун ҳужумчи у ёки бу вазиятининг қанчалар қуайлигини жуда яхши баҳолай оладиган бўлиши керак. Муваффакият кўп жиҳатдан ҳужумчининг тўп қабул қиласдиган вазиятга қанчалар тез чиқиб олишига ва тўп олгандан кейин қандай ҳаракат қилишига боғлик.

Манёвр қилиш –бу футболчининг очилиб чиқиши ва рақибни чалғитиши ҳаракатларининг кўп марталаб жой алмаштириши. Ҳамма ҳаракатларнинг натижаси, пировардида матчнинг қандай туга-

ши, ўйинчилар қанчалар тўғри вазият танлашга, айни пайтда тўпни дикқат-эътиборидан четда қолдирмай футболчига шерикларидан қанчаси ўзини «таклиф этиши»га боғлик.

Рақибни чалғитиш –бу шерикларига шахсий ҳаракат учун қулай шароит яратиб бериш мақсадида футболчининг ҳаракатланиши. Қўриқчисини эргаштириб кетиш мақсадида маълум зонага сохта ҳаракатлана бориб, ё тўпи бор ўйинчининг, ёки дарвозага бевосита хавф солиш учун қулай вазиятда турган шеригининг бемалол ҳаракат килишни таъминлаб бериш яхши манёвр ҳисобланади.

Финтлар: Зарба бериб финт қилиш. Тўпи бор ўйинчи ҳимоячига яқинлаша туриб, унга 3-4 м қолганда, гўё тўпни шундоққина рақибга тепмоқчидек оёгини қаттиқ орқага тортади. Рақиб зарба тегишига чоғланиб одатда, ўйинчи ёнидан ўтиб кетганига тез эътибор беролмай қолади.

Кочиб қолиб финт қилиш. Тўпи бор ҳужумчи тўппа-тўғри ҳимоячига қараб кетаверади. Орада 2-3м масофа қолганида ҳужумчи чап томонга кетмоқчидек ҳаракат қиласида-да кейин максимал тезликда ҳимоячининг ўнг томонидан айланиб ўтиб кетишига ҳаракат қиласида.

Тўпни тўхтатиб финт қилиш. Тўпи бор ўйинчи изма-из келаётган ҳимоячи етиб олаётганини кўриб, тезлигини бир оз камайтиради. Орада 1,5-2 м масофа қолганда ҳужумчи тўпни тўхтатади, кейин эса илгариги йўналишда максимал тезликда ҳаракатни давом эттиради.

Дарвозани мўлжаллаб зарба бериш. Бу барча ҳужум ҳаракатларини амалга оширишнинг энг асосий воситаси ҳисобланади. Ана шу ҳаракатлар тактик жиҳатдан моҳирона ишлатилмаса, жамоанинг ютиб чиқишга қаратилган барча урнишлари зое кетади. Ўйинчи турли усусларда зарба беришни билиши керак. Дарвозани мўлжаллаб кала билан зарба беришни билиш ниҳоятда муҳим чунки тўп ҳаволатиб узатилганда ҳужумни якунлаш учун бу жуда қулай келади.

Тўз узатиш. Тўпни узатиш икки ўйинчининг бири иккинчисига, тўп йўналтираётгандагина ўзаро ҳамкорлиги. Кимга, қачон ва канана қилиб тўп узатиб бериш масаласини ҳал қилаётган, шунингдек, бу мақсадни амалга ошираётган футболчи шахсий маҳоратини намойиш қиласида. Айни вактда тўп узатиш икки спортчинг биргаликдаги ҳаракатларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Гурух тактикаси. Футбол матчи давомида юзага келадиган тактик вазифаларнинг кўпчилиги комбинациялар воситасида ҳал этилади. Комбинация –бу муайян тактик вазифани ҳал этаётган икки

ёки бир неча ўйинчининг харакатлари бўлиб, бутун ўйин комбинациялар –унга қарши харакатлар занжиридан иборат. Комбинацияларнинг иккى асосий тури бор: стандарт ҳолатлардаги комбинациялар ва ўйин эпизоди давомидаги комбинациялар.

Стандарт ҳолатлардаги комбинациялар. Бундай ҳолатлардаги (тўпни ён чизикдан ташлаб бериш, жарима тўп, бурчак тўпини тепишдаги) комбинациялар ўйинчиларни майдон зоналарида комбинацияни амалга ошириш учун энг қулай қилиб жойлаштириб олиш имконини беради. Ён дарвозадан тепишдаги, рақиб дарвозаси яқинидан жарима тўпи тепиш ёки эркин тўп тепишдаги комбинациялар.

Ўйин давомидаги комбинациялар. Бу ҳолатда тўп узатиш тактикаси муҳим рол ўйнайди. Футболдаги ҳамма узатишларни мазмунига биноан қуидаги тарзда классификацияласа бўлади:

Нимага мўлжалланганига қараб: оёққа бориб тушадиган, югуриб боришга –ҳимоячилар орқасига, бўш жойга, зарба боришга, «чала» -ўз дарвозаси томонга ёки майдонига кўндалангига –очилган шеригига, физиллатиб.

Масофага қараб: киска (5-10м): ўртача (10-25м) узок (25 м дан ортик).

Ўйналишига қараб: пастлатиб: тепалатиб; ёй бўйлаб.

Ижро усулига қараб: вақтида: кечикиб; барвақт.

Хужум қилаётганлар хилма-хил узатишлар ишлатиш натижасида ҳимоячиларни гоҳ олдинга чиқиб, гоҳ қанот томонларга яқинлашиб ҳаракатланиб юришга мажбур қиладилар, шунингдек хужум йўналишини тезлик билан қанотдан-қанотга ўtkазиб ўйнайдилар.

Жамоа тактикаси. Жамоа тактикаси бу конкрет ўйин шароитида пайдо бўлган вазифаларни ҳал қилишда бутун жамоанинг ҳаракатларини уюштиришdir. Бутун жамоанинг хужум ва мудофаа ҳаракатлари аниқ уюштирилмаса, ўйин бетартиб, бемаксад бўлади, унда ўйинчилар ўртасида вазифа тақсимлашнинг иложи бўлмайди. Ҳар қандай тактикада тез хужум амалга оширилади.

Тез ҳужум жамоа хужум ҳаракатларининг энг самарали усули хисобланади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, унда битта-учта узатишда ўйинчилардан бирини дарвозани забт этиш учун қулай вазиятга чиқарадиган ҳужум ёки жавоб ҳужуми уюштирилади. Ҳужум жамоанинг рақиб дарвозасини забт этишга қаратилган ҳаракатларни уюштириш. Тез ҳужумнинг афзаллиги шундаки, бунда мудофаадаги кучларни қайта уюштириб олишга рақибларнинг вақти бўлмайди. Ўйинчилар майдонда кўп маневр қиладилар ва тўлни узатиш билан энг киска вақт ичida шерикларидан бирини зарба

бериш вазиятига чиқариш имкониятини яратадилар, Футболда жамоа түпни күлгө киритгандан кейин, ҳужумнинг учта фазаси бўлади.

Биринчи фаза –«ўтиш», яъни мудофаадан тез-ҳужум усулида ҳужумга ўтишдаги тайёргарлик ҳаракатлари. Бу ҳаракатлар түпни олдиндаги ўйинчига тез узатиб беришни ва мудофаада қатниашган ҳужум ўйинчиларининг ҳужум қаторидаги ўз жойларига қайтишини ўз ичига олади.

Иккинчи фаза –«хужум», яъни рақиблар ҳужумининг олдини олиш хамда бартараф этиш ҳаракатларини кучайтириш ва уюштиришга улгурмасданок унинг мудофаасини ёриб ўтиш.

Учинчى фаза –«хужумини тугаллаш», яъни гол вазияти ҳосил қилиш ва дарвозани мўлжаллаб зарба бериш.

Агар тез ҳужум кўнгилдагидек чикмасдан, рақиблар мудофаани уюштириб олсалар, унда ўрта қатор ўйинчилари максимал тезликда рақиблар жарима майдонига яқинлашиб ҳужум иккинчи эшелонини яратишлари керак.

Тадрижий ҳужум ёки жавоб ҳужумини уюштиришда бирон ўйинчини жуда кўп узатишлар ёрдамида дарвозани забт этиш учун қулагай вазиятга чиқарилади. Бу тадрижий ҳужумнинг тез ҳужумдан асосий фарқидир. Бу тур ҳужумдаги жамоа ҳаракатларини бажаришда комбинациялар қисқа ва ўргача узатишлар ёрдамида амалга оширилгани учун түпни узоқ вақт назорат қилиб туриш имконияти туғилади. Тўп олган ўйинчи уни мудофаа зонасида очилган шериларидан бирига аниқ ошириб бериш керак. Тўпни ҳаммадан кўра ён чизик яқинига узатиб берган маъқул чунки у ерда ўйинчилар кўп бўлмайди, хато қилиб кўйилган тақдирда ҳам рақиб томон дарвозага бевосита хавф сола олмайди. Олдинги ва ўрта қатордаги ҳамма ўйинчилар майдоннинг бўйи ва эни бўйлаб актив маневр қилишлари лозим. Тупи бор ўйинчига энг яқин бўлганларининг моҳирлик билан очила билиши айниқса муҳим. Олдиндан тайёrlаб кўйилган ўйинчини зарба бериш вазиятига чиқарадиган комбинацияларни кўпроқ қўлланиши керак. Бундай жамоа ҳаракатларини ўйинчилар гурухи ижодий амалга оширади. Ҳужум қилаётган жамоанинг ўрта қаторидаги, бальзан эса орқа қаторидаги ўйинчилари зарба бериш вазиятига қўшилиб туришдан фойдаланиш жуда ҳам муҳим, чунки олдинги, қатор ўйинчилари буларга нисбатан қаттиқроқ қўриқланади.

Диспетчер: Асосий вазифаси жамоанинг ҳужум ҳаракатларини уюштиришдан иборат бўлган ўйинчини диспетчер деб атасади. Тўп жамоага ўтган заҳоти диспетчер майдон ўртасидаги жойлардан бирига отилиб чиқади. Тўпни олганидан кейин у дархол ҳужумни кандай усулда уюштириш ҳақида бир қарорга келади. У ҳужумни

бошлаб ўзи одатда иккинчи эшелонда ҳаракат қиласи ва хужумнинг олди қисмига ёриб чиқиб туради. Хужумни муваффакиятли якунлаш учун диспетчер каттиқ ва яхшигина тепа оладиган булиши керак, чунки у кўпинча 18-25 м масофадан туп телиши керак булади.

Қанот хужумчилари: Қанотдаги ҳаракатлар ё тўпни бошқараётган қанот ҳимоячиси ёки майдон ўртаси ўйинчиси билан ҳамкорлик қилиш учун орқага қайтиб, ёки олға томон актив илгарилаб бажарилиши мумкин. Қанот хужумчиси тўп олгандан кейин ўзини якка шериги билан биргаликда кўриклайлётган ўйинчидан ўтиб кетишга, рақиб дарвозаси чизигигача етиб бориш ва тўпни жарима майдонидаги шерикларига физиллатиб ёки узатиб беришга ҳаракат қиласи. Шерикларидан биронтаси тўп олиш учун очик турган бўлса ёки хужумчилар ҳимоячиларига қарши ҳавода муваффакият билан курашаётган бўлса. Бундай ҳолларда тўпни юқорилатиб узатган самаралидир. Физиллатиб узатишлар эса ҳамма ҳолларда ҳам мақсадга мувофиқдир. Қанот хужумчиси доим тезкор маневр қилишга тайёр туриши ва шунинг билан бирга яккама-якка курашнинг ҳамда зарба беришнинг хилма-хил усулларини айло даржада билиши керак.

Марказий хужумчи: ҳамма вакт дарвозага интилиб туради ва зарба бериш вазиятига чиқиши учун энг якин йўл излайди. У ҳамма вакт рақиблардан бир нечтасининг каттиқ назорат остида булади, шунинг учун ҳам отилиб чиқишилар билан рақиб мудофа-асидаги асосий ўйинчиларни чалғитишларни бирга кўшиб кўп маневрларни амалга ошириш керак. Марказий хужумчи қанот хужумчилари вақтида жарима майдони марказига ёки дарвозанинг ўзига якин турган устунига қанот хужумчиси узатиб берган тўп каршисига чиқиб, тўп учун курашда ҳимоячилардан кура илдамлик қилишга интилади.

Майдон ён чизикларида тўпни ўйинга киритиш: Бу техник майдон ўйинчисининг кўллари билан бажарилади. Дастребки ҳолат -кадам ташлаш ҳолатида ёки оёқлар елка кенглигида туради. Тўп билан кўллар тирсакларда букилиб тепага кутарилиб бош орқасида ўтказилади. Тана массаси орқада турган оёқка ўтказилиб, оёқлар тизза бўғинларида букиладилар, гавда орқага энгашади. Тўпни ташлашда қўл бармоқлар бир-бирига тегиш оралиғида. Тўпни ташлаш кўл, гавда, оёқларнинг кескин тўғирланиши билан ташлаш томон йуналишга якунловчи бармоқлар зўр беришидан бошланади. Якунловчи фазани бажаришда тўпни ташлаш қойдаларига риоя килиб футболчи иккала оёғини ердан узмаслиги керак.

Бурчакдан түп тепиши: Түп ракиб үйинчиларига ёки дарвазабонга тегиб орка чизикдан чиқиб кетганида амалға оширилади. Бу ҳолат ҳужум уюштиришнинг қулай ҳолати бўлиб, стандарт ҳолатлардан ҳисобланади. Түп чиқиб кетган томондан тепилади. Түр бурчакдаги овал чизигига қўйилиб ҳакам рухсати билан бурчак тўпи тепилади.

Жарима тупи тепиши: икки хил бўлиб, эркин түп тепиши ва 11 мли жарима түп тепиши. Ҳужумчи ва ҳимоячига қарши қўпол ҳаракатлар қилинганда эркин жарима тупи тепиши белгиланади. Агар дарвоза ёнида белгиланса, «девор» тузишга рухсат берилади. «Деворни» тўғри жойлаштиришни дарвазабон бошқаради. Эркин жарима тупи тепищда дарвозага тепиши ёки шеригига чиқаришига ҳам рухсат этилади. 11мли жарима тупи ҳужумчини дарвазабон майдонида ҳаракатланаётганда унга қарши қўпол ҳаракатлар қилинганда белгиланади. Бу жарима тупи факат дарвозага тепилади ва дарвозадан қайтган тўпни қайта тепиши мумкин. Мусобақалар якуннида дуранг ҳолатида ҳам 11мли жарима белгиланиб, бу ҳолда дарвозадан қайтган тўпни қайта тепиши таъкидланади.

Үйиндан ташкари ҳолат: ҳужумчини якка ҳолда ва жамоа билан ҳужум уюштирганда дарвазабон майдонида тўпсиз олдинги чизикларда ҳаракатланиши ёки шундай ҳолатга тушиб қолиши. Бундай ҳолатни таъкидланишинининг сабаби футбол үйини тарихида ҳужумчилардан бири доимо ракиб дарвазабон томондан туриб тўпни кутиб турган ва тезда қарши ҳужум уюштирганлар. Бу ҳолат үйинни бир оз зерикарли бўлиб, куплаб гол бўлишини таъминлаган. Кейинчалик бундай ҳолат таъкидланиб ҳозирги даврга келиб шу кадар такомиллашганки, ҳужумчининг 0,5 масофада тўпга олдин чиқиб келиши ҳам үйиндан ташкари ҳолат деб қабул қилинади.

Футбол машғулотларини ташкил этиши: футбол билан ҳар қандай жойда мустақил машғулотлар ташкил этиши мумкин. Бунинг учун шуғулланувчилар 12 ёшдан жалб этиладилар. Ҳозирги даврда футбол билан қизлар ҳам шуғулланишлари мумкин. Шунингдек, аёллар ўртасида ҳам футбол мусобақалари ташкил этилмоқда. Футбол майдони яхши жиҳозланган ва чим босилган бўлса, футбол машғулотларини ўтказиш учун ҳар қайси фасл ҳам тўғри келади. Қишиларида кўпроқ жисмоний тайёргарликка катта эътибор берилади. Қўшимча заллар бўлиши қиши фаслида машғулотларни залда ўтказиш имконини беради. Гандбол майдонида кичик футбол бўйича машғулотлар ташкил этиши мумкин. Шунга қарамай, кўп үйин ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки үйинчиларда майдонни кўра билиш, мўлжал олиш қобилиятларида салбий ўзгаришлар бўлиши мумкин. Шунинг учун залдаги машғулотлар техник ва жисмоний тайёргарликка қаратилган бўлиши керак.

Шунингдек, ҳозирги кунга келиб қиши спорт залларида ўтказиладиган футбол ўйини тури ҳам вужудга келган ва тараққий этиб бормокда. Бу спорт тури Мини Футбол деб аталади. Ўйиннинг қоидалари катта футбол. каби бир оз ўзгаришлар мавжуд. Майдон ва дарвоза, тўп ҳажми, оғирлигига ҳам кескин ўзгаришлар бор.

ВОЛЕЙБОЛ



Волейбол 1895 йилда Америка Кўшма Штатларининг Массачусетс штатидаги Хелои шаҳрида ёш христианлар иттифоқининг жисмоний тарбия бўйича раҳбари Пастор Вильям Морган томонидан яратилган. У волейбол ўйинини оддий, кўп маблағ сарфламасдан ташкил этишни кўзда тутиб янги ўйиннинг қоидаларини ишлаб чиқди. 1895 йилда Спрингфилд шаҳридаги колледж директори доктор Альферед Калстед бу ўйинга «Волейбол» деб ном берди. Волейбол инглизча сўз бўлиб ўзбек тилида «учаётган тўп» деган маънони билдиради.

Хозирги қабул қилинган қоидаларга асосан:

1. Хужум майдони үлчами 3x9 м.
2. Ҳимоя майдони үлчами 6x9 м
3. Майдоннинг умумий ҳажми 18x9м
4. Тўрнинг үлчамлари. Эни -1 м. узунлиги 9,5 м.
5. Турнинг баландлиги эркаклар -243 см, аёллар -224 см.
6. Тупни оғирлиги 270 гр. Айланаси 65 см.
7. Жамоа 12 ўйинчи, майдонда ўйинчиларни сони 6 та.

Тўпнинг оғирлиги 260-270 гр.

Тўпни айлана узунлиги 66-1 см.

Антенна баландлиги 1.80 см.

Таъқиқланадиган ҳаракатлар:

1. Тўпни ўйинга киритишда орқа чизиқни босмаслик.
2. Ҳимоячи қабул қилган тупни узатилганда фақат қўл билан қабул қилиш руҳсат этилади.
3. Жамоа тўпни тўрт марта узатиши.
4. Ўйин давомида ўйинчилар мажбурий жой алмаштириши керак.

Руҳсат этиладиган ҳаракатлар:

1. Ўйинга киритилган тўп тўрга тегиб ўтиши.
2. Тўпни қўл билан турли усулда ўйинга киритиш.
3. Ўйин давомида бир марта гавданинг барча қисмида ўйнаш. Волейбол қўл билан ўйналадиган ўйин бўлиб 9x18 метр майдонда тўп билан ўйналадиган спорт тури. Ўртада тўр сетка бўлиб ўйиннинг мақсади тўпни рақиб майдонига уч уринишида ўтказиш. Тўпни қўлнинг барча қисмлари билан ҳамда тананинг барча аъзолари билан бир марта уришга руҳсат берилади. Ҳар бир жамоа олтига ўйинчидан иборат бўлади. Ўйинчилар олтига зонага жойлашдилар. Ўйин майдони икки линияга бўлинади. Хозирги мусобақа қоидаларига биноан ўйин 25 очкога қадар олиб борилади. Ўйин уч ва беш партия ўтказилиши мумкин. Ўйин давомида ўйинчиларга катта жисмоний юкламалар тушади. Ҳар бир партияда ҳар бир ўйинчи 50 дан ортиқ ўйин ҳаракатини бажаради, Бу ҳаракатлар бутун ўйин давомида 300 дан ошиши мумкин. Чунки ўйин 2-3 соат давом этади. Волейболчилар техник ва тактик тайёргарлик билан бирга кучли жисмоний тайёргарликка, тезкорликка, чакконликка ҳамда мувозанат сақлаш кобилиятига эга бўлишлари керак.

Волейбол ўйини техникаси: Волейбол ўйини олиб боришда куйидаги асосий техник ҳаракатлар бажарилади. Туришлар, силжиш-

лар, тұп узатиш, тұп үтказиш, тұп қабул қилиш, хужум уришлари ҳамда химоя түсікләри. Волейбол уйини тезкор хужум ва химояга асосланған.

Туришлар: Үйинчининг тұп қабул қилиш, тұп узатиш, хужум уриши, химоя түсінің құйиши учун тайғергәрлик қолатидир. Үйинчининг туришлари түпнің учиш тезлигі ва йұналишига мувофик узғарып турады. Түпнің узатиши қабул қилиш баланд, ўрта ва паст туриш қолатларыда амалға оширилады. Ҳар қандай түпнің қабул қилиш ва узатиши учун ҳамда хужум уришлари ва химоя түсінің бажаришга ўрта туриш қолатлары қулай ҳисобланады.

Силжишлар: Химоя вазифаларини амалға оширишда силжиш ҳаракатлари бажарилади. Силжишлар сурелиш, сакраш, югуриш ҳамда ташланиш билан бажарилади.

Тұп үтказиш: Тұп үтказиши үйинга тұп киритиш ҳаракати ҳисобланып тұп урувчи үйинчининг мақсади очко ютиш ёки рақибнинг тактик ҳаракатларини қийинлаштиришдір. Барча тұп үтказишлиар паст ва юқори тұп үтказишиларға бўлинади, иккала ҳолатда ҳам тўғридан ва ёндан тұп урилади. Паст тұп үтказишлиар кучли ҳисобланып тұп қабул қилишни қийинлаштиради. Майдоннинг очик ҳолати ҳамда заиф химоячининг турган жойини ҳисобга олган ҳолда тұп үтказишининг иккала үзүлдиш мумкин.

Тұп узатишлиар: Үйин давомида жуда күп хил шаклда амалға оширилувчи ҳаракатлар ҳисобланып, үйиннинг асосий йұналишини таъминлайды. Тұп узатишиларда юқоридан узатишиларга –бармоқлар билан бажариладиган ҳаракат ҳамда пастдан узатишилар билак ҳаракати билан бажарилади. Тұп узатишилар күллар якка ҳолда ҳамда жуфт ҳолда бажарилиши мумкин. Шу билан бирга тұп узатишилар кучли, күчсиз, тинч ҳолатда, сакрашда ҳамда ташланип бажарилиши мумкин. Тұп узатишилар тўғрига, юқорига ҳамда бош ортига бажарилиши ҳам учрайди. Ташланиб тұп узатилғанда олдиға ва орқага ташланип бажарилиши мумкин.

Химоя түсікләри: Үйинде химоя вазифасини бажарувчи техник ҳаракатлар ҳисобланып, рақибининг хужум уришларини бартараф қилишга қаратылған бўлади. Химоя түсікләридан фойдаланишининг асосий талаби бу техник ҳаракатни ўз вақтида ва керакли жойда бажаришdir. Химоя түсікләри қўйишида тұпнинг уриш тезлигі, кучи ҳамда йұналишини аниклаш түсікни мустаҳкам қўйилишига асос булади. Химоя түсікләрини қўйиши ҳаракатлари техникаси силжиш, сакраш, қўлни түсік учун чиқариш ҳамда тушиш ҳаракатларидан иборатдир. Силжиш ҳаракатлари сакраш ва сурелиш билан бажарилади. Бу ҳаракат түсік учун қўлини түр устига чиқаради. Химоя түсікләрини қўйиши якка ҳолда, жуфт-

ликда ва учлик бўлиб бажарилиши мумкин. Кўпчиликда ҳимоя тусиклари қўйишнинг муваффакияти ўйинчиларнинг харакатларини узаро мувофиқликда бажарилиши билан амалга ошади. Ҳимоя тусикларини қўйишда албатта тусиқнинг ортида ўйинчи алдов харакатларини бўлмаслиги учун кузатиб туриши керак.

Волейболда ҳимоя тактикаси: ўйин ҳимоя ва хужум тактикаларидан иборат бўлиб, ҳимоя ва хужум тактикаларида якка харакатлар, гурух ва жамоа харакатлари кўлланилади.

Якка харакатлар: ҳимоя тусиклари қўйишда якка ҳаракатлар деб ўйинчининг якка ҳолда ҳимоя тусифи қўйиши тушунилади. Бу ҳаракатлар у жой танлаши тўп қабул қилиши ва хужум уришларини тусишидан иборат бўлади. Жой танлаши ўйинчининг чапга, ўнгга, олдига ва орқага силжиш ҳаракатлари билан амалга ошади. Шу билан бирга ўйинчи қайси зонадан хужум уюштирилиши ва хужум кучи ёки алдов ҳаракатлари бўлишини назорат қилиб туради. Ҳимоя тактикасида асосий вазифани биринчи тўпни қабул қилиш ҳисобланади. Жамоада биринчи тўпни доимий қабул қилувчи ўйинчи бўлиши мумкин. У биринчи тўпни қабул қилиб хужум учун шароит яратиши керак. Хужум уришларда тўпни тўғри қабул қилиш ҳамда ўйинни давом этказиш ҳимоячиларнинг асосий вазифасидир. Ҳимоячилар хужум уришлар қандай масофада бажарилди, тўпнинг учши тезлиги, йўналиши, алдов ҳаракатлари ҳамда ҳимоя тусикларини ёриб ўтишини ҳисобга олиши керак.

Якка тусик қўйиш ўйинчидан сакровчанликни ҳамда техник ва тактик жиҳатдан тайёргарликни ва жисмоний ривожланганликни талаб этади. Тусик қўйишдан мақсад хужум уришларини зонага ўтказмаслик ёки хужум уриши кучини сусайтириб қарши хужум уюштиришдир. Якка тусик қўйишда тўғри жой танлаш ва ўз вактида тусик учун сакраб чикиш якка тусик муваффакиятини таъминлайди. Шунинг учун ҳимоячи ракиб жамоасининг хужумчиси ҳаракатларини доимо кузатиб туриши керак. Сакраш вакти ва сакраш тезлиги баландлиги хужумчининг хужум қила олиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Кисқа хужумларни бартараф этиш учун тусик қўйишга ҳимоячи хужумчи билан бир вактда ҳаракатланиши керак. Тусик қўйишлар жойда туриб ёки ҳаракат давомида бажарилиши мумкин. Жойдан туриб тусик қўйишлар кутилмаган тўпга, яъни ҳимоячи томон йўналган тўпга бажарилади. Ҳаракатдаги тусиклар эса уюштирилиши мумкин бўлган жойга ҳаракатланиб бажарилади. Тусик қўйишда қўлларнинг ва билакнинг ҳаракати муҳим аҳамиятга эга. Енгил хужум уришлари кафт билан тусилиши мумкин. Катта куч билан ҳамда тайёрланиб уриладиган хужум уришлари зич қилинган билаклар билан тусилади.

Якка ҳолда түсик қўйишида ҳимоячининг ортидан алдов ҳаракатлари бўлмаслиги учун яна бир ўйинчи ҳимояга келиши керак.

Ҳимояда гурух ва жамоанинг ҳаракатлари. Ҳимояда 2-3 ўйинчидан ўзаро келишилган ҳолда ҳаракатланиши барча ўйин линияларида бажарилиши мумкин. Бу ҳолат ҳимоя түсиқлари қўйишида ҳамда алдов ҳаракатларини бартараф этишида аник намоён бўлади. Ҳимоячиларнинг гурух бўлиб ҳимоя түсифини қўйиши хужум уришларини кўп қисмини бартараф этади. Шунга қарамай кучли урилган хужум уриши ёки алдов ҳаракатлари түсиқни ёриб ўтади. Бунда кўшимча ҳимоячининг ўз жойида туриши ёки ҳимояланиш жойига ўз вактида етиб келиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда волейбол ўйинини мураккаблашиб бориши ва волейболчиларнинг жисмоний техник ва тактик жиҳатдан такомиллашганлиги ҳар қандай ҳимоя түсиғи қўйишга рухсат беради. Волейболда асосий ҳимоя усуллари олдига бурчак усулда туриш ва оркага бурчак усулда туриш кўлланилади. Олдига бурчак усулда туришда олтинчи зонадаги ўйинчи хужум вактида олдига қараб жилади. Иккинчи ва учинчи ўйинчилар түсик қўйгани чикса олтинчи ўйинчи алдов ҳаракати ёки түсиқни ёриб ўтган тўпни қабул қилиши керак. Бу усулнинг камчилиги кўп ҳолатда олтинчи зона очик ҳолатда қолади. Волейболда оркага бурчак усулида ҳимоя қилиш жараёнида ўйинчилар бир томонга тизиладилар. Биринчи тўпни доимий қабул қилувчи хужум ўюштиргандан кейин рақиблар хужумини ҳимоя қилиш учун 1-2-3 ўйинчилар ҳимоя түсигига чикадилар. 4 ўйинчи алдов ҳаракатини бартараф этса, 5-6 ўйинчилар ҳимоя түсифини ёриб ўтган тўпни қабул қилишлари керак. Волейболда тўғри ташкил этилган ҳимоя ярим фалаба ҳисобланади.

Хужум тактикаси: бу тактик усуллар ҳужум уришлари, якка ҳолдаги хужум ҳаракатлари ва хужумда гурух, жамоа ҳаракатларига бўлинади.

Хужум уришлари –жамоанинг тактик ҳаракатларини якунловчи ҳаракатdir. Хужум уришлари тўғри ва ёнбош уришларига бўлинади. Тўғри уришда ўйинчи тўрга юз билан туради ва уриш ҳаракатини тепадан пастга қараб бажаради. Ёнбош уришда ўйинчи сеткага ёнбош ҳолда туради. Уриш ҳаракатида қўлни ёйсимон ҳаракатлантириб бажаради. Тўғридан уриш ҳаракати асосий хужум уриши ҳаракати ҳисобланади. Тана оғирлиги ва кўл кучи билан бажариладиган уриш куч уриши дейилади. Билак ҳаракати билан бажариладиган хужум уруши билак уриши дейилади. Түсиқларни енгиш учун тўғри ва ёнбош хужум уришларида тўпни ҳар-хил зонага тушиш билан бажарилади. Түсиқларни енгишда бажариладиган уришлар хилма-хил шаклда бўлади. Алдаш ҳаракатлари ҳам

ёрдам беради. Тананинг ҳаракати бир томонга қўлнинг ҳаракатини бошқа томонга бажариб уриш мумкин. Шунингдек, қўлнинг қаттиқ ҳаракатини кўрсатиб аксинча тўпни тўsicк устидан ёки очик жойга секин ташлаш мумкин. Барча хужум уришларида учтўрт қадам югуриш, сакраш, уриш ҳаракати ва тушиш ҳаракати бўлади. Тўғридан хужум уришларида югуриб келиш ва депсиниш оёқ билан сакраш тана бироз орқага букилиш урувчи қўл чикканда букилиб бош ёнидан уриш учун ёзилади. Қўл тўп томон ҳаракатланиб, елка тўғриланади ва билак ҳам тўғриланаб, олдигапастга қараб билакни уриши билан бажарилади. Тўп ўйинчи қайси томонга ҳаракатланиб бажарган бўлса шу томонга йўналади. Хужум уришидан сўнг ўйинчи енгилтина тушади. Баъзан тўсиқларни ёриб ўтиш ёки алдаш учун ҳар ҳил йўналишдаги хужум уришлари кўлланилади. Бунда ўйинчи тўпни уриш вақтида қўлни ва билакни ҳаракатини ўзгартиради ва бу билан тўпнинг йўналиши ўзгаради. Тўп тўсиқнинг ёнидан, ўнгдан ёки чалдан ўтиб кетади. Ёнбош хужум уришларида ўйинчи тўрга ён билан туради, оёклар параллел ҳолда. Турган жойдан сакралади ва шу вақтда қўллар ён томондан ёйсимон ҳаракатланади, бундай уришда тўпни йўналишини ўзгартириш қийин. Хужум тактикасини танлашда ва бажаришда бир неча қоидаларга риоя қилиш керак.

Якка тактик ҳаракатлар: ўйинчини хужум ўюштириш ва хужум уришларини амалга ошириш учун мақсадга мувофиқ бўлган, кулай жэйларни танлаши ва тўп билан ҳаракат тушунилади. Жой танлаш деганда ўйинчини жамоадошлари ва ракиблари ҳолатини яхши кўриш, майдонда жойлашиши, тўрга масофаси ҳамда тўпни ҳаракатланиш тезлиги ва йўналишини аниқлай олиш ва баҳолаш тушунилади. Ўйинчи жойни ўзгартириш давомида келгуси бажарадиган ҳаракатларини режалаштиради ёки хужум ва тўсиқ кўйишларни амалга оширади. Тўпни ўйинга киритишда ўйинчи бир неча масалаларни ҳал этиши керак. Тўпни қандай тезликда ва йўналишда узатиш, кимга ёки очик жойига узатиш, рақиб ўйинчилари туриш ҳолатини, ҳимоясини ҳамда ўзининг жисмоний ҳаракат малака ва кўникмаларини ҳисобга олиши керак. Тўпни ўйинга киритишни ҳамма турдаги усуслари ҳам самарали. Шунинг учун ўйинчилар тўпни ўйинга киритишни барча усусларини билиши ва ҳар ҳил йўналишда ва ҳар ҳил тезликда тўп узатиш малакаси ва кўникмасига, жисмоний кучга эга булиши керак.

Биринчи тўпни узатиш ҳаракати муҳим ҳаркат ҳисобланади. Бу билан тўпни узатилиш кучи ва йўналиш ҳамда қабул қилиниш дарајасига мувофиқ жамоа хужум ўюштириш режасини тузади. Шунинг учун биринчи тўпни маҳорат билан бажарадиган жамоа кўп ҳолатда

үйин ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Биринчи тўпни қабул қилган үйинчи хужум уюштира олмаса, иложи борича тўпни олдига хужум килиш зонасига узатиши ёки шеригига узатиши керак. Агарда тўп яхши ва осон қабул қилинган бўлса, дарҳол учлик шаклдаги хужум ҳаракатини амалга ошириши керак бўлади ва аксинча иккинчи үйинчани тўп узатиши анча енгил режалаштирилган бўлади. Чунки у тўпни учишини ва тезлигини яхши баҳолай олади ва ўзи қулай жойда тўрга орқа турган ҳолда бўлади. Бу үйинчининг асосий вазифаси хужум қилиш учун қулай ҳолатдаги тўпни узатиш. Шу билан бирга учинчи ҳаракат хужум ҳаракати ҳал қилувчи ҳаракат ҳисобланиб, хужумчи ракиб үйинчилар ҳолати, тўсиқни қўйилиши ҳам алдаш ҳаракатларини ҳисобга олиши керак.

Хужум уришлари тактикасида қуидагиларга эътибор бериш керак. Тўсиқлар оша тўпни ўтказиш жуда қийин, агар тўсиқлар сони иккита ёки учта бўлса тўпни ўтиб кетишига катта тўсқинлик яратилади. Бундай ҳолда катта куч билан хужум уришларига қараганда алдаш ҳаракатларини ҳам бажарив турниш керак. Бунда тўсиқ қўювчилар ортидаги ҳимоячилар борлигини ҳисобга олиш керак. Иккинчи тўпни яъни тайёргарлик тўпни узатилиши сифати хужум кучи ва йуналиши ҳамда тезлигини белгилаб беради. Тўр олдидаги хужум ҳаракатлари самаралидир. Бунда алдаш ҳаракатлари, тўпни илиш, ошириш, қайта хужум қилиш имкониятлари бор. Агар иккинчи тўп узатиш қийин ҳолда келса ва уриш кучли бажарилса ёки аксинча иккинчи тўп узатилиши осон бўлиб алдаш ҳаракатлари бажарилса хужум самарали якунланади. Үйинчилар хужум уришларини кўп ҳолда тўсиқлар ёнига урадилар. Бунда улар тўпни тўсиқларга тегиб ўз йуналишини ўзгартириб юборишларини ҳисобга оладилар ва кўп ҳолда бундай хужумлар ҳам самарали якунланади. Агарда үйинчига тўсиқлар қўйилмаган ҳолатда хужум қилиш имконияти яратилса бунда кучли хужум уришлари бажариш мумкин ва аксинча кўплаб тўсиқлар қўйилганда хужумни алдаш ҳаракатлари билан якунлаш ижобий натижалар беради.

Хужумда жамоа ва гурух тактик ҳаракатлари: Бу ҳаракатлар жамоанинг ёки кичик бир гурухнинг узаро мувофиқлиқда: хужум уюштиришлар тактикасига айтилади. Волейболчиларнинг тактик-техник тайёргарлиги, жисмоний тайёргарлиги ҳамда үйинда бир-бирларини тўғри тушуниб етишлари даражаси үйин натижасини ижобий ҳал этади. Үйин ҳаракатларини биринчи ёки иккинчи тўп узатиш ҳаракатлари ҳал этади. Жамоа ёки гурух тактик ҳаракатларни үйинчиларни моҳирона майдон бўйлаб жойлаштириш би-

лан бошланади. Гурух ва жамоа ҳужумларини уч хил тактик ҳужумлари тайёрланган, булардан:

1. Иккинчи узатилган түпни олдинга чизикдаги ўйинчига узатиш усуллари,

2. Иккинчи узатилган түпни орқа чизикдаги ўйинчига узатиш усуллари,

3. Биринчи узатилган түп билан учлик комбинацияси уюштириш усуллари.

Юқорида келтирилган жамоа ёки гурух ҳужуми тактик ҳаракат усуллари ҳаммаси ҳам самарали натижаларга эга. Бу тактик ҳаракатларнинг асосий мақсади тўсиқлардан ҳоли ёки тўсиқлари заиф бўлган зонада ҳужум ҳаракатларини уюштириш ва амалга ошириш.

Волейбол майдони: зонага бўлинниб, ҳимоя чизиги ортида турган 1, 5, 6 зонадаги ҳимоячилар, ҳужум зонасига -2, 3, 4 зоналарда ҳаракатланиши рухсат этилади. Лекин уларга шу зонада туриб ҳужум уришлари таъқиқланади. Шу билан бирга ракибнинг ҳужум уришларига тўсиқ қўя олмайдилар.

Волейбол мусобақалари: мусобақалар ўтказишнинг Янги қонун-қоидаларига асосан ўйин 25 очкога қадар давом этади. Агар ўйин тугагунга қадар очколар нисбати бир очкодан ортмаса, фарқ икки очко бўлгунга қадар ўйин давом этаверади. Мусобақалар 5 тайм ўтказилиб, 5-хал қилувчи тайм 15 очкога қадар давом этади. Ҳал қилувчи таймда биринчи бўлиб 15 очко жамланган жамоа ғолиб ҳисобланади.

Бош ҳакам волейбол мусобақасини ташкил этади ва бошқарди. Унинг вазифаси жамоаларни ўйинга таклиф этиб, ҳакамлар ҳайъати вазифаларни назорат қилиб туради. Минбардаги ҳакам ўйинни бошқариб, тўпни ўйинга киритишга рухсат беради, тўпни ўйинга киритишдаги, тўп узатиш, ҳимоя ва ҳужумдаги ҳаракатларни назорат қилиб туради. Ёрдамчи ҳакам минбардаги ҳакам қаршисида туриб, ўйинчилар жойлашуви, жой алмаштиришлари, тўп қабул қилиш, ҳужумчи ва ҳимоячиларни тўрга тегмаслик, ўрта чизикдан заҳирарадаги ўйинчилар билан алмаштиришни, жамоанинг 30 сонияли танаффуслардан фойдаланишини кузатиб туради ва бошқаради, Ён ва орқа чизикдаги ҳакамлар тупни майдондан чиқиб кетишини назорат қилиб турадилар. Котиб ўйин натижаларини баённомага қайд этиб боради. Ахборотчи ҳакам мусобақа иштирокчилари, ҳакам ҳайъати аъзолари, ўйин натижалари, очколар нисбати, ўйинчиларни заҳирага чиқариш ва алмаштириш ҳақида ахборот бериб туради.

Хар партияда 6 та ўйинчи алмашинувига рухсат берилади. Хал қилювчи партия тайм брейк тарзыда бўлиб 2 та очко фарқи билан ютиш керак.

Волейбол ўзининг қизиқарлилиги ва оммавийлиги билан миллионлаб кишиларни ўзига жалб килиб келмоқда. Замонавий волейбол ўта тезкор ва маҳорат, ғайрат талаб қилювчи спорт ўйинлари турига мансубдир. Юқори техника ва тактикага эришиш учун биринчи навбатда волейболчи етарли даражада жисмоний ривожланган ҳамда маҳсус сифатларга эга бўлиши керак. Волейбол тўгарагида 12 ёшдан ўғил болалар, 13 ёшдан қиз болалар шуғулланишлари мумкин. Волейболчиларни тренировка машғулотлари ни ташкил этишда уларни техник, тактик тайёргарликларини амалга ошириш билан бир қаторда жисмоний тайёргарлик қолаверса чакқонлик ва тезкорлик фазилатларини такомиллаштиришга катта эътибор бериши керак.

ГАНДБОЛ (ҚЎЛ ТЎПИ)



Ўйин Даниядан келиб чикқан бўлиб, бу ўйинни Ордруп шахрининг уқитувчиси Хольгер Нильсен томонидан 1898 йили ташкил

қилинди. Дастребки йилларда үйин футбол майдонида үтказилиб, жамоаларда 11 кишидан үйналади. Күл түпи үйини жуда тезликда Европада тарқалди. 1928 йилда Амстердамда Гандбол халқаро ҳаваскорлар уюшмаси ОИГФ ташкил этилди. 1936 йилда у 11x11 шаклда Олимпиада үйинлари дастурига киритилди. Бир неча йиллар давомида гандболда үйинчилар күп иштирок этиши ва қўпол кўриниши билан Олимпиада үйинларида дастуридан чиқариб юборилди. 1972 йил кўл түпи үйини яна Олимпиада үйинларида үйнала бошлаганди, энди бу үйин 7x7 системасида үйналмоқда. Жамоа асосан 12 киши бўлиб, майдонда 7 кишидан ҳаракат қиласиди. Үйинчилар алмаштирилиши чексиз. 1978 йилда кўл түпи бўйича жаҳон чемпионати үтказилди. Гандбол федерацияси Президенти Паул Хечберг (Швеция), бош котиб Марс Риккенбурген (Германия): Кўл түпи немисча сўздан олинган бўлиб, ганд-кўл, бол-тўп деган маънени билдиради.

Дастребки даврларда гандбол үйини аёллар учун мўлжалланган эди. Кейинчалик үйин қоидалари мураккаблашиб ва такомиллашиб борди, шу билан бирга бу үйин билан эркаклар ҳам шугуллана бошлади. Гандболчининг жисмоний фазилатлари ривожланган ва ўзини бошқара олиш қобилияти –координацион имкониятлар такомиллашган бўлади. Даврлар ўтиб гандбол үйини қоидалири ўзгариб борди ва мураккаблашиб борди. Шунингдек майдон ҳажми ва мусобақа қоидалар ҳам ўзгартирилди. Ҳозирги қоидага асосан гандбол үйинида ҳимоячилар ҳужумчи вазифасини ҳам бажара оладилар. Бу ҳолат үйинчини бутун майдон бўйлаб ҳаракатланишини таъминлайди. Гандбол түпи ҳажмини кичрайтирилиши ҳам үйинчиларни чакқонлигини янада ошириди. Чунки бу тўпни бир қулда ушлаш кўлай бўлиб, уни улоктиришда катта тезликка эришиш мумкин.

Асосий қоидалар: Гандбол үйинида майдонда олти үйинчи ва бир дарвозабон иштирок этади. Дарвозабоннинг беш метрли майдони бўлиб, у шу майдонда тўпни ушлашга ҳаққи бор. Майдондан ташқаридаги тўпни ушлаш таъқиқланади. Дарвозабон майдондан сўнг 4 метр ҳужум майдони бўлиб, бу ерга ҳужум килиб кирган ҳужумчини тўхтатиш ва унинг карши қўпол ҳаракатлари таъқиқланади. Акс ҳолда етти метрли жарима тўпи белгиланади. Ҳужумчининг тўккиз метрли ҳужум майдонидан ташқаридаги қўполлик билан тўхтатилса тўккиз метрли эркин тўп узатиш жаримаси белгиланади. Ҳужумчи дарвозабон майдонига кириши ва тўп билан ҳаракатланиши таъқиқланади.

Гандбол майдоннинг ҳажми 20x40 метр. Дарвозабон майдони, 9 метрли жарима майдони ҳужум ва ҳимоя майдонларига бўлинган.

Гандбол дарвозаси баландлиги 2 метр эни 3 метр. Гандбол түпи эркакларники оғирлиги 425-475 гр, айланаси 58-60 см. Аёллар учун оғирлиги 325-400 гр, айланаси 54-56 см түплардан фойдаланылади. Гандбол үйини 2 таймдан иборат. Ҳар бир тайм 30 минут давом этади. Таймлар орасида 10 минут танаффус қилинади. Гандбол мусобакасини ҳакамлар ҳайъати бошқариб боради.

Гандбол үйини техникаси гандболчининг майдондаги асосий жисмоний ҳаракатлар туркуми ҳисобланади. Гандбол үйинчиларининг майдондаги үйин фаолиятига қараб майдон үйинчиси үйин техникаси ва дарвазабон техникасига бўлинади. Ҳар бир техник ҳаракатлар майдон үйинчисининг ҳужум техникаси ва ҳимоя техникасига бўлинган бўлиб, бу ерда ҳужум техникаси, майдон жой алмаштириш техникаси ва тўпни олиб юриш техникаларидан иборатdir.

Гандболчининг ҳаракатланишлари: Гандбол үйини жараёнида үйинчи кўп марта ҳар-хил шароитларда ҳаракатлар бажаради. Үйин жараёнида гандболчи доимо майдонда ҳаракат қиласи, тўпни қабул қилиш учун қулай вазиятларни ўзига яратади ва тўпни қабул қилиш учун тайёр турган үйинчини ҳолати маълум ҳолатда, яъни қўли салгина букилган, тўпни қабул этиш этиш учун мўлжалланган қўллари тирсакда букилган, елкалари бушашган, бели тўғри ҳолда турган бўлиши зарур. Бу гандболчининг асосий туриши дейилади. Мана шу туриш гандболчига турли вазиятларга мос ҳолда ҳаракатларини бажариш учун дастлабки ҳолат ҳисобланади. Гандболчи майдонда ҳаракатланишда югуриш, юриш, сакраш, тўхташ ва бурилишлардан иборатdir. Югуриш гандболдаги энг тарқалган ҳаракат бўлиб, турли хил куринишларда бажарилади. Қадамлаб югуриш олдинга ва орқага, ёнларга, ёёқ учида ва ёёқни тўла босиб югуришдир, охиргиси гандболда жуда кўп қўлланилади, чунки ҳар бир ҳаракатни бажариш учун ер билан қаттиқ алоқада бўлиб, үйинчининг турғунлиги юқори дарражада бўлиши зарур. Тўхташ гандболчи ҳаракатининг энг асосий турларидан биридир. Үйин жараёни такдоси билан вазият ўзгариши натижасида кескин тўхташ зарур бўлиб, бу тўхташ кейинчалик ракибга нисбатан устунлик билан янги ҳаракатни бажаришга имкон беради, Тўхташлар: сакраб ўтиш ва тўхташларга бўлинади.

Тўп билан ҳаракатлар: Гандболчи үйинда тўпни олиб юриш учун биринчи навбатда уни аввал албатта қабул этиши зарур, қабул қилиш (ушлаб олиш) вазиятга қараб бир кўл билан ёки икки кўл билан бажарилади. Гандболда тўпни узатиш бир ва икки кўл билан бажарилади. Тўп узатишлар үйин вазиятига қараб югу-

риб кетаётіб, юриб кетаётіб ёки жойдан узатилади. Гандбол тұпини узатишни бир неча хиллари ва усуллари мавжуддир. Гандболчи майдонда тұпни олиб юриш учун у албатта тұпни ерга уриши зарур. Күп пайтларда гандболчи тұпни олиб юришда бир ёки иккі мартаба уриб юришни құллайды. Ҳар бир үйинчининг эң асосий вазифаси тұпни дарвозага отишидир. Тұпни дарвозага сакраб отиши, ийқилаётіб отиши, югуриб келиб отиши ва таяниб турған ҳолдаги усуллари билан отиши үйин вазиятидан келиб чиққан ҳолда бажариш мүмкін. Жарима тұпини отиши гандболдаги эң зарур ҳаракат булиб, үйин давомида күп учрайдиган ҳолатдир. Жарима тупи албатта тұп қулидан чиққунча оёқни ерга күйгап булиши шарт, қолган бажаришлар юқорида дарвозага отишига қандай булса шу усуллар қолади, фактәт оёқ ҳаракатига эътибор берилади.

Химоя техникаси: Химоянинг эң асосий вазифаси үз дарвозасини ракиб хужумидан химоя этишдир. Бунинг учун химоячи майдонда тез ҳаракат қила олиши ва ҳаракат темпини кескин үзгартыра олиш қобилиятига эга булиши керак. Химоячи бу вазифаларни муваффакиятли бажариши учун албатта химоячининг ҳолатини әгаллаган булиши зарур. Химоячининг асосий ҳолати –оёкларни 10-20 градус букилган ва 20-40 см көнг күйилган булиб, бел озгина олдинга букилган, бұшашибан ҳолда бұлади. Құллар тирсакда тұғри бурчак ҳолда букилган булиб, тана турлы ҳаракатларни кескин бажариш учун шай ҳолатда бұлади. Тананинг оғирилігі икала оёкка тушади. Ракиблар билан якка олишув пайтида оёқ ва бел нисбатан күпроқ букилган бұлади. Гандболчи (химоячи) ракибга (хужумчига) нисбатан қулай үрінни әгаллаш учун майдонда ҳаракатланиши лозим. Майдонда химоячи ютуриб, юриб ва сакраб ҳаракатланиши мүмкін. Химояда гандболчилар ҳаракатлары силжиш қадамлар билан бажарилади. Химоячи барча юриш, югуришларни вазиятдан келиб чиққан ҳолда үнгга, чапга, олдинга ва орқага бажара олиши зарур.

Түсік құйиши: Бу ҳаракат хужумчининг ёки тұпнинг үйлини түсиш ҳисобланади. Тұпни түсиш ҳаракати бир құллаб ёки иккі құллаб бажарилади. Түсиш ҳаракатлари пастдан, ёндан, юқоридан булиши мүмкін. Бунинг учун тұпнинг ҳаракатини, йұналишини ҳамда тұпни тезлигини тұғри аниклай олиш керак. Тұпни түсишда чакқонлик ҳамда тезкорлик билан бир қаторда билак ва бармок мускулларининг күчи мұхим рол үйнайды. Тұп билан ҳаракатланаётган үйинчини түсиш, яғни ҳаракатларни чегаралаш унинг ҳаракат йұналиши қаршиға чиқарылған бажарилади, Бу ҳаракатлар хужумчининг дарвозага тұп отиши ёки шеригига тұп узатиши вактида бажарылса хужумчи билан тенг сакралади ва құлларга

мувофиқ ҳолда түсилади. Гандболда ўйинчини түсиш вақтида уни күкрак билан тұхтатищ рухсат берилади. Тұпсиз ўйинчини тұхтатища құллар ҳаракатсиз бўлиши керак акс ҳолда жарима белгиланади.

Тұпни олиб қўйиш. Бу ҳаракатлар хужумчи тұпни шеригига узатганда ёки дарвозага тұғри баҳолаган ҳолда үнга қараб сакралади ёки интилади. Шунингдек тұпни хужумчи қўлида бўлган ҳолатда ҳам олиб қўйиш мумкин. Бунинг учун кутылмаган тезкор ҳаракат билан хужумчи тұпни улоқтиришига шайланганда тұп олиб қўйилади. Гандболда тұпни уриб олишга ҳам рухсат берилади. Бу ҳаракатлар хужумчи тұп олиб юрганда ёки узатишига шайланганда ҳимоячи тезкор ҳаракат билан тұпни уриб юборади. Бу уриб юбориш кафт ва панжалар кучи ҳисобига бажарилиши керак. Мушт билан тұпни уриб юбориш таъзиқланади.

Дарвазабон: Дарвоза дахлсизлигини тәмминлаш ҳамда қарши хужум уюштириш дарвазабоннинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Унинг техник ҳаракатлари ҳимоя ва хужум техникасига бўлинади.

Туриш: Дарвазабоннинг асосий ҳолати ҳисобланиб уни улоқтирилган тұпни қайтариш ва ушлаб олиш учун шай турған ҳолатидир. Асосий ҳолат оёклар тиззада бир оз букилган ҳамда оёклар елка кенглигига қўйилган бўлади. Дарвазабон дарвоза бўйлаб юриб, югуриб, сакраб, ташланиб ҳаракатланади. Юришда ва югуришда оддий қадамлар ёки майдада катта қадамлардан фойдаланиши мумкин. Сакраш ҳаракатлари оёклар билан силтаниб бажарилади. Бу ҳаракатлар олдига ва орқага, ён томонларга йўналган бўлиши мумкин. Мураккаб ҳолатларда дарвазабон тұп йўналишига қараб ташланиш ҳаракатини бажаради. Бу ҳолатда оёкларни кенг очиши ва ён томонларга ташланиши мумкин.

Тұпни ушлаш: Дарвазабоннинг асосий ҳаракати ҳисобланиб, дарвозага йўналтирилган тұпни ушлаши ёки қўл ва оёклар билан түсиб қолиши керак. Тұпнинг йўналиши ва учиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда түсиш ёки ушлаб қолиш ҳаракатлари турлича бўлади. Паст учеби келаётган тезлиги катта бўлган тұпларни оёкларда түсиш мумкин. Агар тезлиги суст бўлган тұп бўлса қўлда ушлаш мумкин. Шунга мувофиқ тезлиги катта бўлган тұпларни ларвазабон уриб юбориши ёки гавда билан түсиши мумкин. Шунингдек, тезлиги суст бўлган тұпларни қўл билан ушлаш мумкин. Дарвазабон тұпни бир қўллаб ҳамда икки қўллаб түсиши ва ушлаши мумкин.

Тұп билан ҳаракатлар: Дарвазабон ушлаган тұпни жамоадош хужумчи ва ҳимоячига узун ва қисқа масофа бўйлаб узатиши мумкин. Шу билан бирга у майдонда ўйинчи сифатида ҳаракатлашишига ҳам рухсат этилади.

Дарвобазоннинг химоядаги ҳаракатлари: Тўпни ушлаш, тўсиш учун жой танлаш дарвозабоннинг муҳим ҳаракатларидан ҳисобланади. У тўғри жой танлаши билан ҳужумчини дарвозага тўп отишни қийинлаштириши, дарвозага тўп кириш бурчакларини кичрайтиришга эришади. Дарвозабон ўйин давомида алдов ҳаракатлари –Финтлар кўллаши мумкин. Улар ҳужумчини чалғитишда катта рол ўйнайди. Жой танлашда алдов ҳаракатини қўллаш билан ҳужумчини дарвозабон ўзи хоҳлаган томонга тўп отишга мажбур қилиб қуяди. Тезкор ва чакқонлиги юқори даражада такомиллашган дарвозабонлар ҳужумчи олдида эркин ҳолатда туриб уни хоҳлаган томонга тўп отишига тўскинлик қилолмайди. Шунга қарамай дарвозабон бу тўпларни чакқонлик билан тўсив қолади. Дарвозабон жамоа билан ўйин давомида ғалабага эришишга ўз хиссасини қушиши мумкин. Яъни дарвоза даҳлсизлигини таъминлаш, тезкор ҳужум уюштириш, 9 мли эркин тўп отишда химоя тўсигини ташкил этиш, химоядаги ўйинчиларга тавсия ва кўрсатмалар бериш. Дарвозабон қарши ҳужум ва тезкор ҳужумни ташкил этувчи бош бўғин ҳисобланиб, у майдонни яхши кўра билиши, эркин ҳолдаги ҳужумчиларга ўз вақтида тўп узатиши керак.

Гандбол ўйини тактикаси ўйинчиларни ўзаро мувофиқ ҳолда ғалабага эришиш учун техник ҳаракатларни тўғри ва ўз вақтида бажариши демакдир. Гандбол ўйин тактикаси ўйинчи тактикасига ва дарвозабон тактикасига бўлинади. Шунингдек химоя ва ҳужум тактикалари мавжуд. Тактик ҳаракатларда ўйинчиларни иштирок этиш сонига ҳамда тузилган ҳаракатлар мажмуасига қараб шахсий тактика, гуруҳ ва жамоа тактикалари мавжуд бўлади. Тактикада якка ҳаракатлар ўйинчининг ғалабага эришиш учун киладиган якка ҳаракатларидан иборатdir. –дарвозага ҳужум, якка ҳолда алдов ҳаракатлари ва ҳакозолар. Гуруҳ ҳаракатлари икки ва ундан ортиқ ўйинчиларни тактик ҳаракатларни ўзаро келишган ҳолда бажаришларидир. Жамоа ҳаракатлари ҳужумнинг барча жамоа аъзолари ўзаро мувофиқ ҳолда олиб бориши ҳисобланади.

Ҳужум тактикаси: Ҳужум ўйинчиларнинг асосий вазифаси бўлиб уни самарали ташкил этиш ва ижобий якунлаш жамоадан жисмоний техник ва тактик маҳорат талаб этиди. Ҳужум ташкил этишда тўп олиб юриш тўпни узатиш дарвозага тўп отиш ҳамда алдов ҳаракатлари асосий рол ўйнайди. Шу билан бирга қочиш –ҳужумчини тўп билан химоячи қўриғидан қочиш ва дарвозага ҳужум учун кулай вазият танлаши ҳам муҳим ҳисобланади. Ҳужумда тўп олиб юриш шакллари йўналишлари ва тезликлари хилма хил бўлади. Самарали ҳужум ташкил этишда, тўп узатишнинг мураккаб усуllibidan фойдаланиш ракиб жамоасини чалғитади. Бу усуllibар очик ва

ёпик усулда тўп узатиш турлари дир. Ҳужумчининг дарвозага тўп отиши ҳам кутгилмаганда бўлиши, яхши режалаштирилган бўлиши, алдов ҳаракатлари натижасида амалга оширилиши дарвазабонни қийин шароитга солади. Дарвозага тўп отиш очик ва ёпик ҳолатда тўп отиш турларига ҳам бўлинади. Ҳужумда алдов ҳаракатлари Финтлар ҳаракатланишда тўп узатишда тўп қабул қилинади ва дарвозага тўп улоктиришда кўлланилади. Шунингдек ҳужумда ҳужумчиларнинг ўзаро параллел ҳолда ҳаракатланиши ҳам ижобий натижаларга олиб келади. Ҳужум ўюштиришда тўсиқ кўйиш яъни тўпсиз ўйинчани ҳимоячи олдини тўсиши тўп билан ҳаракатланаётган ҳужумчига қулагай шароит яратиши самарали ҳужум усулларидандири.

Тезкор ҳужум: Жамоанинг тезкор ўйинчиларининг ҳимоячилар қўриғидан қочиб тезроқ ҳужум ташкил этиши усулини дир. Бу усул якка ҳолда ёки бир неча ҳужумчи иштирокида амалга оширилади. Бунинг учун тўпни эпчиллик билан эгаллаб олиш ҳамда имкони борича ракиб зонасидаги ҳужумчига узатиш ва шу ҳужумчи якка ҳолда ёки шериклари кўмагида ҳужумни якунлаши керак. Бунинг учун ўйин шароитида тезкорлик ва чаққонлик билан ҳаракатланиш, тўп эгаллаш ва олиб юришнинг юқори техникасига эга булиш, доимо тезкор ҳужумни режалаштириб бориш ҳамда тезкор ҳужумда ташкил этиучи аъзолардан дарвазабон ҳам иштирок этиши. Шу билан бирга тезкор ҳужум ўйинчилардан майдонни яхши кўра билишнинг ва координацион қобилиятларни такомиллашган бўлишини талаб этади.

Йўналишдаги ҳужум: бу ҳужум усули ўйинчилардан юксак техник ва тактик маҳорат талаб этади. У тезкор ҳужум амалга ошмагандан яъни ракиб ҳимоячилари ҳимоя чизигини эгаллашганда ташкил этилади. Бунинг учун ҳужумда ўйинчиларни деярли барчаси иштирок этади. Йўналишдаги ҳужумда ракиб ҳимоячиларни бир жойга суруб келиш, уларни ёйиб ташлаш усуслари кўлланилади. Йўналишдаги ҳужумнинг оқим усулида ташкил қилиниши ҳам самарали натижалар бериши мумкин. Бу усулда ҳужумчилар кетма-кет ўрин алмаштириб борадилар. Бу ҳолат ракиб ҳимоячиларни чалғитади. Бу ҳужум усулида техник ҳаракатларни тезкорлик ва эпчиллик билан бажариш, узок масофадан тўп узатиш ва улоктириш ҳамда мўлжалга олиш қобилияти такомиллашган бўлиши керак.

Ҳужумда жамоа тактикаси: тактиканинг бу усули бутун жамоа ўйинчиларининг ўзаро келишган ҳолда техник ҳаракатларни бажарышлари ва тактик ҳужумларни амалга оширишларидир. Бунинг учун ҳужумчилар сонини ортириб бориш ва уларнинг майдон бўйлаб ҳаракатларни тез-тез ўзгартириб туриш, қанот ўйинчиларни ва марказ ҳужумчисини ҳам ҳужум зоналарини тез-тез алмаштириб туриш керак бўлади. Жамоанинг ҳужумдаги тактик ҳаракатлари ўйин да-

вомида қоида бузилишлар вактида жарима тұпі киритиш ёки ҳужум үюшгериш давомида аввалдан тайёрланған ва амалда бир неча бор құлланған тактик ҳаракатлари мұраббийнинг ҳар бир ракиб жамоа камчиликлари ва устунликларини ҳисобга олган холда ишлаб чиқ-илған режа асосида ҳам ташкил этилади. Гандбол бу жамоа үйини ҳисобланыб, ғалабага әриши учун жамоанинг барча үйинчилари яқдиллик билан ҳаракат қилишлари керак.

Химоя тактикаси: Яхши ташкил этилған ҳимоя дарвозанинг дах-лесизлигини таъминлабгина қолмай ғалабага ҳам олиб боради. Ҳимоя ҳаракатлари ҳужум ҳаракатларига жавоб ҳаракат ҳисобланыб, уни ташкил этиш ва бошқаришнинг үзиге хос хусусиятлари бор.

Якка ҳолдаги тактик ҳаракатлар: Дарвозаны ҳимоя қилишда ва ҳужумчининг ҳаракатларини чеклаб қўйишида ҳимоячи тактик жиҳатдан тұғри ҳаракат килиши керак. Бунинг учун у ҳужумчидан үз вактида тұпни олиб қўйиши шарт. Тұпни олиб қўйиши ҳаракати ҳужумчи йўналишини тұғри танлаш, тұп узатыш вактини тұғри аниклаш, тұпнинг йўналиши ва учиш тезлигини тұғри белгилаш ҳамда ҳужумчи тұп олиб юрганда уни қўриқлаб, тұпни олиб қўйиш. Шу билан бирга ҳимоячи ҳужумчи тұп олиб юрганда тұпни уриб юбориш ҳаракатини қўллаши мумкин. Ҳимоячининг асосий ҳаракатларидан бири ҳужумчига түсик қўйишдир. Тұп билан ҳаракатланаётган үйинчини ёки ҳужумчи улоктирган тұпни түсиши муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун ҳимоячи ҳужумчини йўналиши тезлиги ва қўллаётган алдов ҳаракатларини олдиндан аниклаш, шу билан бирга ҳужумчи дарвозага отган ёки шеригига чиқарған тұпни тезлиги ва йўналишини тұғри баҳолаб уни түсиши ҳимоячининг түсик қўйиши усули ҳисобланади. Ҳимоячининг якка ҳолдаги тактик ҳаракатларига тұп билан ҳамда тұпсиз ҳаракатланаётган үйинчиларни қўриқлаш ҳам киради. Бунинг учун ҳимоячи үйинчини ҳимоя чизигига яқынлаши билан унга қарши чиқиб ёнма-ён ҳаракатланади. Имкони борича ундан тұпни олиб қўйишга ҳаракат килади. Тұпсиз ҳаракатланаётган үйинчини қўриқлашда ҳам ҳимоячи уни майдондаги ҳаракатларни чегаралаш-га интилади. Ҳимоячининг якка ҳолдаги ҳаракатларига тұпни ушлаб олиш алдов ҳаракатлари ҳам киради.

Ҳимоядаги гурұх ҳаракатлар: Ҳимоядаги гурұх ҳаракатлари тактикасиға икki ва үйинчини үзаро мувофиқ холда ҳимоя ҳаракатларини құллаш тушунилади. Кўмак бериш усули ҳар бир ҳимоячининг үз шеригига ёрдамга тайёр туришидир. Бу усул ҳужумчини қўриқлашда, түсик қўйишида қўлланилади. Яныни бир ҳимоячи ҳужумчини қўриқлаб турғанда ундан ҳужумчи қочиши билан иккинчи ҳимоячи уни қўриқлаб олади. Алмашиниши усулида ҳужумчини қўриқлаб юрган

химоячилар тез алмашиниб турадилар. Химоячилар гурух ҳаракатларини ташкил этаётганда хужумчиларнинг тўсик кўйишидан кочишлари ҳам ташкил этилади. Химояда гурух ҳаракатлари кўп ҳолатда олдиндан режалаштирилган йўналиш асосида ташкил этилади.

Химояда жамоа ҳаракатлари: Жамоа ҳаракатлари химояда муҳим рол ўйнаб ўйиннинг тақдирини ҳал қилиши мумкин. Шахсий ҳимоя жамоа ҳимоячилари биттадан хужумчини қўриклаб юрадилар. Уни тўп олиб юришига, шерикларига тўп чиқариши ва қабул қилиши, дарвозага тўп отиши умуман майдон бўйлаб ҳаракатланишига тускенилик қиласидилар. Шахсий ҳимояда ҳимоячилар тез-тез алмашиниб туриши хужумчиларни чалғитади. Зонадаги ҳимояларда хужумчиларни ҳимоячилар ўз зонасида қабул қилишиб шу зонада уларнинг ҳар қандай ҳаракатларини чегаралашгага интиладилар. Химояда жамоа ҳаракатларини ташкил этишини кўйидаги усувлари ҳам мавжуд. Ҳимоячилар вазифаларини тез алмаштириб туриш. Ҳимояда ҳимоячилар сонини тез орттириш. Ҳимоячининг хужумчига қарши усувлар кўллаши. Улоқтирилаётган ва дарвозага отилган тўпни тўсиб қолиш ва ушлаш усувлари. Ҳимояда жамоа ҳаракатлари ҳам мураббий томонидан ишлаб чиқилган режалар асосида ташкил этилади. Бунинг усувлари хилма-хил бўлиши керак. Рақиб жамоасини ўйин олиб бориши хусусияти ҳамда хужумчиларни ҳаракатларига мувофиқ бўлган ҳимоя усувларини куллаш зарур бўтади.

Хозирги кунда Гандбол ўйини жаҳонда кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир давлатда зўр қизиқиш билан машғулотлар ва мусобакалар ўтказилмоқда. Гандбол ўйинида иштирок этувчи ўйинчилардан ўйин жараёнида юқори даражада жисмоний тайёргарлик, техник ва тактик тайёргарликлар талаб этилади. Юқори малакали гандболчи бўлиш учун тайёргарликлар ёшликтаноқ бошланиши зарур. Бу ёш даврни 11-12 ёш деб белгилаш мумкин. Гандбол ўйини юксак даражадаги тезкор динамик ўйин бўлиб ўйинчидан энг аввало юксак даражадаги шаклланган техник, жисмоний тайёргарликни талаб этади.

СУЗИШ

Сузиш спорти инсоннинг сузиш машғулотлари таъсирида жисмоний ривожланиши ҳамда соғломлаштириш вазифаларини ҳал этиади. Сузиш деганда инсонни сувда ҳаракатлана олиши ҳамда суза олиши тушунилади. Сузиш спорти бошқа спортлардан фарқли ўлароқ болаликдан то қарилликка қадар шуғулланиш мумкин. Сузиш билан эркаклар ва аёллар ҳам бирдаи шуғуллана оладилар. Спортча сузиш усувлари спортнинг оммавий ва кенг тарқалган



усулларидандир. Сузиш бүйича мусобақалар 100, 200, 400, 1500 метр масофага эркин усулда 100, 200 метр масофага, брасс, дельфин ҳамда оркада сузиш мусобақалари ўтказилади. Шунингдек, 4x100 ва 4x200 метр масофаларга эстафета мусобақалари ўтказилади. Ўрта мактаблар ва олий ўқув юртларида сузиш машгулотлари маъruzалар, семинарлар ва амалий машгулотлар шаклида ташкил этилади. Амалий машгулотларда сувда эркин ҳаракатлана олиш, спорт усулларида сузиш ҳамда амалий сузиш усуллари –сувга шўнгиш, сув остида сузиш ва чўкаётганни кутқариш ҳаракатларига ўргатилади. Қадимги адабий манбаларда курсатилишича одамлар бир неча асрдан бери сузиш машқлари билан шуғулланадилар ва сузишни биладилар. Қадимги Римда ва Грецияда сузиш машгулотлари ўтказиш учун сунъий сув хавзалари бунёд этилган. Спорт усулларида сузиш машқлари 15-16 асрлар бошида шакллана борди. Сузиш бүйича биринчи мусобақалар 1515 йилда Венецияда ўтказилган. Янги даврда сузиш спорти 1896 йилдан Олимпиада ўйинларига ўтказилган. Федерацияси – ФИНА. Сузиш машгулотларини ташкил этиш ва ўтказишда яхши қурилған ва жиҳозланган бассейнлар муҳим урин тутади. Шу билан бирга қўшимча хоналар, жисмоний тайёргарлик хоналари, душ, сауна ва кийиниш хоналари машгулотларни тўғри ташкил этилишини таъминлайди.

Сузиш машғулотлари ўтказиладиган бассейнлар күйидаги гурух-ларга бўлинади:

1. Оммавий сузиш бассейнлари.
2. Тайёргарлик машғулотлари ўтказиладиган бассейнлар.
3. Юқори малакали сузувлчилар тайёрлайдиган сузиш комплекслари.

Шу билан бирга тиббий муассасаларда даволаш муолажаларини ўтказиладиган сузиш хавзалари фойдаланилади. Бассейнлар таги текис ва қия ҳолда бўлиши керак. Болалар билан сузиш машғулотлари ўтказишда сувнинг тозалигига ва температурасига эътибор бериш керак. Сувнинг температураси ёшга қараб 27-32 градус бўлиши мумкин. Бассейнлар ҳажми 12,5 метр энига, узунлиги 25 метр ҳамда 25 метр энига, узунига 50 метр бассейнлар бўлади.

Сувда сузиш организмни чиниктириш манбаи. Дастрлаб сув муолажаларидан кейин бошлаш керак. Чунки сув ўзининг физик хоссалари, яъни иссиқликни ўта ўтказувчанлиги, катта иссиқлик сифимига эга эканлиги ва терига механик таъсир кўрсатиши билан, сувга ўрганмаган организмини шамоллатиб қўйиши мумкин. Сув муолажаларини, хусусан, уларнинг турларни мунтазам равишда ҳар куни, муайян шарт-шароитда, боланинг ёшига, соғлигига қараб бажариш керак. Сув муолажаларига сув ванналари, душ, баданни ҳўл сочиқ билан артиш, бошдан қўйиш, ҳўл чойшабга ўралиш кабилар киради. Баданни ҳўл сочиқ билан артганда сув унга енгил-елпи таъсир кўрсатади. Тетик, бардам қиласи, кон айланиши, моддалар айланишини оширади. Бунинг учун ҳарорати 30 градус атрофидаги сувга сочиқни ҳўллаб сўнг яхшилаб сикиб, дастрлаб кўл-оёқ, сўнг бадан артилади. Бир неча кун шундай қилингандан сўнг, сув ҳароратини 20 градусгача тушириш мумкин. Бу муолажада энг фойдали омил бу сув ҳарорати, терини қизартириб артишидир. Бошдан сув қўйиш, бу бола сувга анча ўрганганидан кейин, сувдан кўрқмай қолгандан сўнг бажарилади.

Сув ҳарорати 33-37 градус бўлиши лозим. Болага сув ёқса, унда Яна 2-3 марта қўйиш мумкин. Сўнг бунда ҳам албатта то бола исигунча қурук сочиқ билан артиш, ўраш зарур. Сузишга ўргатишини одатда 4, 5 ёшдан бошлаш мумкин. Баъзи ота-оналар, болам чўкиб кетиши мумкин, деб фарзандларини сузишга қизиктирмайди. Лекин сузишни билмаслик кўп ҳолларда фожеага сабаб бўлади. Сузишни болалигидан ўрганган яхши. Чунки бола сувда .сузганида айникса, оёқлар тинимсиз ҳаракат қиласи, куч билан ҳар хил шаклда, ҳар хил йўсинда танага зўр келади, бинобарин, уларни ҳам муттасил ҳаракатлантиради, иш бажаради. Натижада оёқ панжалари, бўғимлари мустаҳкамланиб боради, ҳар хил қийшайишларга урин қолмайди.

Сузувчининг анатомик ва физиологик хусусиятлари: маълумки сузиш одамнинг турли-туман, катта-кичик, кучли ва кучсиз ҳаракатларни горизонтал вазиятда бажариш исканжасида юзага келади. Одам шундай ҳаракатларни исталганча эркин, исталганча узок ва уйғун бажариши лозим. Бўғимлари яхши ривожланган, ҳаракати енгил спортчилар гавда ҳолатини ва умумий ҳаракатларнинг мутаносиблигини ўзgartирмасдан ёй бўйлаб эркин ва осон ҳаракат қилишлари лозим. Зарурият туғилса, бунга катта мушак турухлар жалб қилишлари ҳам мумкин. Ҳаракатларни катта тебранишда, яъни ҳаракат амплитудаларини узун олиб бажариш спортчилар сузиш техникасининг асосий шартларидан бири бўлиб, бу кувватни тежаб сарф қилишга ёрдам беради. Кўлларнинг ҳаракатчанлиги, бир караганда фақат елка бўғинлари ҳолатига боғликдек кўринади, аслида эса уларнинг эркин ва уйғун ҳаракат қилиши умуртқанинг кўкрак ва бел қисмлари қайишқоқлигига ҳам боғликдир. Умуртқанинг кўкрак-елка қисми етарли даражада ҳаракатчан бўлмаса, батерфляй, яъни дельфин усулида сузуви спорччи қўл билан тайёргарлик ҳаракатларини бажараётганида истаса-истамаса, гавдани юқори қисмини кўтаришга мажбур бўлади.

Гавда тузилишининг аҳамияти. Гавда тузилишида мутаносиблик сузиш техникасини эгаллашга муайян даражада аҳамиятга эга. Масалан, яхши ривожланган, узун қўл ва оёқли, вазни уртача сузуви спорчилар бир қадар юқори кўрсаткичларга эга булишлари мумкин. Аксарият ҳолларда улар баланд бўйли, қўл ва оёқлари узун, вазнлари нисбатан енгил бўладилар. Бежиз эмаски, 14-15 ёшли ўсмир сузуви спорчилар мушаклар ривожланиши айтарли даражада бўлмасада, вазни енгиллик ҳисобига кўп ҳолларда юқори кўрсаткичларга эга бўлади. Шунинг учун ҳам сузуви спорччини танлашда дастлаб унинг шу жиҳатлари ҳисобга олинади. Яна шу жиҳатларига қараб унга сузиш усули танланади.

Сузиш техникаси. Сузиш техникаси деганда ҳаракатларни мутаносиб равишда намоён қилиш тушунилади. Бунинг учун аввало сузишнинг шакли, ҳаракат усуслари ва ҳаракатларнинг ўзаро қовишуви мос талаб этилади. Шунда спорччи ўзининг ташқи ва ички кучларини юқори даражада сафарбар қила олади. Сузувчининг мунтазам равишда бир қолипга тушиб сузишни эгаллаши бора-бора унинг индивидуал сузиш техникасига айланади. Энди у ўзининг бутун ҳаракат ва функционал имкониятларини ўз техникаси асосида рўёбга чиқарадиган булади. Бу одатда индивидуал техника дейилади. Индивидуал техника қоидага доимий равишда ривожлантирилиб, такомиллаштирилиб боришни талаб қиласди.

Гидростатистика: Сузувчи танасининг сувдаги ҳаракатини информалайди. Сузиш техникаси маълум қоидага мосланган ҳаракат ва ҳолатлар мажмуасидан иборат. Бу ҳаракат ва ҳолат асосан 5 хил бўлиб, булар гавда ҳолати, оёқлар ҳаракати, қуллар ҳаракати, нафас, ҳаракатларнинг умумий ўйғунлашувидан иборат.

Статик сузиш: Сувга тушган сувзувчининг ҳамма томонига одатда, сувнинг босим кучи таъсир қиласди. Одам сувга қанча чукур тушса, унга тазийик ўтказадиган босим кучи ҳам ортиб боради. Аммо, мана шу босим кучининг қай даражада юкори бўлиши гавданинг жойлашиш вазиятига ва сувнинг таркибига ҳам боғлиқdir. Чунки, одам гавдаси сувда горизонтал вазиятда бўлса, унга сувнинг кутариш кучи катта ҳажмда, вертикал вазиятда бўлса, кичик ҳажмда таъсир қиласди. Демак, сувдаги тинч турган сувзувчига бир вақтнинг ўзида оғирлик кучи ва сувнинг кутариш кучи таъсир қиласди. Сувзувчининг мана шундай кучлар таъсирида бўлиши статистик сузиш дейилади.

Динамик сузиш. Сувзувчининг сувда олға сари ҳаракатланиб бориши динамик сузиш дейилади. Уни амалга ошириш учун одатда сувзувчи таъсир кучларини ҳосил қилиши керак. Доимий гидростатик куч ўзгармайди, қолганлари эса сабаб ва вазиятларга кўра ўзгариб туради. Сувзувчининг дастлабки ҳаракатлари унинг шахсий ички кучлари бўлиб, сувга таянишларида юзага келади. Ташки кучларга эса гавданинг оғирлик кучи, гидростатик куч, гавданни итарувчи ҳамда сувзувчининг сувда ҳаракатлар қилиши натижасида ҳосил бўлувчи гидродинамика куч киради.

Спортча сузиш усуслари техникаси: Кроль, ёнбошлаб сузиш, брасс ва дельфин тез сузиш усуслари бор. Бу усуслар сузишнинг бошқа усусларига қараганда кўп жиҳатдан афзаладир. Спортча сузиш усуслари спорт мусобақаларида, сузиб иккинчи қирғоққа ўтганда ва узок масофага сувзандан бу усуслар муваффакият билан қўлланилади. Дельфин усулида эса кўпинча яқин жойга сувзилади. Ҳозирги мавжуд рекорднинг ҳаммаси ана шу усуслардан бирортасида қўйилган. Спортча сузиш усусларининг энг мухим афзаллиги шуки, сувзувчининг гавдаси сувда горизонтал ҳолатда бўлғанлигидан сувнинг қаршилиги камайиб, сузиш тезлиги ортади. Сувзандан қул ва оёқ ҳаракати фойдали ёки олға силжишга ҳалакит берадиган бўлиши мумкин. Спортча сувзандан фойдали ҳаракатлар тезроқ бажарилади. Олға силжишга ҳалал берадиган ҳаракатлар секинроқ бажарилади ва шу билан сузишга камроқ ҳалакит беради.

Нафас олиш. Сувзандага тўғри нафас олиш катта аҳамиятга эгадир. Сузишнинг ҳамма усусларидан оғиздан нафас олинниб, бурун ёки оғиздан чиқарилади: баъзи бир сувзувчилар бир йула ҳам оғиз-

дан, ҳам бурундан нафас чиқарадилар. Нафас олиш құл ҳаракатында боғлиқ бўлиб. Энг кулай бўлган маълум пайтларда бир меъёрда нафас олиб турилади. Сузувчи спортчи нафас олиш учун дастлаб елка камарини юқорига кўтариш керак. Бу ҳолат қўллар билан эшишни тугатиш пайтига тўғри келади. Худди шунда у оғиз очиб олиб нафас олади. Кейин юзни сувга ботириб бир оздан кейин оғиз-бурундан нафас чиқаради. Нафас олиш ва чиқариш мусобақа охирига қадар бир маромда, шу зайлда давом этиши лозим.

Сузишга ўргатиш. Сузиш машғутлотларини бошлишдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш керак. Сузиш машғулоти учун суви тоза, таги текис ва қумли, аста-аста чукурлашиб борадиган ҳамда ўнқирч-чўнқирлари ва дараҳт тўнкалари бўлмаган кулай жойни танланади. Анҳорнинг бош томонида фабрика, завод ёки аҳоли яшайдиган жойлар бўлиб, улар сувни ифлослаб турсалар бундай жойда сузмаслик керак. Оқар сув, қўл сувига қараганда тозароқ бўлади, шу сабабли оқар сувда чўмилиш керак. Аммо жуда тез оқадиган сув сузиш учун нокулай, яхши сузолмайдиган кишилар учун хавфли, чунки кучли сув оқими уларни қирғоқдан узоққа оқизиб кетиши мумкин.

Баҳорда сувнинг ҳарорати 14 градусдан кам бўлмаса, фақат қуёшли ва иссик кунларда суза бошлиш мумкин. Кузда кун совиган сари бадан бунга ўргана боради, шу сабабли 14 градусдан совуқроқ сувда ҳам сузиш мумкин. Дастлабки пайтларда 10 минутдан ортиқ чўмилмаслик, кейинчалик чўмилиш вақтини астаскин ошира бориш керак. Совқотганда, бош айланганда, ланж бўлганда, лаб кўкарганда, сувдан чиқиш керак, чунки бундан кейин ҳам чўмилиш заарлидир. Овқатланиб 1,5-2 соат ўтгандан сўнг чўмилиш ва сузиш мумкин. Чўмилиб бўлгандан кейин шамолдан панароқ жойда туриб, баданни қуригунча сочиқ билан яхшилаб артиш керак. Ҳаво совуқроқ кунларда эса артиниб бўлгандан кейин бадан қизигунча кафт билан ишқалаш, сўнгра кийиниш керак. Бемалол сузишни ўрганиб олгунга қадар тажрибали сузувчилар билангина сузиш керак. Чукурлиги белдан ошмайдиган жойлардагина чўмилиш ва қирғоқка юз ўтириб туриш лозим. Кўз-қулоқ бўлиб турадиган тажрибали катта ёшдаги кишилар назоратида чукур жойда сузуб кўриш мумкин. Шўнғиганда ва сузганда кўз очиқ бўлиши керак. 50 метргача bemalol ва дадиллик билан суза оладиган бўлганингиздан кейингина сувга сакраб тушишини ўрганиш керак. Дастлаб чукурлиги камиде 2,5 метр келадиган сувга ярим метр баландликдан сакралади. Сакраб шўнғиши техникасини ўргана борган сари тобора баландроқ жойдан чукурроқ жойга сакралади. Уч метр баландликдан сакраганда сувнинг

чукурлиги камида 3,5 метр булиши керак. Шүнгиганда ва сузганда қалтис ҳазилларга йұл құймаслик керак. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, сувдаги ҳар қандай әхтиётсизлик кишининг баҳтсизликка учрашига сабаб булиши мүмкін.

Таълим муассасаларида дастур асосида сузиш буйича машғулот үтказишда аввало дарс жадвалини тузиб чиқиши ва шунга асосланып баённома ёзиш лозим. Масалан, сузини учун шароити йұқ, аммо яқин атрофида ариқ, ҳовуз, сой, дарё ва шу каби очик сув хавзаси бұлған жойларда таълим муассасаси директори, инструктори, үқитувчилар болаларнинг хавфсизлігини эътиборга олган холда ёзинг иссик ойлариди –май, июнь, июль, августда болаларни сузишта үргатиши тадбирларини үтказышлари керак.

Кроль усулида сузишта үргатиши. Кроль –әңг гез сузиш усули. Ҳақиқий спортча сузиш тахминан 19 аср охириларидан бошлаб юзага келган. Кроль усулида сузишни үрганишда, сувнинг саёзрок жойигача кириб, 4-5 метр масофага бир неча марта сузив күриш керак. Даставвал юзни сувга ботириб нафас олмай сузилади, аммо құлларни сувдан чиқариб олдинга узатиб оёқларни бир маромда ишлатилади. Сузганда күз очик бұлсın, шу билан бирга сув усти ва тагида ҳаракатларни диққат билан күзатиб борилади. Кроль усулида 3-4 марта сузив күргандан кейин чиқиб дам олинади. Кроль усулида сузганда күл ва оёқларни қандай ҳаракатлантириши кераклигини яхшилаб билиб олиш учун, бу машкларни кирғокда тақрорланади. Сузганда нафас олиш күл ҳаракатларига түгри боғланган булиши катта ахамиятта әгадир. Чап күл билан эшганда бошни чап томонға буриб, оғиздан нафас олинади ва юзни пастга каратиб, сувга пуфлаб нафас чиқарилади. Кроль усулида сузганда қандай ҳаракат килиш кераклигини бир неча марта тақрорланади. Кейин бу ҳаракатларни сувда тақрорлаш керак.

У пайтларда треджен усули ва брасс усули оммалашған зди. Треджен усулида сувучи құллары билан навбатма-навбат ҳаракат килған ва нафас олиш ихтиёрий бұлған. Құллар ҳаракатини батағсил-роқ тасвирлайдиган бұлсак, бу қуйидагича бұлади: унг күл үнг елка рұпарасынан сувга ботириләди ва у пайтда күл тирсакдан хиёл букилади, олдин бармокларни ёзиб панжани кейин билак ва ниҳоят елка сувга ботирилади. Сув тагида күл олдинга узатилған булиши ва пастга қараб эшилиши, ярмисига келганды күл тирсакдан букилади ва биқин ёнидан то сонгача сувни зур бериб торғышда давом этилади. Эшиш ҳаракатларини бажараётганды бармоклар бирлаштирилиб сувни иложи борича күпроқ олиш учун юза ҳовуч килинади. Кроль усулида сузилганды одатда күл билан икки марта эшишта, оёқ билан олти марта ҳаракатланишта улғуриш керак.

Чалканча кроль усули. Кроль усулида факат күкракдагина эмас, балки чалканча ҳам сузилади. Бунда гавда горизонтал ҳолатда бўлиши лозим. Оёқлар тахминан кўкракда сузгандагидек, яъни мускулларни зўр бериб ишлатмай юқоридан пастга ва пастдан юқорига тез-тез ҳаракатлантирилади. Икки қўл галма-гал эркин равишда юқори кўтарилиб сувни эшади. Даставвал секин эшилади, сўнгра борган сари ҳаракат тезлаштирилиб, тирсак бикингача кела бошлайди. Нафас олиш икки қўлнинг ҳаракатига боғлиқ, чунончи, бир қўл юқори кўтарилигандан нафас олинади, иккинчи қўл кўтарилигандан эса, нафас чиқарилади. Қўллар ҳаракати бу усулда одатда икки хил бўлиши мумкин. Ўнг қўл олдида таянч вазифасини бажараётгандан чац қўл соннинг ёнгинасида сувдан чиқади ва юқорига кўтариб олдинга ташланган дамда чац қўл асосий вазифани бажаради. Бунда чац қўл соннин ёнгинасида сувдан чиқади, унг қўл олдинда сув ичида таянч вазифасини бажаради. Иккала оёқ навбатма-навбат қайчи сингари ҳаракат қилдирилади, бири пастга тушганда иккинчиси юқорига кўтарилади ва шу билан тананинг горизонтал ҳолатда олға сари ҳаракатланишига ёрдам беради.

Брасс усулида сузишни ўрганиш. Брасс усулида сузиш техникасининг энг муҳим томони иккала оёқларни ишлатиш машқлари билан даставвал қирғоқда ўтирган ҳолда, кейинчалик сувда шуғулланадилар. Уларни пухтароқ ўзлаштириб олиш учун ҳаракатларни аввал бўлиб-булиб, кейинчалик бир йўла ўрганилади. Бир деганда оёқлар қимирламай туради, икки деганда оёқлар букилади, товоңлар икки томонга каратилади, уч деганда гүё сув эшилгандек доиравий ҳаракат қилинади ва оёқлар ростланади, турт деганда оёқлар ҳаракатсиз туради. Бир деганда оёқлар ҳаракатсиз туради. Икки деганда ҳаракат секин, уч деганда эса, тез бажарилади. Брасс усулида сузгандагина оёқ ҳаракатларини ўрганиб олгандан сўнг аввал куруқликда, кейин энгашиб турган ҳолда, сув ичида қўл ҳаракатлари ўрганилади, сўнгра қўл ҳаракатларини нафас олиш билан мослаб бажарини ўрганиш керак.

Дельфин усулида сузишни ўрганиш. Даставвал оёқларни ишлатишни, шу билан бирга уларни сувга тез ва эластик ботиришни ўрганиб олиш керак. Машқ килиш учун гимнастика деворчаси, ихота ёки панжара ёнида шу нарсага ён томон билан турилади, гимнастика скамейкаси, гишт, тўнка ва шу сингари бошқа бирор баланд нарсага бир оёқ билан босиб турилади. Бир қўл билан девор ушланади. Ташқи томонда қолган оёқни орқага сурис силтаб тиззадан букилади. Оёқнинг юзи билан тезгина тепилади. Бу машқни бажарганда оёқ куп эгилмайди. Сувга тушиб қирғоқ то-

монга қараб ётиб икки күллаб сув тагига таяниш керак. Агар сузиш ховузида машқ қилинаётган бўлса, дастакларни ушлаб олиш керак. Оёқларни аста-секин тиззадан ҳамда тос бўғинидан бука бошланади, тезликни ишлатиб сузиш лозим. Аввал масофанинг бир оз қисмини сузиб ўтиб, кейин дам олиш керак, масалан, 25 метрдан сузиш мумкин.

Старт. Супачадан сакраб старт олиш. Сузиш машгулотларида ва мусобақа вактида сузувчи маҳсус старт тумбочкасидан ёки сувдан 30-50 см баланд кўприкчадан сакраб шўнгийди. Старт сакраши анча тез сузиш имкониятини беради. Сувнинг чуқурлиги 2,5-3 метрдан кам бўлмаса, юқорида айтилган баландликдан сакраб ўрганиш мумкин. Саёз жойда шўнғиши жуда хавфлидир, чунки сув тагига урилиб шикастланиб қолиш мумкин. Старт берувчи хуштак чалиб «қатнашчилар ўз жойига ўтсинлар!» деган байруқни бергандан кейин сузувчилар старт тумбочкаларига чиқиб турадилар. «Тайёрланинг!» деган байруқ берилгач, тумбочкаларнинг олдинги қисмига ўтиб олиш, оёқ бармокларини тумбочка қиррасига тираб, тиззани букиб олдинга энгашиб туриш керак. Байроқча ёки старт тўппончаси билан «Ташланг!» байруги берилгандан кейин қўлларни тезгина олдинга узатиб, оёқлар билан тахтадан қаттиқ тепсиниб сакраш, гавданинг тўппа-тўғри туриши, бошнинг олдинга чўзилган икки қўл орасида бўлиши керак. Сувга шундай бориб тушиш керакки, гавда 50-80 см чуқурликда олдинга силжиб борсин. Сув бетига чиққан заҳоти суза бошланг. Кроль усулида сузганда сув остидаги тезлик пасайгандан кейин сузувчи оёқларини ишлата бошлайди, нафас олиш учун бошни бурган томондаги қўлни ишлатмай, балки иккинчи томонидаги қўл билан эшади. Айни шу вақтда нафас чиқарилади. Сузувчи сув устига қалқиб чиқади. Сўнгра оёқ ҳаракатини сусайтирамай, сузувчи суза бошлайди. Биринчи қўл сувга ботирила бошлаганда иккинчиси эшишнинг ярмига етган булади.

Сув ичида старт олиш. Одатда чалқанча ётиб сузиш мусобақаларида сув ичида, яъни бассейн деворидан оёқлар билан депсиниб старт олинади.

Дастлабки ҳолат огоҳлантирувчи сигналдан сунг сузувчилар сувга тушиб икки қўлда маҳсус тутқичдан ёки супачанинг олд томонидаги ўйик жойдан –ушлагичдан тутиб туради. Депсиниш ҳолатида сузишга байруқ берилгач, сузувчи тутқични силтаб итариб юборади ва қўлларини юқори кўтариб орқага бир оз икки ёнга ҳаракатлантиради ва шу пайтда бошини орқага ташлаб нафас олади. Оёқларини ҳамма бўғимларидан ёзаркан, зарб билан депсинади. Тана билан сув сатҳи оралиғидаги маълум даражада масофа қоли-

нади, кейин тана сувга тушади. Сузувчининг сувга ботиши 40-60 см дан ошмаслиги керак. Ҳаракатни дастлаб оёқлар бошлаб беради. Кейин ўнг ёки чап кўл билан шундай эшиладики, эшиш охирiga етганда тана сув сатҳида бўлиши керак.

Бурилишлар: Сузиш билан сув бўйида, ҳовуз ёки кўлларда шуғулланиш мумкин. Ҳовузнинг узунлиги 25-50 метрдан ошмайди, шунинг учун доимо ҳовузнинг нариги четига сузуб борган сузувчи катта ютуққа эришади. Ҳар қандай усулда сувгандан ҳам сузувчининг қули ҳовуз тахтасига бориб тегади. Шундан кейин у, 180 градус бурилиб, иккала оёғи билан ҳовуз тахтасини тепади. Чапга ҳам ўнгга ҳам бурилиши мумкин. Сузувчининг ҳар иккала томонга бурила билгани маъқул. Маълумки сузиш спорти мусобақалари одатда узунлиги 25 ёки 50 метрли бассейнларда, 50 метрдан 1500 метргача масофаларда олиб борилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, тезлик кўрсаткичини ошириш учун спортчи бурилиш техникасини жуда яхши эгаллаган бўлиши керак. Бурилиш техникасини яхши эгаллаган сузувчи ҳар сафар бурилганда 0,5-1,0 секунддан вакт тежаб боради. Бинобарин 69 марта бурилганда 29,5-29 секунд тежалган бўлади.

Бурилишлар очик ва ёпик бурилишларга бўлинади. Очик бурилишда сузувчи бурилиш ҳаракатини сув остига кирмай бажаради. У ҳовуз деворига етиб боргач бир қўлини деворга теккизган ҳолда икала оёқларини тизза бўғимда букиб деворга таянади ва кучли депсиниши билан олдинга интилади. Ёпик бурилиш усулида сузувчи девор четига келгач, сув остида айланиш ҳаракатини бажаради. Айланганда ярим гужанак булиб оёқлар деворга горизонталь тўгри келганда деворга тиралади ва депсиниши ҳаракати бажарилади. Ёпик бурилишнинг очик бурилишдан афзаллиги шундаки, катта тезланишга эришиш мумкин.

Мусобақалар: Мусобақада сузувчининг маълум бир давр ичига қилган машқларига якун ясалади. Шу билан бирга ҳар бир мусобақа сузувчининг жисмоний, тактик, психологик жиҳатдан чини-қтирадиган, Яна келгуси мусобақаларга тайёрлайдиган машқдир. Сузиш мусобақалари куйидаги масофаларда утказилади:

Эркин усул -50, 100, 200, 400, 800 ва 1500 метр (охирги масофа фақат эркаклар учун)

Брасс усали -50, 100 ва 200 метр.

Баттерфляй усали -50, 100 ва 200 метр

Чалқанча сузиш -50, 100 ва 200 метр

Эркин усулда 4x100 метрга сузиш эстафетаси

4x100 метрга аралаш эстафета. Чалқанча 100 метр, -брасс усу-

лида -100 метр, баттерфляй усулида 100 метр, -эркин усулда 100 метр.

Мусобақалар шахсий ва шахеий жамоа учрашувларига бўлиниди. Мусобақа натижаси секундомер кўрсатган вақтга қараб аниқланади. Агар бир масофада қатнашган барча сузувчилар бир йўла суза бошлаган бўлсалар, натижалар уларнинг финишига олдин-кейин келишга қараб аниқланади. Жамоа биринчилиги эса мусобақа ҳақидаги низом асосида аниқланади. Ҳар бир иштирокчи мусобақага озода спорт кийимида чинши лозим: эркаклар плавка билан труси ёки фақат плавки, Хотин-қизлар сузиш костюми ва қалпокчага эга булишлари керак. Сузувчилар фақат шифокорнинг рухсати билан мусобақага қатнаштирилади. Мусобақалар ўтказиш учун қуйидаги таркибдан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилади: бош ҳакам, буриладиган жойдаги ҳакам, мэррадаги ҳакам, секундомерчилар, қатнашчилар олдидаги ҳакам. Ҳакамлар қатнашчиларнинг мусобақа қоидаларини аниқ бажаришларини кузатиб борадилар.

Амалий сузиш. Сузишнинг амалда, яъни турмушда, ҳаётда кераги булиши. Қутқариш амалини билган одамгина чўккан одамни кутқара олади, акс ҳолда, ўзини ҳам халок қилиши мумкин. Эндиликда амалий сузиш чуқурликка ва узунликка шўнғиши, чўкаётганларни қутқариши, кийим-бош билан сузиш, қирғоқдан қирғоқка сузиб ўтиш, сувга сакраш усуllibарига тафовут қилинади. Амалий сузиш жараёнида албатта спортча сузиш усулини қўллашга туғри келади.

Чўкишнинг сабаблари. Сувга чўкиш жумхуриятимиз шароитида асосан ёз ойларида содир бўлади, аммо тоғли ноҳияларда бўладиган баҳорги сув тошқинлари, сел келиш оқибатида ҳам одамлар сув гирдобида фарқ булиш ҳолатлари учраб туради. Бундай пайтларда одамлар албатта кийим-бошда бўладилар. Чўкаётган одамни кутқариб қолиш осон иш эмас. Бу ишда одамдан маълум маҳорат талаб қилинади, у кўпгина қўнікма ва малакаларни эгаллаши ва чалқанча брасс усулида сузилади. Ҳар қайси сузиш усули вазиятга, шароитга қараб танланилади.

Чўкаётган одамни кутқариш. Чўкаётган одамни кутқариш ҳар бир инсоннинг бурчидир. Бу бурчни адо этиш учун албатта, сузишни яхши билиши керак. Қутқаришни бир неча усули ва амаллари бор. Масалан, сувга чўкиб бораётган одамни сув оқими кутқарувчи томонга оқизиб келаётган булса, кутқарувчи чўкаётган киши олдига бурчак ҳосил қилиб сузиб чиқиши лозим. Хушидан кетган одамни сувдан олиб чиқиш қуйидагича бажарилади.

А) чўккан одамни сочидан олиб чиқиш.

Харакатлантириб, ёнбошлаб, бүш құл ёрдамида сузіб олиб чиқлади.

Б) чүккан одамни иягидан иккі құл бош тарафидан келиб ушланади ва чалқанча ётган ҳолда брасс усулида оёклар билан харатат қылғын сузіб олиб чиқилади:

В) чүккан одамнинг орка томонидан бир қулинин иккі құлтиғидан үтказиб ушлаб, иккінчи бүш құли билан ёнбошлаб сузіб, оёкларни ҳам шу усулга күра харакатлантириб олиб чиқилади.

Г) күлни чүккан одамнинг бир құлтиғидан үтказиб, иягидан ушлаб ёнбошлаб сузиш ҳаракатлари билан олиб чиқилади.

Суза оладиган ҳар бир киши сувга чүкаётган одамга ёрдам берішга мажбур. Ҳалокатга учраган кишига ёрдам бераман, деб үзини йүқотиб қўймаслик керак. Ўёқ-буёққа югуриб бекорга вақт үтказмай дарҳол кийим-бошни ечиб ва чүкаётган одам олдига тез сузіб бориш керак. Агар сувга нарсада етиб боришининг иложи бўлса, шу тадбирни дарҳол қўллаш керак. Сувга чүкаётган одамга етиб олиб уни чалқанча ётқизиб ва бошини иккі қуллаб шундай ушлаш керакки кафтлар унинг кулогини бир қисмини беркитсин. Шу ҳолда факат оёкларни ишлатиб сузиш ва уни қирғоққа томон судраш керак. Шу пайтда унинг оғиз бурни сувдан чиқиб туришга эътибор бериш керак. Агар ёнбошлаб сузишни билса, чүкаётган одамни қутқазиб қолиш учун яна ҳам куляйроқ усулни қўллаш мумкин. Бунинг учун чүкаётган одамни ўзига нисбатан орқасини ўғириб, чап құл билан унинг чап құлтиғидан үтказади ва ўнг билагидан ушлаб олиб, пастдаги ўнг құл ва оёкларни ишлатиб, ўнг томонга ёнбошлаб сузади. Унинг оғиз-бурнидан сув чиқиб туришига эътибор бериш керак. Чап томонга ёнбошлаб сузганда вазият шунга яраша ўзгаради. Чүкаётган киши вахима босиб қутқарувчининг бели ёки елкасидан ушлаб олиши мумкин. Бундай ҳолларда бир құл билан унинг иягидан штариб, бошини орқага қайириб ундан ҳалос бўлиш керак. Бүш құл билан унинг кулидан ушланади. Агар чүкаётган одам қутқарувчидан кучлироқ бўлса, бу йўл билан ундан кутилиб бўлмайди, шунинг учун сувга шўнғишиш керак. Чүкаётган одам ўз таянчини йўқотгандигидан, сув бетига чиқиш учун қулларни қўйиб юборади. Ана шундан кейингина уни қутқариш учун тез ва кескин чора кўриш керак.

Чўкканда биринчи ёрдам курсатини: Агар сувга чўккан одам хушидан кетиб қолган бўлса, дарҳол шифокор чакириш ва шифокор етиб келгунча уни хушига келтириш учун барча чораларни қўллаш керак. Даставвал уни сиқиб турган кийимларини ечиб, ёнбошлатиб ётқизиши, оғзидағи сұлакай, лой ва күмни бармоқлар билан тозалаш керак. Бунинг учун бармоқларни тоза дастрўмол

ёки тоза латта билан ўраб олиш керак. Агар у оғзини қаттик юмиб олган бўлса, икки жағидан дўппайиб турган мускулларини кўл билан ишқалаб, кейин оғзини очиш осон бўлади. Уни боши ва оёқлари осилиб турадиган қилиб тиззага қорни билан ётқизилади, оғзи ва нафас олиш йўлларидағи сувнинг оқиб чиқиши учун орқасига кафт билан босиш керак. Кутқариб олинганди кишининг янгидан нафас ола бошлиши учун, унинг ўпкасига тоза ҳаво кириши учун унга сунъий ҳаво олдириш мумкин. Кутқарилган кишининг оғиз ва бурнига ҳаво кириб турадиган қилиб юз тубан ётқизилади. Сўнгра тиз чўкиб ўтириб, кафтлар унинг орқасига қўйилади. Иккита бошмаддок умуртқа суягига параллел ҳолатда бўлсин. Болика бармоқлар пастки қовурғалар устида турсин. Кейин бутун оғирлик билан унинг қовурғаларига босиб, упкасидан сув ва ҳаво чиқарилади. Сўнгра босиш тўхтатилади. Шу пайт унинг кўкрак қафаси кенгайиб, ўпкасига ҳаво киради.

Сунъий нафас олдириш. Чўккан одамни сувдан олиб чиққач, дархол унинг юрак уриши, нафас олиши, кўз қорачигининг ёруғлика сезгирилиги ва умуман шикастланган жойларни кўздан кечириб чиқиши керак.

1. шикастланган киши чалқанча ётқизилади.

2. боши орқага энгаштирилади.

3. ҳаво пуфлаш йўли билан сунъий нафас олдирилади.

Юрак тўхташининг асосий белгилари қўйидагилар: хушидан кетиш, пульс бўлмаслиги, юрак уришларининг эши гилмаслиги ёки кўкарғанлиги, кўз қорачиқлари ниҳоятда кенгайиши, мускулларнинг тортиши. Шунда юракни ташки ёки кўкрак устидан массаж қилиш керак. Бунинг учун ўмров суяги устидан юрак соҳаси қаттик босилади. Ҳар тўрт босишга бир марта оғиздан пуфланади, бунда бурун катаклари кисиб турилади. Бу ҳаракат юрак иш фолияти тиклангунга қадар ҳамда шифокор етиб келгунча такрорланаверади. Ўзи нафас ола бошлагандан кейин уни иссиқрок бинога олиб кириб ётқизиш ва иситиш, грелка ёки иссиқ сув солинган шишаларни латтага ўраб унинг танаси ва оёқларига қўйиш, устига кўрпа ёпиш керак. Бемалол нафас ола бошлагандан кейин унга иссиқ чой ичириши керак.

Шўнғиши: Чўккан кишини сув тагидан олиб чиқиши, сувга тушиб кетган буюмни топиб олиш керак. Шўнғиши учун ҳар хил сузиш усууллари, чунончи, қўлларни чиқармай ёнбошлаб сузиш, қўл сонга етгунча эшиб брасс усулида сузиш кўлланилади. Сув гавдани юқорига куттармаслиги учун бошни эгиб шўнғиши керак. Кўзлар очиқ бўлиши лозим, Дастрлаб сув секин оқадиган, таги текис ва саёзроқ жойдан қирғоқ томонга шунғиби урганиши керак. Зарурият тугилган-

да кийим билан сузишга мажбур бўлиб қолинади. Кийим-бош билан сувгандан шошилмай, охиста ҳаракат қилиш ва масофани астасекин ошира бориб 10 метрдан 100 метргача етказиш лозим.

Сувга сакраш: Сувга сакраш катта амалий аҳамиятга эга. Масалан, баланд кирғоқда ёки қўпприк устида турган киши сувга чўкаётган одамни қутқариб қолиш учун ўша жойдан сувга сакраб шўнгиши керак. Сувга шўнғиши усууллари бор. Оддий шўнғиши усулини ўрганиш кулагай. Бунда сувга калла ташлаш ёки тикка туриб сакраш усууллари қўлланилади. Тика туриб сакраганда қўпприкча четида қўлларни ёнбошга сиқиб турилади ва гўё зинанинг пастки босқичидан сакрагандагидек сувга сакралади. Ҳавода оёқлар чўзилган, гавда тик, бош кўтарилган, қўллар ёнбошга сиқилган бўлиши керак. Калла ташлаганда қўпприкча четида туриб, қўлларни елка кенглигида олдинга чўзиш, сўнгра пастга силтаб орқага узатиш ва гавдани олдинга ташлаш керак. Қўлларни орқада тўхтатиб турмай тезгина олдинга силтаб, бош устида доира шаклида чизик чизиб утиши ва сув сатҳига нисбатан 80-90 градус бурчак хосил қилиб шўнғиши лозим. Сувга сакраганда гавда чўзилиб туриши, оёқ-қўллар тўғри чизик хосил қилиши лозим. Борган сари баландроқдан сакраш керак. Спорт мусобақаларида 5-10 метрли билан трамплинлардан шўнғилади.

МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИ



Ўзбек кураши усууллари қадимдан мавжуд бўлиб, бу қўп сонли тарихий ёдгорликларда ўз аксини топган. Баҳсларни тинчлик йули билан ҳал қилиш, шунингдек душманни асирга олиш усуулларини ўз ичига оладиган кураш усуулларини тасвирловчи қадимий расмлар ҳозирги Ўзбекистон худудида олиб борилган археологик қазилмалар давомида топилган. Ўзбекистон худудида яшовчи ҳалқларда беллашув биринчи ташлашгача давом этган.

Хозирги Ўзбекистон худудида қадимдан иккита куаш тури шакланган: ракиб белбоини олдиндан ушлаб олиш ва рақибни эркин ушлаб олиш. Курашнинг биринчи тури Фарғонача, иккинчиси Бухорача усул деб номланган.

Ўзбек курашига мустақиллигимиздан сунг алоҳида эътибор қартилмокда. Жисмоний тарбия ва спорт борасидаги фаолият давлат миқёсида эътиборга олинаётган бир қатор ютуклар гарови булаётгани барчага аён. Жумладан, 1993 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом авлод учун» ҳалқаро давлат жамғармасини ташкил килиш, 1998 йил «Ўзбекистон Республикасини соглиқни сақлаш тезисини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги фармони 1999 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги карори, 1999 йил 7 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 7 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши ва бошқа бир қатор фармойиш ҳамда қарорлар куашчиларни жаҳон спорти ареналарида доимо ғолиб келишга янада илҳомлантиради.

ҲАЛҚАРО (БУХОРОЧА) КУРАШ УСУЛЛАРИ

Ўзбек миллий кураши ҳисобланган Бухороча куаш усули етук мутахассисларнинг ҳаракатлари ва илмий услубий ва амалий изланишлари натижасида Ҳалқаро куаш усулига айланди. Куаш усули, техник ва тактик ҳаракатлар тақомиллаштирилди. Бу билан куаш янада жозибали ва завқли қуринишга эга бўлди. Ҳалқаро куаш федерацияси ташкил этилди ФИЛА. Федерацияга ўндан ортиқ мамлакатлар аъзо бўлди. Хозирги кунда Ҳалқаро куаш федерациясига аъзо бўлган мамлакатлар сони элликдан ортди. Федерация Президенти этиб Ҳалқаро куаш усулини тақомиллаштиришда катта ҳисса қўшган мутахассислардан К. Юсупов сайланди. Фахрий Президентлик ва бош ҳомий лавозимига Ўзбекистон Президенти И. Каримов номзоди бир овоздан маъқулланди ва тасдиқланди. Куаш мутахассислари ҳамда Ўзбекистон Президенти И. Каримов кўллаб-куvvatлашлари натижасида 1999 йилда Ҳалқаро куаш усули бўйича жаҳон чемпионати ташкил этилди. Биринчи жаҳон чемпионати Тошкент шаҳрида бўлиб утди. Мусобақалар катта қизиқиш ҳамда тантанали ўтказилди. 73 кг вазнда Ўзбекистонлик полvonлардан Акобир Курбонов I-чи ўринни, Махтумкули Маҳмудов II-чи ўринни, Хайрулла Насруллаев III-чи

ўринни эгаилдилар. 90 кг вазнда Ўзбекистонлик полвонлардан Камол Муродов I-чи ўрин. Армен Багдасаров II-чи ўрин. Баҳром Авезов III-чи ўрин олдилар. 90 кгдан ортиқ вазнда Ўзбекистонлик полвонлардан Тоштемир Муҳаммадиев I-чи ўрин, Эрали Махмараслов II-чи ўрин, Ботир Хўжаев III-чи ўрин соҳиби бўлдилар.

Халқаро кураш бўйича II-чи жаҳон чемпионати 2000 йил Туркия-нинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақада 73 кг вазнда Ўзбекистонлик полвонлардан Махтумқули Маҳмудов I-чи ўринни олди. 90 кг вазнлаги полвонлар беллашувидаги Ўзбекистонлик полвон Баҳром Авезов I-чи ўринни олди. Шу мусобақалардан бошлаб халқаро кураш бўйимча Жаҳон чемпионати мусобақалари доимий ўтказилиши ташкил этилди.

Халқаро кураш бўйича III-чи Жаҳон чемпионати 2001 йили августда Венгрияning Будапешт шаҳрида бўлиб ўтди. Бу мусобақада Ўзбекистонлик полвонлар ҳам ижобий натижага эришдилар. Баҳром Авезов мутлоқ вазн тоифасидаги курашда ҳаммадан ғолиб келди.

IV- чи Жаҳон чемпионати 2002 йили сентябрда Арманистоннинг пойтахти Ереван шаҳрида ўтказилди. Бу мусобақада ҳам Ўзбек полвонлари ижобий натижаларга эришдилар. 81 кг вазнда ғолиб бўлган Исок Аҳмедов мутлоқ вазн тоифасидаги мусобақаларда ҳам мутлоқ ғолибликка эришди.

Халқаро кураш бўйича Ереванда ўтказилган жаҳон чемпионати якунида Халқаро кураш усулини Олимпиада ўйинлариға киритишга карор килинди. Шунингдек, жанубий Кореяning Пусан шаҳрида ўтказилган XIV-Осиё ўйинлари мусобақаларида Халқаро кураш бўйича чиқишлилар намойиш этилди. Осиё ўйинлари таш-



килий қўмитаси қарори ва Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал Фахад Сабоҳ тавсиясига мувофиқ келгуси Осиё ўйинлариға Халқаро кураш мусобақалари киритилди.

ХАЛҚАРО КУРАШ УСУЛИ ТЕХНИКАСИ

Курашда усуллар техникаси ва ҳаракатлар тактикаси бир бутун ҳолда намоён бўлди. Техника кураш ҳаракатларини бажариш услуби, тактика эса кураш вактида турли хил вазифаларни ҳал этиш учун техник ҳаракатларни кўллаш усулидир. Бунда ўзи ҳамда ракибининг имкониятлари ва қобилияtlари ҳисобга олиниши керак. Техник тайёргарлик уқув тренировка жараёнини энг муҳим томони. Кўп йиллар давомида такомиллаштирилади, индвидуаллашиб борилади. Щунинг учун ҳам унга катта эътибор берилади. Спортчининг техникаси қанчалик бой бўлса ҳамда у курашдаги айрим усуллар ва ҳаракатларнинг тактик маъносини қанчалик яхши тушунса, унинг тактик маҳорати шунчалик юқори бўлади. Курашчининг техник тайёргарлик даражасининг юқори бўлишилиги, бу техник тайёргарликка, яъни кураш соҳасидаги ҳаракат кўникмаларини конкрет равишда таркиб топтириш, уларни такомиллаштириш, шу билан бирга энг муҳим жисмоний ва иродавий сифатларни ривожлантиришга боғлиқ эканлигига асосланиши керак.

Асосий техник ҳаракатлар: Курашнинг техник усулларни тайёрловчи ва асосий гурухлари бор. Усулларни тайёрловчи гурухда курашчининг асосий ҳолати ва ҳаракатлари, асосий гурухда эса улоқтириш, ҳимоя ва қарши усуллар берилади. Курашчининг асосий ҳаракатлари: яқин масофа-курашчилар бир бирларига бевосита тегиб турадилар. Ўрта масофа –курашчилар бир-бирларини узатилган қўл масофасида ушлашиб оладилар. Узоқ масофа –курашчилар ушлаша олмайдилар, бир бирларидан чамаси 1,5 метр масофа оралиғида турадилар. Масофадан ташқари ҳолат –курашчилар бир-бирларидан 2 метрдан кўпроқ масофа нарида турган ҳолат. Жуфтлама қадам билан олдинга, орқага ва томонларга силжиш усулларини намойиш килиш икки қаторда ўтказилади. Улар қуидагиларга бўлинади: тайёрловчи ҳаракатлар, асосий ҳолат ва ҳаракатлар, асосий усул ва ҳаракатлар.

Курашдаги туриш ҳолатлари ва уларнинг хилма хиллиги: Курашчининг якка ҳолдаги туриши: Чап, ўнг, фронтал, юқори, ўртacha, паст: жуфт-жуфт бўлиб туриши: чап, ўнг, фронтал, турли номда, юқори, ўртacha, паст ҳолатда туришлар.

Силжиб юришлар: Турган ҳолда ўзи силжиб юриш: олдинга, орқага, сулга, чапга қадам ташлаб, сакраб-сакраб. Турли масофа-

да бир бирини турлича ушлаб жуфт-жуфт бўлиб силжиш: олдинга, орқага, ён томонларга қадам ташлаб сакраб-сакраб.

Ушлашлар: Курашчининг ушлаш усуллари куйидаги турларга бўлинади: Белбоғда ушлашга: Комбинациялашган ушлашларга: Тўндан ушлаб олишларга: Кучоқлаб олишларга.

Асосий ҳаракатлар қўйидагилардан иборат: Мувозанатдан чиқариш : Алдаш ва сохта ҳаракатлар: Улоқтиришларга шайланиш: Тайёрловчи ҳаракатлар комбинациялари.

ХАЛҚАРО КУРАШ УСУЛИ ТАКТИКАСИ

Улоқтиришлар: Қўллар билан улоқтиришлар –рақибни орқага, олдинга, ён томонларга бир зарб билан кўтариб ва силжиг мувозанат ҳолатидан чиқариш ва сўнг улоқтириш (йиқитишиш)

Оёқлар билан улоқтириш –ич томонидан, болдиридан, товонини ташқарига, ичкарига қаратиб илиб улоқтириш;

Гавда билан улоқтириш: сони ва елкасидан ошириб улоқтириш, қўлларини ушлаб олиб, рақибга ўгирилиб, қўллар билан улоқтириш, қўли ва бўйни елкасига қилиб улоқтириш.

Химоя: Химоя ҳаракатларига қўйидагилар киради: рақибининг хужумда қўлладиган усуллари, қарши усул ишлатиш билан хужумдан ўтилиш ёки ундан қочиши. Қарши хужум ҳаракатлари бу рақибининг хужумига қарши хужум ёки рақиби хужумни тайёрлаётганда ташаббусни ўз қулига олиш ва қарши хужум қилиш усулини олдинроқ қўллаш учун хужум қилиш, кулагай ҳимояланиб олиб, қарши хужум қилишдан иборат.

Химоя усуллари: Қўллар билан ҳимояланиш, оёқлар билан ҳимояланиш, гавда билан ҳимояланиш усулларига бўлинади.

Карши усуллар: қарши улоқтиришлар: улоқтиришга тайёргарлик ёки улоқтиришга уринишга қарши улоқтириш, жавоб улоқтиришлари: ҳимоядан кейин улоқтиришлар.

Мураббий таълим изчиллигини шуғулланувчилар контингентига қараб ижодий равишда ўзgartариши ва такомиллаштириши мумкини, елкадан ошириб улоқтириш, бирон бир оёғи билан рақибини ҳам худди шундай оёғини ташки томондан илиб улоқтириш, елкадан илиб улоқтириш. Бир хил йўналишдаги улоқтиришнинг тахминий комбинациялари: елкасидан ошириб улоқтириш: сонидан ошириб улоқтириш: ички томондан илиш, чап оёқ билан рақибининг чап оёғини (ёки аксинча) илиш: ички томондан илиш, ички томондан қоқиб йиқитиши.

Хужумлар: Катый хужумкорлик ҳаракатлари. мудофаа, химоя ва қарши хужум ҳаракати асосий тактик ҳаракатлардир. Хужум

қилишдаги оддий атака усули ва ҳаракатларига күпроқ бир суръатда бажариладиган ва бир тактик вазифани хал қиласидиган айрим улоқтиришлар киради. Булар пойчечак, қоқма усуллари билан ва кутариб улоқтириши: бир силтаб кутариб олиб, энгашиб елкадан ошириб улоқтириш усулларидир. Ҳужум қилишдаги мураккаб атака усули ва ҳаракатлари булар икки темпда, алдаш ва сохта ҳаракатлар билан биргаликда бажариладиган улоқтириш ҳамда турли хил комбинациялар усуллар мажмудидан иборат. Мудофаа усул ва ҳаракатлари ҳимоя ва қарши ҳужум ҳаракатларидир.

Қарши ҳужумлар: бу ўз номи билан рақиб ҳужумининг якунловчи фазасига қарши жавоб ҳужуми бўлиши мумкин. Тактик тафаккур ва ҳаракатлар тезлигини тарбиялаш учун ўқув-тренировка машғулотлари жараёнида курашни энди ўрганувчилар, малакали спортчилар билан турли хил ўқув, назорат ва календар мусобақаларини доимо режалаштириб ва утказиб бориш керак. Ҳар бир спортчи рақибини улоқтиришга ўтишда қулай фурсатга эга бўлиш учун уни мувозанатдан чиқаришнинг ҳамма усулларини яхши билиши керак. Курашчининг маҳорати кўп жихатдан ўз ҳаракатлари билан ракибини бир зум мувозанат йўқотишга, бир ёёклаб туриб олишга бир томонга оғишга мажбур этиш малакасига боғлиқ. Шу вактда ҳужум килувчи бутун кучини рақибининг кўл, гавда, оёқ ҳаракатларида мувозанат йўқотишга қаратиши ва шу йўналишда уни узоклаштириши керак. Бучдан ташқари рақибининг мувозанатини тиклашга оид ҳаракатларидан ҳам моҳирона фойдаланиб, уни қарши йўналишда улоқтириш мумкин. Ҳар бир курашчи полвон туриш ҳолатида беллашаётганда рақибини яхшилаб ола билиши, уни мувозанатдан чиқариш учун қулай пайт танлаши ва улоқтириши керак. Рақибни мувозанатдан чиқариш ва улоқтиришни мувваффакиятли ўтказиш учун полвонлар беллашувларда иккита асосий ҳаракат усулини қўллайдилар.

- 1) ўз кучларидан ва рақиб ҳаракат кучидан фойдаланадилар.
- 2) ўз кучлари рақибининг ҳаракат кучи билан кўшиб фойдаланадилар, полвон ўз куч файратини рақиб ҳаракат килаётган йўналишга сарф этади.

Шундай қилиб, рақибини ўзига тортиш, силташ ёки ажратиб юбориш, қадам ташлаб силжиш, гавдани буриш ёки энгаштириш билан мувозанатдан чиқариш мумкин. Мураббий рақибни турган жойида ва ҳаракатда ўзига тортиш, ўзидан ўнгга ва чапга силжиш, олдинга ва орқага силтаб кутариш, қадам ташлаш, ўзи атрофида бурилиш ва гавдани энгаштириш билан мувозанатдан чиқариш усулини кўрсатади. Мураббий усулларда ўқувчи йиқилаётган вактда уни кийимидан ушлаб қолиб, эҳтиётлаш усулини кўрсатади.

Турли йұналишдаги улоқтиришларнинг тахминий комбинацияси ёнланмасынға қоқиши олдидан чалиш: ён томондан қоқиши елкадан ошириб; ичкаридан ушлаш олдидан чалиш; елкадан ошириб улоқтириш –орқадан ошириб улоқтириш; Бирон бир оёғи билан рақибини ҳам худи шундай оёғини ташки томондан илиб улоқтириш; елкадан илиб улоқтириш;

Бир хил йұналишдаги улоқтиришни тахминий комбинациялари: елкасидан ошириб улоқтириш; сонидан ошириб улоқтириш.

БЕЛБОГЛИ КУРАШ (ФАРГОНА) УСУЛИ

Белбоғли курашнинг бошқа курашлардан фарқи шундаки, бу курашдан (усул) факат белбоғидан ушлаб туриб уни қўйиб юбормасдан қўлланилади. Бу кураш ташқаридан қарагандা оддийга ўхшаб кўринади. Аслида бу курашнинг анча-мунча сирлари бор. Бу курашда фара兹 қиласи, қўлларнинг ракиб белбоғига «боғлаб» қўйилган. Бу белбоғни ечиб юборишнинг иложи йўқ. Шу белбоғта боғланган қўллар, оёклар, елка ёрдамида ракиб елкасини ерга теккизишига ҳаракат қилинади. Қачон рақибнинг елкаси ерга текканидан кейингина белбоғдан қўл озод бўлади. Кадим замонларда ота-боболаримиз мана шундай, қўллари боғланган ҳолда ракиб елкасини ерга теккизишни, шундай курашни ўйлаб топгандар.

БЕЛБОГЛИ КУРАШ (ФАРГОНА) УСУЛИ ТЕХНИКАСИ

Белбоғли кураш қоидаси бўйича курашда умумий қабул қилинган анъанавий усул билан рақибининг белбоғидан ушланади. Кураш тушувчилар кураш тушаги ўртасига келиб, ўзлари учун қулай бўлган туриш ҳолатини эгаллайдилар. Сўнгра уларнинг ҳар бири навбати билан ўнг қўлини рақибининг чап қўлтиги тагидан ўтказиб, белбоғини билак атрофидан бир айлантириб ушлаб олади. Кейин чап қўллари билан ҳам бир бир-бирларини худи шундай ушлаб оладилар. Тушакдаги бош ҳакам курашувчиларнинг беллашишга тайёрлигини сўрайди. Улар ўзларининг тайёрликларини маълум қиласидилар ва ҳакамнинг хуштаги билан кураш бошланади. Белбоғдан ушлаш шарт, курашиш вақтида уни қўйиб юбориш рухсат этилмайди. Белбоғли кураш қоидасига кура ракиб оёғини ердан узмагунча оёклар билан ҳаракат қилиш мумкин эмас. Рақибни ердан кутаргандан кейингина ўнг ёки чап оёқ ёрдамида турли усулларни қўллаш мумкин. Курашчининг асосий тuriш ҳолатлари икки хил бўлиб –паст ва ярим тик ҳолда туришлардир.

Белбогли кураш усулида уч хил харакат бўлиб, буларнинг ҳар бири бир неча усувларга бўлинади.

1. Рақибни босиб туриш орқали бажариладиган усувлар:

«Силташ» усули: Рақибни тинч турган ҳолатда иккала қўл ёрдамида сиқиб, ўзига тортиб ёки итариб мувозанат ҳолатни бузиши, бу силташ усули.

«Кифтлаш» усули: Оёқ ва қул –елка ёрдамида ёки қул ва елка ёрдамида тагдан уриб кириш кифтлаш усули.

«Босиш» усули: Рақибни оёқ-қул ва елка-жағ ёрдамида итариб елкасини босиб тушиш, босиш усули дейилади.

2. Рақибни кўтаришдан кейинги харакат:

«Тиззага миндириш» усули: Кифтлаш натижасида рақибни оёқ тиззага ёрдамида кўтариб ташлаш, тиззага миндириш усули дейилади.

«Тусиш» усули: Рақибни кўтаргандан сўнг оёғини ташқари ёки ички ён томондан чалиш, тусиш усули дейилади.

«Босма» усули: Рақибни кўтаргандан сўнг силтаб елка билан ерга уриш, босма усули дейилади.

«Қайирма» усули: Рақибни кўтаргандан сунг оёқ ишланмасдан чап ёки ўнг елка томонга қайириб ташлаш қайирма усули дейилади.

«Ёнбош» усули: Рақибни кифтлаб ҳар иккала оёғини ёнга тортиб белга миндириб ташлаш ёнбош усули дейилади.

«Чалақайтарма» усули: Силташ ёки кифтлаш натижасида, рақибни кўтариб ён томонга утказиб қарама-карши томонга ташлаш чалақайтарма усули дейилади.

«Қайтарма» усули: Кифтлаш натижасида рақибнинг оёғини ердан узиб, ярим айланма утказиб ташлаш қайтарма усули дейилади.

3. Рақибни улоктириш билан бажариладиган усувлар:

«Қадамлаш» усули: Қадамлаш усули рақибни кутармасдан иргитиб ташланади. Бу усул бир йўла тўхтамай бажарилади.

«Айлантирма» усули: Силташ ёки кифтлаш натижасида рақибни бир ва бир неча доира шаклида айлантириб олдинга ташлаш қадамлаш усули дейилади.

«Илиш» усули: Рақибни силташ натижасида, ўзидан узоқ масофадан оёқ ёрдамида тиззага миндиримасдан иргитиб ташлаш илиш усули дейилади.

«Чалғитиш» усули: Бир усулни қўлламоқчи бўлиб туриб, кутилмаган бошқа усулни қўллаш чалғитиш усули дейилади.

Ҳар қандай ҳолатда курашчининг боши рақибнинг елка қисмида туради ва қўллари орасидан унинг оёғини кузатиб туради. Бел қисмини орқага ташлаб ўнг қўлни рақибнинг чап қўли остидан, чап қўлни эса рақибнинг ўнг қўли устидан утказиб белбогни

ушлайди. Белбоғни ушлашдан олдин қизил белбоғли рақибнинг ўнг кўли билан ушлайди, унинг рақиби ҳам худди шундай ҳолатда белбоғни ушлайди ва бараварига елкалар билан белни орқага эгади. Белбоғни кўл билан белбоғнинг ички томонини ташқарига қайриб ушланади.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ (ФАРГОНА) УСУЛИ ТАКТИКАСИ

Белбоғли кураш усулининг асосий тактик ҳаракатлари ҳимоя, ҳужум, алдов ва чалғитиш ҳаракатларидир. Белбоғли кураш қоидаси бўйича кураш техникасида жуда кўп усуллар қўлланилади. Қўйидагилар энг кўп тарқалган усул ҳисобланади: шопирма, илма, қайтарма, ўнг ва чап ёнга ташлаш, кўтариб ён томонга ташлаш, ёнбуш ва бошқалар. Белбоғли курашда ҳужум ҳаракатлари улоктириш ва мувозанатдан чиқариш усуллари билан амалга оширилади.

Силташ: Курашда ҳар қандай усул силташ билан бошланади. Силташ орқали рақибнинг мувозанатини бузиш, тўрут томонга афдариш, ўзгартириш мумкин. Рақибни орқа ҳолатга ўтказиш ёки тиззалатиш, рақибни олдинги ҳолатга тизза чўктириш ёки бўлмаса ўтказиш, рақибни ўнг ёки чап тарафга итариш орқали тиззалашиб ёки бўлмаса ўтказиб қўйиш мумкин.

Кифтлаш: Оёқ ва кўл-елка ёрдамида кифтлаш. Кўл ва елка ёрдамида кифтлаш. Кифтлаш асосан курашчининг кўпроқ яқин масофадан усул қўллашда фойдаланилади.

Босиш: Асосан рақиб усули чиқмай қолиб, мувозанатини йўқотган пайтда қўлланилади. Бу усулни қўллаш учун курашчи рақибни қўллар ёрдамида сиқиб ўзига тортади, жағ ва елкаси билан унинг кўкрак қисмини орқага итариши, шу пайтда рақиб чап ёки ўнг оёғининг олдинга ҳаракатланади.

Миндириш: Бу усул рақибни кўтартгандан кейин қўлланилади. Бунда ўнг оёкни рақибнинг оёклари орасига қадамлаб киритилади: рақибни ўнг оёқ тизза ёрдамида кўтариб чап елка томонга бурилади. Бурилган томонга оёқ тизза ёрдамида кўтариб ташланади.

Тусиш: Бу усулни ҳар қандай кураш ҳолатида қўллаш мумкин. Ҳаракатлар ўнг оёқ ён томонига чап оёқ билан қадамлаб кифтланади: сиқиб кўтарилади: чап оёқ билан ўнг оёқ ён томонга чалиб ташланади. Бу усул асосан ёпишиб сиқиб кўтартганда қўлланилади.

Босма: Бу усулни қўллаб рақибни кўтариб қаттиқ силташ натижасида унинг елкасини ерга уриш мумкин. Рақибнинг ўнг оёғи олдинги ҳолатда бўлганда: кифтлаб ўнг оёкни рақибнинг ўнг оёклари

орасига қадамлаб қўйилади ва рақиб даст кўтарилади ва уни ўзига қаттиқрөк тортиб, ерга урилади. Рақибнинг чап оёғи олдинда бўлса: рақибнинг оёқлари орасида чап оёқ билан кифтлаб кириб кўтарилади.

Қайирма: Усул асосан рақибни кўтаргандан кейин амалга оширилади. Ўнг оёғи билан чап оёғи ички елка томонга қайириб ташланади.

Ёнбош: Усул тикроқ ўзига тортиб бажариладиган усул ҳисобланади. Бу усул тез бажарилганда қайтарма усули билан чалқаштириб юбормасликка интилиш керак. Ёнбош усулни рақибни ётган холатда ҳам белни буриб, белга миндириб ташлаш орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

Чалақайтарма: Оёқ, қўл ва елка ёрдамида чалақайташ: Оёқсиз қўл ва елка ёрдамида чалақайташ. Рақибга доимо усул қуллашдан олдин силташ ёки булмаса, кифтлаш усулини бажариб туриб усул қўлланилади. Оёқ қўл ва елка ёрдамида бажариш: Рақибни силтаб, чап оёқни ўнг оёқнинг ташқари томонига қадам ташлаб тезлик билан ён томонга тортади. Оёқни рақибнинг ҳар иккала оёғи орасига ҳам қадамлаб кўтариб, ҳам уни ён томонга тортиб ташлаш мумкин.

Қайтарма: Оёқ, қўл ва елкалар ёрдамида қайташ: Оёқсиз қўл ва елкалар ёрдамида қайташ. Чап оёқ билан ўнг оёқни ён томонга қадамлаб кифтланади: рақибнинг ўнг елка ўнг оёғини ҳам орқа томонга тортиб, белдан ярим доира ўтказиб; рақибни олди томонга ташланади.

Қадамлаш: Усулда рақибни кўтармасдан ирғитиб ташланади. Бу усул бир йўла тўхтамай бажарилади. Масалан, рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлганда, чап оёқ билан қадамлаб ўнг оёқ ёнига қўйилади. Чап қўл билан рақибнинг ўнг тирсак қўлини сиқиб, ўнг елка томонга бурилиб, ўнг оёқни ҳам олдинроққа тортиб, ўнг елка томонга ирғитиб ташланади.

Айлантириш: Айлантириб ташлаш силташ ва кифтлаш билан бажарилади, ҳар қандай кураш ҳорлатида айлантириш усулини қўллаш мумкин. Ўнг оёқ олдинги ҳолатда бўлганда чап оёқ билан ўнг оёқ ён томонига қадам ташлаб қаттиқ силтанади. Рақибни қаттиқ силтаб туриб ўнг елка томонга айлантирилади. Бунда рақиб доира шаклида айланади. Рақибни сиқиб тўхтаганда бел томонга осилиб қолади, шу ҳолатда олдинги томонига ташланади. Рақибни силтаб айлантириш курашчидан кўпроқ маҳорат талаб қиласи.

Илиш: Рақибни силташ орқали узок масофадан оёқ ёрдамида тиззага миндирмасдан ирғитиб ташлаш илиш усули дейилади. Илиш

усули Фаргона курашида энг қийин усул ҳисобланади. Чунки бу усул силташ орқали рақибни иргитиш билан бажарилади. Чап оёқ билан илмоқчи бўлинган ҳолатда рақибнинг ўнг оёғи олдинда бўлса ёки ўнг оёқ билан илмоқчи бўлганда, рақибнинг чап оёғи олдинда бўлса, уни етаклаш ва оёқлари баробар ҳолатда ёки орқага ўтиб қолганда усулни амалга ошириш мумкин.

Бу ҳаракатлар усуllibарга қарши қуйидаги ҳимоя тактик усуllibари кўлтанилади.

Силташ усулига қарши ҳимоя. Силташ икки хил, оёқ ёрдамида ёки оёқ ёрдамисиз бажарилади. Рақиб кўпинча силтаб ўзига тортади, шу ҳолатда тортувга юрмаслик рақиб силтаганда силташ орқали жавоб қайтариш керак бўлади. Тортган томонга юрмаслик учун оёқни гиламга қаттиқроқ тираб туриш ёки рақибни ўзини тортиш лозим бўлади.

Кифтлаш усулига қарши ҳимоя. Рақиб ўнг оёғи билан қадамласа, ҳаракатни ўнг оёғи билан тўхтатиш лозим. Рақиб қўл ва елка ёрдамида кифтлагандага оёғини ишлатмайди. Шунинг учун чап қўл билан рақибни биқинига қўл тирава кифтлашга кифтлаш орқали жавоб бериш керак бўлади.

Босиш усулига қарши ҳимоя. Босиш усулида рақиб итариб бошишга ҳаракат қиласди. Шунинг учун итариб келишини тўхтатиш, бунинг учун рақибни ўнг биқинига чап қўлни тираб қолиш керак. Кураш ҳолатида орқароққа чўзилиб юборилса, босиш усулига қарши ҳимоя қилинган бўлади. Агар кураш даврида мувозанатни яхши саклай олмаса, рақиб босиш усулини қўллади.

Тиззага миндириш усулига қарши ҳимоя. Тиззага миндириш усулида кураш ҳолатини тўғри танлашда тўрт хил кураш ҳолати кўзга ташланади. Дейлик, рақиб чап тизза –оёқ билан кўтаришга ҳаракат қиласди. Шунинг учун ўнг оёқ олдинги ҳолатда юриши керак, чунки, чап оёғининг ҳаракатини ўнг оёқ билан тўхтатиш мумкин. Оёқ ҳаракати билан бир вактда, рақибнинг тирсак қулини ҳам тўхтатиш лозим бўлади.

Тўсиш усулига қарши ҳимоя. Рақиб тўсиш усулини қўллагандага асосан қўлни етказишга ҳаракат қиласди. Бунинг учун эса у кифтлаш усулини қўллади. Оёқсиз кифтлаб тўсмоқчи бўлса, у ҳолда оёғини ишлатмасдан қўлни етказишга ҳаракат қиласди. Бунинг учун рақибнинг ўнг тирсак қўлини чап тирсак қўли билан сиқиш керак.

Босма усулига қарши ҳимоя. Босма усулида рақиб асосан кўтариб босишга ҳаракат қиласди. Шунинг учун у кифтлаш усулини қўллаб кўтаришга ҳаракат қиласди. Башарти, кўтариб олган тақдирда ҳар икала оёқни оёқлар устига қўйиб, қўлларни икки

биқинига қўйиб тираб туриш керак. Ундан ташқари, тушган пайтда ўнг қўлни етказиб, белбоғдан ушлаш керак.

Қайирма усулига қарши ҳимоя. Қайирма усулида асосан рақиб кутаришга ҳаракат қиласи, чунки усулни кўтариб олгач, қўллайди. Шунинг учун рақибни кутаришга йўл қўймаслик керак. Кўтариш учун ёпишиб келади, шунинг учун биқинига қўлини тираб, яқинлашиб келишига йўл қўймаслик керак.

Ёнбош усулига қарши ҳимоя. Ёнбош усулига қарши ҳимоя килиш учун тортувга юрмаслик керак. Чунки рақиб ўзига тортиб оёклар узилар-узилмас белга миндириб ташлайди. Агар рақиб ўз рақибни тортиб тик қилиб олса, у ҳолда оёқ ёрдамида оёғини ички ёки ташки томонидан итариб букиш керак. Ундан ташқари рақибнинг ўнг тирсак қўлини чап тирсаги билан сикиш лозим.

Чалақайтарма усулига қарши ҳимоя. Чалақайтариш усулини қўллашда рақиб ўнг тирсак қўлини белбоғнинг ичкарироғидан ўтказиб ушлашига йўл қўймаслик ва чап тирсак қўл билан рақибнинг ўнг тирсак қўлини сикиш керак ҳамда чалақайтариш усулига тикроқ юрмасдан оркарокқа чўзилиброқ юриш лозим, яъни рақибнинг белбоғидан ушлаганда белни кўпроқ букиб кўпроқ орқа томонга ётиброқ юриш керак. Бу ҳолатда рақибнинг усул қўллаши кийин бўлади.

Қайтарма усулига қарши ҳимоя. Қайтариш усулига қарши рақиб асосан қадамлаб киради. Шунинг учун рақибнинг қадам ташлаш ҳаракатини оёклар ёрдамида тұхтатиш ва оёклар ҳолатига ҳам яхши эътибор бериш лозим. Чунки, рақиб қўлни ўзида кифтлаб қайтаришга ҳаракат қиласи. Бу пайтда қўлни ўтказмаслик, яъни чап тирсак қўл билан ўнг тирсак қўлини сикиб олиш керак бўлади. Рақиб етаклашига юрмаслик учун қарама-қарши томонга юриш зарур.

Қадамлаш усулига қарши ҳимоя. Қадамлаш усулини рақиб ҳар қандай кураш ҳолатида ҳам қўллаши мумкин. Чунки рақиб қадамлаб, ўзига тортиб тик ҳолатда иргитиб ташлайди. Рақиб ўнг оёғи ёки чап оёғи билан қадамлаш усулини қўлламокчи бўлса, бунинг аксини қўллаш лозим. Бундан ташқари, ўнг тирсак қўлини сикиш ҳам керак бўлади. Рақибнинг тортишига ва етаклашига юрмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Айлантириш усулига қарши ҳимоя. Рақибни силтаб ёки кифтлаб айлантиришга қарши ҳимояланишни яхши билиб олиш зарур. Агарда рақиб силтаган пайтда мувозанат бўш бўлса, яъни оёклар гиламга яхши тиralмаган бўлса, у ҳолда рақиб силтаб туриб қўлини етказмасдан ҳам тезлик билан айлантириши мумкин. Ундан

ташқари, чап оёқ билан үнг оёқни ички ёки ташқари томондан итариб букилади.

Илиш усулига қарши ҳимоя. Илиш усулида рақиб асосан оёқ ҳолатига қаттиқ ахамият беради. Шунинг учун биз энг яхши ҳимоя ҳолатида бўлишимиз лозим. Агар рақиб чап оёғи билан илмоқчи бўлса. Үнг қўлни муштлаб бикинга тиради. Рақиб етаклаган томонга юрмасликка ҳаракат қилиш ва аксинча қарама-қарши томонга юриш лозим.

Кураш мусобақалари: Курашчининг фалабаси ёки курашчининг мағлубияти беллашув натижаси ҳисобланади. Курашли соғ фала-бага эришиши рақибнинг кураги (елкаси) ерга тегса, икки ва ундан ортиқ баҳо билан аниқ устунлик килса, балларга кўра ва озгина устунлик билан фаоллик кўрсатгани учун, ёки рақиб икки мартадан ортиқ огохлантирилган бўлса фалаба қозониши мумкин. Кураш мусобақаларида иккала полвон томонидан ҳам қоида бу-зилса, у ҳолда иккала курашчи ҳам мусобақадан четлаштирилади ва баробар мағлубият ёзилади. Курашчи полвонлар фақат гилам устида беллашишлари шарт. Ўзбек миллий кураши халқаро кураш бўлиб, дунё спорт ареналарига чиқиши билан мусобақаларда ҳакамлик қилиш қондлари бир мунча такомиллашиб борди ва ўзгаришлар киритилди. Халқаро ва белбоғли кураш мусобақаларины ўтказишда деярли ҳеч қандай фарқ йўқ.

Беллашув вакти: Мусобақаларда катталар ўртасидаги беллашув 5 минут, ўсмирлар ва 35 ёшдан юқоридагилар учун 4 минут қилиб белгиланади, болалар ва 60 ёшдан юқоридагилар ҳамда аёллар учун беллашув вакти 4 минутдан иборат булиши керак.

Мусобақа қатнашчиларига талаблар: Шахсини ва ёшини билди-рувчи ҳужжат, юқорида зикр этилган маҳсус лиbosлар, курашчининг маҳорат даражасини аникловчи гувоҳнома (разряд). Қайси жамоага мансублиги ҳақида муҳрланган, шифокор рухсати ҳақида маълумот. Юқорида кўрсатилган ҳамма ҳужжатлар мусобақадан олдин мандат комиссиясида курилиб, бош шифокор ва комиссия аъзолари томонидан тасдикланади. Юқоридаги шартлар ва талабларнинг бажо келтирилиши учун жамоа раҳбарлари жавобгардирлар.

1. Бош ҳакам рухсати билан ёш курашчилар (16-17 ёшли) катта ёшдаги полвонлар орасидаги мусобақаларда ҳам қатнашиши мумкин.

2. Мусобақада бир вазнда беллашган полвонлар иккинчи вазнда қатнашиши маън этилади, лекин улар мутлок вазнда (бош ҳакам рухсати билан) курашишлари мумкин.

Мусобақа талаблари:

- А) мусобақадан олдин эгилиб саломлашиш;
- Б) кураш, мусобақа конун-коидалирига риоя қилиш;

Б) ҳакамнинг топшириқларига бўйсуниш;
Г) мусобақа давомида ўзини туғри туга билиш;

Умумий қоидалар: Курашда факат тик ҳолатда ва қоидада рух-
сат берилган усуллар кўллаш орқали курашилади. Тик ҳолатда
бажарилган ташлашлар ҳакамлар тарафидан баҳоланади. Баҳолар
тeng бўлганда, охирги баҳо олган курашчига ғалаба берилади.
Курашчининг баҳо ва жазоси teng бўлса, баҳо устунликка эга
бўлади. Курашчилар беллашув давомида ҳеч қандай усул кўлла-
маса ва огоҳлантириш ҳам бир вактда берилган бўлиб teng ҳолат
бўлса, голиблик ҳакамларнинг кўпчилик фикрига кўра берилади.
Агар курашчиларда огоҳлантириш сони teng булиб, кетма-кет
берилган бўлса, голиблик биринчи огоҳлантириш олган курашчи-
га берилади. Мусобақалар Олимпия тизими буйича ўтказилиди.
Курашда усул гиламнинг ичкарисида бошланиб гилам чизигидан
ташқарида ниҳоясига етса баҳоланади.

МУСОБАҚАДА ИШЛАТИЛАДИГАН ИБОРА ВА ИШПОРАЛАР

1. «Таъзим» -курашчиларнинг ўнг кўлларини чап кўксида тут-
ган ҳолда бир-бирларига буйин эгиг саломлашиш учун ишлатила-
диган ибора. Бу иборани ишлатган ҳолда ҳакам ён томонга бар-
моклари очиб юқорига қараган ҳолда баланддан кўлларини букиб
ичкарига айлантириш ишорасини қиласилар, бу вактда иккала
кўлнинг бармоклари бир бирига учма-уч ҳолга келиши керак.

2. «Ушла» -Курашчилар ушбу ишорадан сунг белбоғларни фа-
қат белни ён томонидан ҳар иккала кўлни баравар ҳолатда ушла-
нади. Кўлни биқинига тираб ёки етказиб олиб ушлаш катъян
таъқиқланади. Агар курашчилар итоат қиласалар қоидага асосан
жазоланади.

3. «Кураш» -курашчилар бир бирларига таъзим қилиб салом-
лашгандан сунг беллашувни бошлаш учун ҳакам томонидан ишла-
тиладиган ибора. Ҳакам ўнг қўлини кафтлари билан ён томонга
қаратган ҳолда тирсакдан бироз букиб ишора қиласиди.

4. «Тұхта» -беллашув давом этәётган вактда беллашувни тұхта-
тиш учун ишлатиладиган ибора. Ҳакам ўнг қўлини кафти билан
олдинга қаратган ҳолда, олдинга чўзиб ишора қиласиди.

5. «Халол» -курашчилардан бири соғ ғалаба қилганда ишла-
тиладиган ибора. Ҳакам қўлни кафти билан олдинга қараган
ҳолда юқорига күтариб (бармоклари жипс ҳолда), ишора қила-
ди.

А) Курашчи усул ишлатиб, ракибни иккала курагига йиқитса.

- Б) Курашчи икки марта «Ёнбош» баҳосини олса.
- В) Рақиб усул ишлатиб иккала курагига йиқилса
- Г) «Фирром» -жазоси берилса, рақибга «Ҳалол» баҳоси берилади.
6. «Ёнбош» -Ҳакам қўлини кафтлари билан пастга қаратган ҳолда, (бармоклари жипс) ён томонга чузиб ишора қиласди.
- А) Курашчи рақибини гиламдан узиб бир курагига йиқитса,
- Б) Рақибига «Дакки» эълон килинса берилади.
7. «Чала» -баҳо курашчилардан бири усул қўллаб, усулни охиригача тулик бажара олмаса ишлатиладиган ибора, ҳакам қўлини кафти билан олдинга қаратган ҳолда тирсагидан букиб ишора қиласди.
- А) Курашчи усул қўллаб оёғини ердан узиб ўтказса, тиззалатса:
- Б) рақибига «Танбех» эълон қилингандা берилади.
8. «Ганбех» -биринчи огоҳлантириш, ҳакам қўлини олдинга чўзган ҳолда бармоғи билан танбех олган курашчини кўрсатиб ишора қилиб шу иборани ишлатади. «Танбех» огоҳлантириш унчалик катта бўлмаган ҳатоларга йўл қўймаган курашчига берилади.
- А) 25 секунд давомида ҳакамнинг «Ушла» ишорасини бажармаса;
- Б) рақибни гиламдан итариб чиқарса ёки ўзи гиламнинг хавфли майдонига кириб олса;
- В) курашчи ўтириб олса, тиззалаб қолиши такрорланса:
- Г) белбоғдан қулни кўйиб юборса;
- Д) ҳаракатларга ҳалакит бериб доимо қулни биқинига тираб юрса:
- Е) рақиб кийимини қўшиб ушласа:
- Ж) Рақибнинг оёғини эшиб ёки орқасидан чалса:
- З) Курашда 20-25 секунд давомида усул қўлламаса.
9. «Дакки» -иккинчи огоҳлантиришда ишлатиладиган ибора. Ҳакам қўлини мушт қилиб тирсагидан букиб ишора қиласди (бармоклар мушт ҳолига келган, кафт олд томонга қараган бўлади). Дакки бирданига берилиши мумкин бўлган ҳолатлар.
- А) рақиб нотўғри усул қўллаганда рақибига жароҳат етказилганлигини тиббиёт кўриги тасдиқласа:
- Б) Ҳакамнинг буўрукларига риоя қилмаса, тартиб интизомни бузса;
10. «Фирром» -охирги огоҳлантиришда ишлатиладиган ибора. Ҳакам қўлини кафтлари билан пастга қаратган ҳолда ён томонга чузиб икки-уч марта пастга силкитиб ишора қиласди. «Фирром» - катта ҳатога йўл қўйган курашчига эълон қилинади.
- А) рақибнинг, ҳакамларнинг шаънига номаъкул сузларни ишлатса.

Б) курашчи ракибига била туриб жароҳат етказса, унга фирром эълон қилиниб, шикастланган курашчига ҳалол берилади:

В) курашчи уч дақиқа давомида гиламга чиқмаса.


11. «Бекор» -олишув тұхтатилгандан кейинги ҳаракатлар учун ёки бажарилған усул баҳолашга нолойиқ деб топилғанда ишлатиладиган ибора. Ҳакам құлини кафти билан ёнма томонға қаратған ҳолда олдинға ғұзіб иккі уч бор чапға ва үнгә ҳаракатлантириб ишора қиласы. Курашчи усул құллаб -ракибини күтариб ўзи бир кураги билан тушса, ҳаракат **бекор** ҳисобланади.

12. «Тенг» -олишув тугатан вақтда курашчиларда баҳо бұлмаган ҳолатда ишлатилған ибора. Ҳакам иккала құлини кафтлари билан пастға қаратып ён томонға ғұзіб ишора қиласы.


13. «Вақт» -беллашув вақты тугаганлыгини курсатиши учун ишлатиладиган ибора, ҳакам иккала құлини юқорига күтариб құлларини билакта ушлаб юқорига күтариб ишора қиласы. Кураш мусобақаларида ҳакамнинг ишоралари доимо ўнг құл билан бажарылади.

Кураш тұғаралары: Спорт тренировкасида қуйидаги вазифалар ҳал этилади: кураш усуллари техника ва тактикасини әгаллаш, жисмоний фазилатлар ва рухий хислатларни такомиллаштириш, юқори спорт натижаларига эришиш. Болаларни 12-14 ёшдан бошлаб курашга үргатиши мүмкін. Ъсмирни кураш билеги шуғуллантиришга жалб қилишдан олдин шифокорға мурожаат қилиш, у унинг саломатлыгини назорат қилиб кураш билан шуғулланиши мүмкінligи ҳақида батағсил холоса ёзіб бериши керак.


СПОРТ ҮЙНЛАРЫ МАЙДОНИ




Күл түпи майдони




Күл түпи дарвозасы






Волейбол майдони



Волейбол түри


45 дан 90 гана



90 дан 120 м гана

Үрт а чизик

Ең чизик



Жарима майдони

11 метрли белгі

Дарвоза майдони

Дарвоза

Дарвоза чизиги
Фоторепортёлар чизиги

Дарвоза чизиги
Фоторепортёлар чизиги

Футбол майдони

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

- 1. Жисмоний тарбиянинг келиб чиқишидаги бош омили.**
а) дәхқончилик, в) овчиллик, с) чорвачиллик.
- 2. Олимпиада ўйинларини вужудга келиши қайси давр?**
а) эрамиздан аввалги 490 йилга, в) эрамиздан аввалги 776 йилга.
с) эрамиздан аввалги 735 йилга.
- 3. Янги даврда 1 чи Олимпиада ўйинларн қачон ва қаерда утказилган?**
а) Париж, 1870 йилда, в) Греция, 1986 йилда, с) Швейцария, 1900 йилда.
- 4. Олимпиада ўйинлари асосчиси ким?**
а) Ипполит Триа, в) Пьер де Кубертен, с) Нилс Бук.
- 5. Спортча сузганды гавда қандай ҳолатда бўлади?**
а) Тўғри ҳолатда, в) Горизонтал ҳолатда, с) Вертикал ҳолатда.
- 6. Энг янги пайдо бўлган сузиш усули қайси?**
а) Брасс усули, в) Дельфин усули, с) Кроль усули.
- 7. Сузишда старт олиш неча хил бўлади?**
а) Сув ичидан, старт тумбочкасидан, в) Сувдан, бассейн қирғоғидан. с) Трамплиндан, бассейн қирғоғидан.
- 8. Жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифаси.**
а) Жисмоний ривожлантириш, в) Жисмоний машқларга ўрганиш.
с) Махсус билимларни эгаллаш.
- 9. Жисмоний тарбия воситалари.**
а) Жисмоний машқлар, сайёҳлик, табиат омиллари.
в) Спорт, гимнастика ва гигиеник шартлар.
с) Сайёҳлик, спорт ва гимнастика.
- 10. Ҳаракат фаолияти жараёнида ҳаракатларни тартибли бажариш.**
а) Ҳаракат тезлиги, в) Ҳаракат малакаси, с) Ҳаракат кўникмаси.
- 11. Вазнга тақсимланувчи куч.**
А) Нисбий куч, в) Абсолют куч, с) Портловчи куч.
- 12. Узок вақт жисмоний ҳаракатда иш интенсивигини сакланниши.**
а) Декомпенсацияли чарчаш, в) Компенсацияли чарчаш, с) Чидамлилик.
- 13. Чакқончик фазилати.**
а) Ҳаракатларни тез узлаштириш, в) Ҳаракатларни шароитга мувоффик тез бажарини, с) Ҳаракатларни самарали бажарини.

14. Эгилувчанлик фазалати.

а) Таяңч харакат аппараты ҳаракатчанлиги, в) Мускуллар чүзилувчанлиги.

с) Ҳаракатлары чегараланмаслиги.

15. Тезкорлык фазалати.

а) Ҳаракат реакциялари, в) Ҳаракатлар тезлиги ва такрорланиши.

с) Ҳаракатлар тез ва самарали бажарилиши.

16. Таълим муассасасида жисмоний тарбия вазифалари.

а) маҳсус билимлар бериш ва спортга қизиқиши орттириш.

в) Жисмоний ривожлантириш ва маҳсус билимлар бериш.

с) Амалий билимлар бериш, спортга қизиқиши орттириш.

17. Қадимда Ўзбекистон ҳудудида қандай кураш турлари бўлган?

а) Дзю-до ва Самбо кураши, в) Фаргонача ва Бухороча кураш

с) Эркин кураш

18. Фаргонача курашнинг бошқа курашлардан фарқи.

а) Усулларда фарқи бор, в) Ташлашларда фарқи бор.

с) Усул факат белбоғдан ушлаб бажарилади.

19. Ҳалқаро курашдан 1-Жаҳон чемпионати ўтказилган.

а) 1993 йилда, Японияда, в) 1996 йилда, Туркияда, с) 1999 йилда, Тошкентда.

20. Волейбол сўзи нимани англатади?

а) учайтган тўп, в) айланайтган тўп; с) думалаётган тўп.

21. Волейбол ўйинининг ватани қаер?

а) Хитой, в) АҚШ, с) Куба.

22. Волейбол ўйинининг майдонлари ҳажмлари.

а) 18x9 м; в) 20x10 м; с) 30x15 м;

23. Баскетбол ўйинининг ватани қаер?

а) Англия, в) Франция, с) АҚШ.

24. Баскетбол ўйинининг майдони ҳажмлари.

а) 28x15 м; в) 20x10 м; с) 25x12 м;

25. Баскетболда майдонда нечта ўйинчи ўйнайди?

а) 5 та; в) 6 та; с) 7 та;

26. Гандбол майдонида нечта ўйинчи ўйнаш мумкин?

а) 8 та; в) 6 та; с) 7 та;

27. Гандбол сўзи нимани англатади?

а) тўп қўлда; в) қўл тўпи; с) тўпни отиш.


28. Гандбол ўйинида майдонлар ҳажми.

а) 40x40 м; в) 40x30 м; с) 40x20 м;

29. Футбол ўйини мазмуни қандай?

а) оёқ тури; в) тез тўп; с) қўл тури;

- 30. Футбол майдонлари ҳажми.**
а) 90-120x45-60 м; в) 90-100x50-60 м; с) 90-110x40-60 м.
- 31. Футбол майдонида нечта йўинчи иштирок этади?**
а) 9 та йўинчи; в) 10 та йўинчи; с) 11 та йўинчи.
- 32. Кисқа масофаларга югуришга қайси масофалар киради?**
а) 60, 100, 200, в) 60, 100, 200, 400; с) 60, 100, 400, 800;
- 33. 100 метрга югуриш фазалари қайсан?**
а) старт, финиш; в) старт, масофа бўйлаб югуриш финиш; с) масофа бўйлаб югуриш, финиш.
- 34. Енгил атлетикада сакраш турлари.**
а) узунликка ва баландликка; в) узунликка, баландликка, уч хатлаб, лангар чўп билан
с) узунликка.
- 35. Спорт гимнастикаси машқлари**
а) жиҳозларда машқлар; в) соғломлаштирувчи машқлар;
с) умумривожлантирувчи машқлар.
- 36. Даволаш гимнастикаси машқлари.**
а) саф машқлари; в) эрталабки бадан тарбия: с) соғломлаштирувчи машқлар;
- 37. Ишлаб чиқариш гимнастикаси машқлари.**
а) саф машқлари; в) умумривожлантирувчи машқлари;
с) касбий-амалий машқлар.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Олимпия билимлари асослари. Узбекистон Олимпия академијаси президенти, профессор Хамроқулов А. К., профессор Юнусов Т. Т., профессор Шатерников Э. К., доцент Акрамов А. К., Тошкент—2002 й.
2. Жисмоний тарбия ва спорт. Доцент Солиев Х., профессор Хонкелдиев Ш. Х., Андижон—2004 й.
3. Боец. Шарипова Ф., Тошкент—2002 й.
4. О, спорт ты мир. Аристов Э. И., Муравин А. Ю., Москва—2000 й.

МУНДАРЫЖА

Кириши	3
Замонавий олимпия ўйинлари	5
Халқаро олимпия күмітаси	9
Пьер де Кубертен—Олимпизм отасы	11
Саккизта президент	12
Олимпия хартиясы	16
Олимпия ўйинлари тарихи	27
Олимпиада ўйинларига спорт турларини кириши	31
Жисмоний тарбиянинг назарий асослари	37
Жисмоний тарбия услубиёти	39
Жисмоний тарбия дарслари	41
Жисмоний тарбиядаги синфдан ташқари ишлар	45
Гимнастика	47
Баскетбол	52
Футбол	61
Волейбол	76
Гандбол	84
Сузиш	92
Миллий кураш турлари Бухороча кураш	106
Белбоғли кураш Фарғона усули	111
Мусобақада ишлатиладиган ибора ва ишоралар	118
Спорт ўйинлари майдонлари	121
Тест синовлари	125

Қўқон Давлат педагогика институти Илмий кенгашининг 19 сентябрь 2006 йил, 1-сонли йигилиши қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

Мұхаррір:	Б. Юнусалиев
Тех. мұхаррір:	К. Акмалиддинов
Мұсаҳхұ:	А. Хамракұлов
Саҳифаловчи:	Ф. Акматдинов

Нашриёт раками: М—357

Теришга берилди 22. 09. 2006 й. Босишига рухсат этилди 20. 10. 2006 й.
Ҳажми 8,0 б.т. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет қофози. Адади 2000 дона.
Буюртма №. 215.

Бахоси шартнома асосида.

ЎзРФА «Фан» нашриёти: 100047, Тошкент, академик Яхъ Фуломов кўчаси, 70-үй.

«Дангарा—Полиспектр» масъулнити чекланган жамият босмахонаси
компьютерида сахифаланиб, офсет усунида чон этилди.

Дангарा шахарчаси, Тошкент кучаси, 124.